


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**М.Б. МҮМИНОВА, Ф.Н. НАСРИДДИНОВ,  
З.Т. МАМАДИЯРОВ**

**БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ  
СУҒУРТАЛАШ**

*Ўқув кўлланма*

**ТОШКЕНТ – «IQTISODIYOT» – 2019**

УЎК: 336.71(075)

КБК: 65.262.1

**Мўминова М., Насридинов Ф., Мамадијаров З. Банк операцияларини сугурталаш. Ўқув қўлланма. - Т.: «IQTISODIYOT», 2019. -137 бет.**

Мазкур ўқув қўлланма Тошкент давлат иқтисодиёт университети —Бақ иши” кафедрасида яратилди. Ўқув қўлланма давлат таълим стандартларига тўғри келади ва «Банк иши», «Пул, кредит ва банклар» фанлари мавзуларини қамраб олган. «Банк операцияларини сугурталаш» ўқув қўлланма 5230700 – «Банк иши» таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган.

«Банк операцияларини сугурталаш» номли ўқув қўлланма мазкур фан бўйича тасдиқланган ўқув дастури асосида тайёрланган. Ўқув қўлланмада банк тизимидағи операцияларнинг мазмунни, уларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган риск турлари ва уларни сугурталаш босқичлари кўрсатилган. —Банк операцияларини сугурталаш” фанининг предмети ва мазмуни. Иқтисодиётда рисклар ва уларнинг моҳияти, Банкларда рискларни бошқаришнинг иқтисодий-хуқуқий асослари ва халқаро меъёrlари, кредит, фоиз ва валюта рисклари уларни сугурталаш усувлари кабилар ҳам ўқув қўлланмада ўз ифодасини топган.

Учебное пособие под названием «Страхование банковских операций» подготовлена на основе утвержденной учебной программы курса. В учебном пособии освещена сущность банковских операций, возникновение рисков при выполнении банковских операций и этапы страхования, предмет и значение курса «Страхование банковских операций». В пособии также освещены риски в экономике и его сущность, экономико-правовые основы и международные нормативы управления банковскими рисками, кредитные, процентные и валютные риски и методы их страхования.

The manual entitled "Insurance of Bank Operations" it is prepared on the basis of the approved educational program of a course. The manual highlights the substance of bank operations, emergence of risks when performing bank and operations is covered in the manual insurance stages, a subject and value of the course "Insurance of Bank Operations". The manual also contains risks in economy and its substance, economic and legal bases and the international standards of management of bank risks, credit, interest rate and currency risks and methods of their insurance are also covered.

### **Такризчилар:**

- |             |  |
|-------------|--|
| Ж.Я. Исаков | -Қорақолпоқ давлат университети хузуридаги Ўқув илмий инновацион марказ директори, профессор, иқтисод фанлари доктори; |
| И.О.Якубов  | -ТДИУ «Макроиктисодиёт” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.  |

**ISBN 978-9943-6060-6-7**

УЎК: 336.71(075)

КБК: 65.262.1

© «IQTISODIYOT», 2019.  
© Мўминова М., Насридинов Ф.,  
Мамадијаров З., 2019.

# МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>6</b>
<b>1 -боб. “Банк операцияларини сұғарталаш” фанининг предмети ва мазмуні. Иқтисодиётда рисклар ва уларнинг моҳияти.....</b>	<b>8</b>
1.1. –Банк операцияларини сұғарталаш” фанининг предмети ва мазмуні.....	8
1.2. Иқтисодиётдаги рисклар ва уларнинг моҳияти.....	20
<b>2 -боб. Банкларда рискларни бошқаришнинг иқтисодий-хуқуқий асослари ва халқаро мөъёрлари.....</b>	<b>33</b>
2.1. Тижорат банкларида риск-менежментни ташкил этиш ва унинг иқтисодий-хуқуқий асослари.....	33
2.2. Банк фаолиятида рискларни баҳолаш ва бошқариш бўйича халқаро талаблар ва уларни Ўзбекистонда қўллаш шартшароитлари.....	53
<b>3 -боб. Кредит рисклари ва уларни сұғарталаш усуллари....</b>	<b>72</b>
3.1. Кредит риски (таваккалчилиги) тушунчаси ва унинг даражасига таъсир этувчи омиллар.....	72
3.2. Кредит портфели тушунчаси ва уни таҳлили.....	80
3.3. Кредит сиёсати кредит рискини олдини олиш ва сұғарталаш усули сифатида.....	84
<b>4- боб. Фоиз риски ва уни сұғарталаш усуллари.....</b>	<b>90</b>
4.1. Фоизли риск тўғрисида тушунча ва унинг таркибий таҳлили.....	90
4.2. Фоиз рискини бошқариш муаммолари.....	94
4.3. Фоизли рискни сұғарталаш усуллари.....	98
<b>5 -боб. Валюта риски ва уни сұғарталаш усуллари.....</b>	<b>104</b>
5.1. Валюта операциялари турлари ва улардаги рисклар.....	101
5.2. Валюта рискларини таснифлаш ва ўлчаш услублари.....	110
5.3. Валюта рискини сұғарталашнинг асосий усуллари.....	115
<b>Глоссарий.....</b>	<b>124</b>
<b>Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>130</b>

## Оглавление

<b>Введение.....</b>	<b>6</b>
<b>Глава 1. Предмет и сущность курса “Страхование банковских операций”. Риски в экономике и их сущность.....</b>	<b>8</b>
1.1. Предмет и сущность курса –Страхование банковских операций”.....	8
1.2. Риски в экономике и их сущность.....	20
<b>Глава 2. Экономическо-правовые основы и международные нормативы управления банковскими рисками.....</b>	<b>33</b>
2.1. Организация риск-менеджмента в коммерческих банках и его экономическо-правовые основы.....	33
2.2. Международные требования по оценке и управлении рисков в банковской деятельности и условия применения их в Узбекистане	53
<b>Глава 3. Кредитные риски и методы их страхования.....</b>	<b>72</b>
3.1. Кредитные риски и факторы влияющие на его степень.....	72
3.2. Понятие кредитного портфеля и его анализ.....	80
3.3. Кредитная политика как метод управления кредитными рисками и страхования.....	84
<b>Глава 4. Процентные риски и методы их страхования.....</b>	<b>90</b>
4.1. Понятие процентного риска и структурный анализ процентного риска.....	90
4.2. Проблемы управления процентными рисками.....	94
4.3. Методы страхования процентных рисков.....	98
<b>Глава 5. Валютные риски и методы их страхования.....</b>	<b>104</b>
5.1. Виды валютных операций и валютные риски.....	104
5.2. Классификация валютных рисков и методы его оценки....	110
5.3. Основные методы оценки валютных рисков.....	115
<b>Глоссарий.....</b>	<b>124</b>
<b>Список рекомендуемой литературы.....</b>	<b>130</b>

## Contents

<b>Introduction.....</b>	<b>6</b>
<b>Chapter 1. Subject and essence of the course "Insurance of Bank Operations". Risks in economy and their essence.....</b>	<b>8</b>
1.1. Subject and essence of the course "Insurance of Bank Operations".....	8
1.2. Risks in economy and their essence.....	20
<b>Chapter 2. Economic and legal bases and international standards of management of bank risks.....</b>	<b>33</b>
2.1. The organization of a risk management in commercial banks and its economic and legal basis.....	33
2.2. The international requirements for assessment and management of risks in bank activity and application conditions them in Uzbekistan....	53
<b>Chapter 3. Credit risks and methods of their insurance.....</b>	<b>72</b>
3.1. The credit risks and factors influencing its degree.....	72
3.2. Concept of the loan portfolio and its analysis.....	80
3.3. Credit policy as method of management of credit risks and insurance.....	84
<b>Chapter 4. Interest rate risks and methods of their insurance...90</b>	
4.1. Concept of interest rate risk and structural analysis of interest rate risk.....	90
4.2. Problems of management of interest rate risks.....	94
4.3. Methods of insurance of interest rate risks.....	98
<b>Chapter 5. Currency risks and methods of their insurance.....104</b>	
5.1. Types of currency transactions and currency risks.....	104
5.2. Classification of currency risks and methods of its assessment.....	110
5.3. Main methods of assessment of currency risks.....	115
<b>Glossary.....</b>	<b>124</b>
<b>The list of the recommended literature.....</b>	<b>130</b>

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан мустақил фан-техника тараққиетини таъминлашга катта эътибор бермоқда. Фанларнинг биз учун жумбоқ бўлган соҳаларини ўрганиш ва у бўйича маълум билимга ҳамда мавжуд муаммолари ечимига эга бўлиш мамлакатимиз учун хусусиятли бўлган бозор иқтисодиётининг тамойилларини тўла бажаришга асос яратиши мумкин.

Иқтисодиётнинг муҳим бўғинларидан бўлган банк тизими ва алоҳида олинган тижорат банкларнинг самарали фаолият қўрсатиши иқтисодиётни янада тараққий қилиш ва такомиллашувига олиб келиши мумкин.

Охирги йилларда Ўзбекистонда банк тизимини ислоҳ қилиниши ва эркинлаштириш бўйича Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва қатор бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз маъruzасида: «Бугунги кунда банк тизимидағи энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат қўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда»<sup>1</sup> дея таъкидладилар. Маълумки тижорат банклари бошқа хўжалик субъектларига нисбатан бир неча баробар юқори рисқ билан фаолият қўрсатадилар. Бу рискларни ўрганиш ва бошқариш, уларни сугурта қилиш банк тизими самарадорлигини ва пировард натижада бутун

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар хақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 29 декабрь 2018 йил.

иқтисодиёт самарадорлигини оширишга имкон беради. Банк рискларини ўрганишда жуда кўп чет эл олимлари ва республикамизнинг бир қатор иқтисодчи-олимлари ўз хиссасини қўшган. Банк фанининг бу соҳасини ўрганишда хорижий олимлар Поллард., Валравен К.Д., Роуз Питер С., Уайтинг Д.П., Поллореман Д., Форд Ф., Миллер Р.Л., Д.ван Хуз., Хенни ван Грюнинг, Велисава Т Севрук, бир қатор россия иқтисодчилари Лаврушин О., Соколинская Н.Е., Миркин Я.М., Панова Г.И., Батракова Л.Г., Мамонова И.Д., Тавасиев А.М, Ширинская Е.Б., Соколов Ю.А., Усоскин В.М., Москвин В.А., Гамза В.А., Соколова Н.В., ўзбек иқтисодчи олимларидан Муллажонов Ф., Шарифходжаев М., Абдуллаева Ш., Қодиров А.К., Абдуллаев Е., Тоймуҳамедов И. ўз асарларида фанинг бу соҳасини ўрганишда хисса қўшганлар.

# **1-боб. “БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШ”**

## **ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАЗМУНИ. ИҚТИСОДИЁТДА**

### **РИСКЛАР ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ**

#### **1.1. “Банк операцияларини суғурталаш” фанининг предмети ва мазмуни**

**Таянч иборалар:** Ноаниқлик, таваккалчилик, риск, сугурталанувчи, сугуртачи, сугуртавий баҳолаши, сугурта ходисаси, сугурта таъминоти, сугурта суммаси, рискларни таснифлаши, рисклар турлари.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида тижорат банкларининг молия бозоридаги рақобатбардошлигини сақлаб туришнинг асосий омили барча тармоқларда чуқур ўзгаришларни юзага келиши ҳисобланади. Иқтисодий муносабатлардаги янгиликлар энг аввало банк тизимини жаҳон талабларига жавоб берадиган ҳолда қайта кўришни талаб этади. Шунга кўра, мамлакатимизда бугунги кунда иқтисодиётнинг тезкор ва инновацион ривожланиши билан боғлиқ муносабатларининг амалга оширишни талаб қилмоқда. Бугунги кунда Республикада фаолият олиб бораётган банклар сони кўпайиб бормоқда ва бу банкларнинг аксарият қисми акционерлик кўринишидаги банклардир.

Тижорат банклари ўзининг халқ хўжалигига тутган ўрни ва ўзига хос фаолияти билан бозор иқтисоётининг ажralmas қисми сифатида юзага келди. Тижорат банкларининг бугунги қундаги фаолиятига

эътибор берадиган бўлган, мамлекатимизда ҳеч бир субъект йўқки у бугун банк хизматидан фойдаланмаётган бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев:  
—Иқтисодиётни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга. Биз аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтирмасдан туриб, —яширин иқтисодиёт”дан тўлақонли халос бўла олмаймиз.

2019 йилда банк тизими фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш масалаларига асосий эътиборни қаратиш зарур..”<sup>2</sup> дея таъкидладилар.

Банкларнинг бугунги кундаги кўрсатаётган хизматларига эътибор берадиган бўлсак уларнинг сони янада ортганини кўришимиз мумкин:

- вақтинча бўш маблағларни йиғиш ва уларни капиталга айлантириш;
- аҳоли, корхоналар ҳамда давлатга кредит бериш;
- иқтисодий субъектларининг бир бирлари ҳамда давлат билан бўладиган тўловларини амалга оширишда ҳисоб ва тўловларни амалга ошириш хизмати.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фаолият турлари тижорат банкларининг асосий фаолият турлари ҳисобланади.

Тижорат банклари янги турдаги банк хизматларини йўлга қўйиш орқали корхона ташкилотларга қулайликлар яратмоқда. Булар

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. —Халқ сўзи” газетаси 29.12.2018 йил.

қаторига қуидагиларни киритиш мумкин:

- лизинг хизматлари;
- факторинг хизматлари;
- инвестиция операциялари;
- молиявий брокерлик хизматлари;
- траст хизматлари.

Иқтисодий ва молиявий ахборотлар ва маслаҳатлар бериш ва бошқалар.

Тижорат банкларининг самарали ва ишончли фаолияти республика иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлди деб айтиш мумкин.

Банкларнинг кредит бера олиш қобилияти нафақат аҳоли қўлидаги бўш маблағлар йиғилишига ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ўз пул маблағларини кўпайтира олиш қобилиятига боғлиқ, балки бугунги кунда аҳолининг банкка бўлган ишончига ҳамда инфляция даражасига боғлиқ бўлиб бормоқда.

Банкларнинг кредитлаш функцияси бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўзига хос роль ўйнамоқда. Агар биз банкнинг корхоналарни кредитлаш жараёнига эътибор берадиган бўлган, банк ўз навбатида мавжуд корхоналарнинг молиявий ҳолатларига ҳам холисона баҳо бериш каби муҳим ишни амалга оширмоқда.

Тижорат банкларининг муҳим функциясидан яна бири ҳисоб ва тўловларни амалга ошириш функциясидир. Бугунги кунда корхона ва хўжаликлар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг асосий қисми пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда. Бу жараёнларда тижорат банки воситачи сифатида тўловлар ўтказиш жараёнини бажармоқда.

Тўлов ҳужжатларининг ўз вақтида ўтиши ҳамда ҳисоб-китоб жараёнларининг узлуксизлигини таъминлаш зарурати бугунги кунда банклардан ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ва назорат қилишнинг мукаммал усулларини ишлаб чиқиши талаб этмоқда.

Ҳисоб-китобларни тезлаштириш, жараёнларнинг ишончлилигини таъминлаш ҳамда бу жараёнлар билан боғлиқ харажатларни камайтириш мақсадида тижорат банклари бугунги кунда компьютер техникаси билан жихозланмоқда. Бундан ташқари мамлакат бўйича жойлаштирилган филиаллар ёрдамида тўловлар жараёни янада тезлаштиришга эришилмоқда. Миллий банкнинг бўлимлари тармоғи барпо этилиши камида учта асосий вазифани кўзлайди:

- умуман мамлакат иқтисодий манфаатлари;
- банк ўз инфратузилмасини ривожлантириш;
- банкнинг энг катта мижозлари манфаатларини назарда тутиш.

Тижорат банкларининг тўловларни амалга ошириш функцияси орқали бугунги кунда юридик шахсларнинг давлат бюджетига бўлган мажбуриятлари назорат қилинмоқда.

Бугунги кунда тижорат банклари етарли даражада техник жихозланганлиги ҳамда керакли ахборот базаларига ва малакали кадрларга эгалиги банклари ўз навбатида қимматли қоғозлар бозорининг асосий иштирокчиларидан бири қилиб қўймоқда. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида банклар бир вақтнинг ўзида ҳам инвестор ҳам эмитент сифатида қатнашмоқда. Банкларнинг бошқа хўжалик субъектларига нисбатан стабил молиявий ҳолатга эгалиги қимматбаҳо қоғозлар бозорида операцияларда қатнашишга имкон бермоқда. Республикада тижорат банкларининг қимматбаҳо қоғозлар

бозорида актив иштирок этишининг сабабларидан яна бири банкларнинг низом капиталини ошириш соҳасида ўз акцияларини сотишга бўлган интилишдир.

Бундан ташқари банклар ўз мижозларига молиявий брокер сифатида ҳам хизмат кўрсатмоқда. Банкларнинг бундай функцияни бажаришлари корхона ташкилотларнинг қимматли қоғозлар бозори операцияларида қатнашишлари учун қулай шароит яратмоқда.

Бугунги кунда республика давлат мулкини хусусийлаштириш билан боғлиқ жараёнлар кенг ўрин олганлиги сабабли корхоналарга тегишли қимматли қоғозлар бозорига нисбатан давлат қимматли қоғозлар бозори актив ҳаракат қилмоқда. Бу бозорда асосий қатнашчилар сифатида тижорат банклари майдонга чиқмоқда. Бу бозорда тижорат банклари ўзларининг брокерлик функцияларини амалга ошириш билан бир қаторда мавжуд ресурсларини ҳеч қандай рискка бормаган ҳолда қисқа муддатларга жойлаштириш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Республика иқтисодиётига кириб келаётган «Лизинг» жараёнлари бугунги кунда ишлаб чиқаришни техника ва технологик таъминлаш ҳамда қайта жиҳозлашда муҳимлигини кўрсатмоқда. Агар биз лизинг хизматларига тўланадиган фоиз билан банк кредити бўйича тўланадиган фоиз ўртасидаги боғлиқликга эътибор берадиган бўлган, у ҳолда лизинг хизматларини бугунги кунда тижорат банклари томонидан амалга оширилишини йўлга қўйиш қулай ҳамда муҳимдир. Чунки тижорат банклари лизинг хизматлари учун бошқа бир лизинг ташкилотига кредит беришдан кўра банк кредити фоизи даражасида мижозларга хизмат кўрсатиши ва шу билан лизинг

хизматлари баҳосини камайтириши мумкин. Бундан ташқари керакли маблағни жалб қила олиш имкониятига эга ва шу билан бир қаторда техник жиҳатдан етарли даражада жиҳозланган.

Тижорат банклари томонидан олиб борилаётган банк фаолиятига бугунги кунда “Траст” хизматлари ҳам кириб келмоқда. Траст хизматлари республика банклари учун янги ҳисоблансада уни ўзлаштириш соҳасида кўплаб ишлар олиб борилмоқда.

Чет эл банк тажрибасидан бизга маълумки фирмалар буюртмага эга бўлишликлари ўз навбатида банк таъминот хатлари деб аталувчи фирманинг молиявий қобилиятини кафолатловчи хизматларга боғлиқ бўлмоқда.

Жаҳон банклари иш фаолиятида ахборотларни сотиш ҳамда молиявий маслаҳатлар каби хизматлар ҳам кенг ўрин олган. Бизнинг олдимизда турган масалалардан бири ҳам бу соҳани ўрганишdir.

Янги иқтисодий шароит ўз навбатида тижорат банкларининг ривожланишини улар кўрсатаётган хизматларга ва бу хизматларнинг қай даражада ташкил қилинганлиги боғлади. Чунки ишлаб чиқаришдаги каби банк соҳасида ҳам рақобат эртами-кечми ўз ишини бажаради.

Хар қандай корхона, ташкилот фаолияти рисклар билан боғлиқ бўлганлиги каби тижорат банклари фаолияти ҳам ўз навбатида турли рисклар билан боғлиқdir. Корхона ва тижорат банклари бир-бирлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш вақтида вужудга келадиган рисклар даражаси муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли тижорат банклари бирон бир субъект билан иқтисодий алоқа ўрнатишдан олдин энг аввало бу субъект фаолиятидаги рискли ҳолатларни

ўрганишга интилади.

Риск - бу маълум мақсадни кўзлаган ҳолда олиб борилаётган фаолият натижасига бўлган ишончсизлик, баъзан қониқарсиз тугаши натижасидаги йўқотишлардан иборатdir. Масалан, берилган кредит бўйича тўловларнинг амалга ошмаслиги натижасида банк фойдасининг камайиши, ёки берилган кафолат хатлари бўйича тўловларни амалга оширишга тўғри келиши ва шу билан бир қаторда банкнинг ресурс баъзасининг камайиши. Рисклар банк фаолиятида ўлчаш мумкин бўлган кўрсаткичdir ва улар доим банкнинг бажараётган операциялардан олган заарига, йўқотган даромадига тенг бўлади. Риск ва фойдалилик ўртасидаги боғлиқликка эътибор берадиган бўлсак, банк операцияларининг рисклилик даражаси ортган сайин унинг фойдалилиги ҳам ортиб боради ва аксинча, риски кам жараёнлар ўз навбатида кам даромад берувчи операциялар ҳисобланади.

### 1.1-жадвал

#### Молиявий рисклар таснифи<sup>3</sup>

<b>Объекти бўйича</b>	- алоҳида молиявий операция риски; - турли хил молиявий фаолият рисклари; -жамиятнинг умумий молиявий фаолияти риски.
<b>Ўрганилаётган инструментлар йиғиндиси бўйича</b>	- индивидуал молиявий риск; - портфел молиявий риск.
<b>Ўрганишнинг комплекслилиги бўйича</b>	- оддий молиявий риск; - мураккаб молиявий риск.
<b>Пайдо бўлиш манбаи бўйича</b>	- ташқи ёки тизимли риск; - ички ёки тизимсиз риск.

Хар қандай иқтисодий фаолият фойда олишга қаратилганидек тижорат банклари фаолиятидан кўзланган натижа бу биринчи навбатда фойда олишдир. Ўз навбатида олинадиган фойда даражаси тўғридан-тўғри мавжуд рисклар даражаси билан боғлиқдир. Тижорат

<sup>3</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

банклари олдида турган биринчи масала бу риск ва фойдалилик ўртасидаги оптималь даражага эришишдир. Тижорат банклари томонидан бугунги кунда рискларни ўрганишнинг асосий сабаби ҳам шунга, яъни олинадиган даромадни оширишга қаратилгандир. Даромадни ошириш эса тижорат банкларидан мавжуд рискларни чуқур ўрганишни ва уларни камайтиришга қаратилган чоратадбирларни қабул қилишни талаб этади.

Тижорат банклари ўз фаолиятлари билан боғлиқ бўлган рискларни бошқаларга нисбатан кўпроқ ўрганишлари талаб этилади. Чунки тижорат банклари ўз фаолияти билан бир томондан ўз акциядорлари олдида жавобгар бўлсалар, иккинчи томондан ўз маблағларини ишониб топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган мижозлар олдида мажбуриятга эгадирлар.



### 1.1-чизма. Молиявий рисклар таснифи<sup>4</sup>

Ривожланган мамлакатлар банкларига нисбатан МДХ давлатлари ва шу жумладан республикамиз банклари фаолияти янада кўпроқ рискка эга бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби режали иқтисод

<sup>4</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

давридаги банк фаолияти билан бугунги давр банклари фаолиятининг тубдан фарқ қилишидир. Бугунги кунда банклар ўз фаолиятини давр талабига жавоб берадиган ҳолда қайта ташкил этишлари ва янги турдаги банк операцияларни амалга оширишларида етарли тажрибанинг йўклиги улар фаолиятидаги риск даражасини янада оширмоқда.

Акционер капитал банк фаолиятини рисклилигини камайтирувчи энг биринчи омилдир. Банкларнинг олган фойда кўрсаткичларини инфляция даражаси билан корректировка қиласидиган бўлган бизнинг банклар даромади анча пастга тушиши мумкин. Бундан ташқари банкларнинг маблағлардан фойдалана олишлик қобилиятини таҳлил қиласидиган бўлган, у ҳолда бизнинг банкларимиз маблағларининг катта қисмини даромад келтирмайдиган активларга жойлаштирганини кўрамиз

Риск даражасини банк фаолиятида ўлчаш мумкин деган нуқтаи- назардан келиб чиқсан ҳолда рискларга қарши кўрилган чоратадбирлар натижасини ҳам ўлчаш мумкин бўлади ва у олинган даромад ҳамда мижозлар ишончидан иборат бўлади дейиш мумкин. Чунки мижозлар банк танлаш ҳуқуқига эга бўлганликлари сабабли улар фақат ишончли банкларга мурожат этадилар. Банк фаолиятидаги операцияларнинг рисклилийк даражасини ўрганишга бўлган харакатлар натижасида 1988-йилда Базель конвенциясида қабул қилинган ва бу кўрсаткичлар асосида Республика банклари томонидан ўтказилаётган актив операциялар фаолиятини рисклилийк даражаси бўйича Марказий банк томонидан маҳсус қабул қилинган қўлланма асосида таҳлил ўтказишимиз мумкин.

## 1.2-жадвал

### Тижорат банклари операцияларнинг рисклилик даражаси (фоиз хисобида)<sup>5</sup>

№	Активлар	Риск	А банк	Б банк
1.	Нақт пул ва бошқа хазина хужжатлари	0	0,3	0,4
2.	Марказий банкдаги муҳбирлик варағидан олиш –Ностро	0	2,6	3,7
3.	Марказий банкдаги муҳбирлик варағидан олиш –Востро	0		
4.	Марказий банкдаги мажбурий резерв ҳисобидан олиш	0	1,8	0,2
5.	Марказий банкдаги бошқа ҳисоблардан олиш	0		
6.	Бошқа банклардан олиш бўйича муҳб. Ҳисоби -Ностро	20	1,5	0,14
7.	Бошқа банклардан олиш бўйича муҳб. Ҳисоби -Востро	20		
8.	Бошқа банклардан олинадиган бошқа депозитлар	50		
9.	Хазина векселлари	0	2,8	
10.	Давлат облигациялари	0	1,2	0,16
11.	МБ қимматли қоғозлари ва облигациялари	0		
12.	Еврооблигациялар	20		
13.	Қимматли-қоғозларни сотиш бўйича бошқа ҳисоблар-соф	100		
14.	Қимматбаҳо металлар	0	0,0005	
15.	Бошқа молларни олиш ва сотиш ҳисоблари	100	2,8	2,25
16.	Сотиб олинган векселлар –соф	100		0,45
17.	Акредетив тратталари ёки траст хужжатлари бўйича мижозлар мажбурияти	100		
18.	Сўндирилмаган аксептлар бўйича мижозлар мажбуриятлари	100		
19.	МБга берилган кредитлар	20		
20.	Бошқа банкларга берилган кредитлар	50	0,1	0,23
21.	Биринчи даражали таъминотли кредитлар	20		
22.	Олинувчи ссудалар- соф	100	85	83,9
23.	Суд тортишувларидаги ссуда ва аванслар- соф	100	0,09	0,05
24.	Инвестициялар-соф	100	0,48	0,15
25.	Банк бинолари ва жиҳозлари	100	6,3	6,2
26.	Бошқа активлар	100	7,7	9
	<b>ЖАМИ</b>		<b>100</b>	<b>100</b>

<sup>5</sup> М.Мўминова –Банк операцияларини сугурталаш” фани бўйича ўкув-услубий мажмуа. Маъруза машғулоти учун. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2019 йил, 254 бет.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики иккала банкда ҳам актив операциялар диверсификацияси қониқарли эмас. Бундан ташқари маблағларнинг жуда катта қисми рискли жараёнларга юборилган. А банк буйича бу кўрсаткич 90 фоиздан юқори, Б банк бўйича эса 93 фоиз атрофига бўлиб бу банкнинг рисклилик даражаси А банкка нисбатан юқорироқдир. Иккала банк ҳам юқори фойда олишга интилганлиги операциялар рисклилик даражасидан кўриниб турибди. Бундан ташқари бу банкларда бошқа банк операциялари бўйича тажрибанинг йўқлиги ҳам бўлиши мумкин.

Тижорат банклари фаолиятидаги рисклар даражасининг қўтарилиши ўз навбатида қўйидагиларга боғлиқ бўлади:

- муаммоларнинг фавқулотда пайдо бўлиши ва уларга қарши чора кўришнинг имкони бўлмаслиги (булар қаторига табиий оғатларни ҳам киритиш мумкин);
- қўйилган вазифанинг ўзгариши, олдинги давр тажрибасига мос келмаслиги (ўтиш давридаги тижорат банкларига айниқса муҳимдир);
- банк раҳбарияти томонидан зарур чора - тадбирлар қабул қилинмаслиги оқибатида молиявий заарлар кўриш;
- муайян ҳолатларда риск даражасини камайтиришга қаратилган чораларни кўриш учун халақит берувчи банк фаолиятидаги қоидаларнинг борлиги ҳамда мамлакат қонунчилигининг етарли даражада ривожланмаганлигидир.

Тижорат банклари фаолияти энг аввало фойда олишга қаратилганидек барча фойда берувчи операциялар ўз навбатида ҳар хил даражага эга бўлган ҳолда рискка тобедир. Республикамиз шароитида яъни ўтиш даврида тижорат банклари рискларни

ўрганишларида қуидагиларга эътибор беришлари талаб этилади.

Ўтиш даврида юзага келган иқтисодий қийинчиликлар ва уларнинг тармоқлар ва ўз навбатида корхоналар фаолиятига тъсири натижасида тармоқлар, корхоналарнинг молиявий аҳволидаги салбий ўзгаришлар

Сиёсий ҳолатдаги стабиллик:

- тијорат банклари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва талабларнинг етарли даражада сифатли ишлаб чиқилмаганлиги.
- инфляция даражасидаги ўзгаришлар.

### 1.3-жадвал

#### Рискларни туркумлаш<sup>6</sup>

Туркумлаш таснифи	Риск турлари
Миқёси бўйича рисклар:	<ul style="list-style-type: none"><li>- тармоқлараро рисклар;</li><li>- ҳудудлараро рисклар;</li><li>- миллий рисклар;</li><li>- халқаро рисклар</li></ul>
Халқаро рисклар:	<ul style="list-style-type: none"><li>- молиявий риск;</li><li>- ҳукуқий риск;</li><li>- ишлаб чиқариш риски;</li><li>- тијорат риски;</li><li>- инвестицион риск</li></ul>
Диверсификацион имкониятлар бўйича:	<ul style="list-style-type: none"><li>- систематик риск;</li><li>- хусусиятли риск</li></ul>
Даражаси бўйича:	<ul style="list-style-type: none"><li>- минимал риск;</li><li>- юқори риск;</li><li>- критик риск</li></ul>

Риск даражасини баҳолашда ҳамда уни камайтиришга қаратилган энг қадимий чоралардан бири бу рискларни суғурта қилиш усулидир. Бугунги кунда республикамиз тијорат банклари бу усулдан фойдаланишлари бир мунча қийинроқ бўлмоқда, чунки ўтиш даврида барча МДХ давлатларидағи каби бизнинг республикамизда ҳам суғурта фаолияти янги давр талаблари остида қайта

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

ташқиллаштирилмоқда ва у янги ўзлаштирилаётган соҳалар қаторига кирмоқда. Банк рискларини пайдо қилувчи факторлар асосида энг аввало иқтисодий ҳамда сиёсий факторлар ётади.

## **1.2. Иқтисодиётдаги рисклар ва уларнинг моҳияти**

Хозирги пайтда Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёни тижорат банкларининг барқарор фаолият юритувчи тизимини яратишни кўзда тутади. Чунки тижорат банклари бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Уларнинг барқарорлиги давлат аҳамиятига эгадир.

Марказлашган иқтисодиёт шароитида барча хўжалик субъектари қатъий йўриқномалар, буйруқлар, меъёрий ҳужжатлар бўйича фаолият олиб борганлиги учун риск ва унинг даражасини ўйлашга тўғри келмасди. Олдиндан қанча фойда олиш ёки заарар кўриш мумкинлиги аниқ бўлар эди. Кўрилган заарар одатда, корхонанинг юқори ташкилоти ёки вазирлик томонидан, баъзи ҳолларда турли хил йўқотишлар билан бирга бюджет маблағлари ҳисобидан қопланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатиш корхоналардан фаолиятнинг юзага келтирилган тамойилларини ўзгартиришни талаб этади. Энди ҳар бир бозор муносабатлари субъектининг фаолияти қонун доирасида ўз меъёrlарига эга бўлди: Нобарқарор, тез ўзгариб турувчи бозор муносабатлари шароитида банклар ўз мижозлари, рақобатчилари томонидан бўладиган ҳаракатлар ва қонун ҳужжатлари ўзгариши билан боғлиқ турли натижалар ва уларнинг

банк фаолиятига таъсирини инобатга олиб бориши лозим. Чунки бундай ўзгарувчан ҳолатлар банк фаолияти давомида юқори таваккалчилик қилишга олиб келади. Замонавий банк тизими니 рисksiz тассавур қилиб бўлмайди. Банкнинг барча операциялари риск билан боғлиқ бўлиб, уларнинг даражаси операция турига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Бинобарин, банк амалиётида рискни умуман йўқ қилиш мумкин эмаслиги боис, уни олдиндан кўра билиш, уни камайтириш чораларини кўриш лозим. Биз олдинги бобда иқтисодиётда рискнинг мавжудлиги ва салмоғини кўрган бўлсак, бу параграфда иқтисодий рискнинг муҳим бир тури - банк риски, унинг иқтисодий моҳияти, турлари тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Ҳар қандай иқтисодий фаолият фойда олишга қаратилганидек, тижорат банклари фаолиятида кўзланган натижа, биринчи навбатда фойда олишdir. У риск билан боғлиқ бўлади. Шу туфайли тижорат банклари олдида турган биринчи масала риск ва фойдалилик ўртасида оптимал даражага эришишdir.

Ўзбекистонда бозор муносабатлари тамойилларининг амал қилиши тижорат банкларидан ўз фаолияtlари билан боғлиқ рискларни бошқа хўжалик субъектарига нисбатан кўпроқ ўрганишларини талаб этади. Чунки тижорат банклари ўз фаолияти билан бир томондан, ўз акциядорлари олдида жавобгар бўлсалар, иккинчи томондан, ўз маблағларини ишониб топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган мижозлар олдида мажбуриятга эгадирлар.

Ривожланган мамлакатлар банкларига нисбатан МДХ давлатлари, шу жумладан республикамиз банклари фаолияти янада

кўпроқ рискка эга бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби режали иқтисодиёт давридаги банк фаолиятини бугунги давр талабига жавоб берадиган ҳолда қайта ташкил этишлари ва янги турдаги банк операцияларини амалга оширишида етарли тажрибанинг йўқлиги улар фаолиятидаги риск даражасининг янада ошишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу туфайли банк риски, унинг моҳияти, унинг турлари келиб чиқиш сабабларини чукур ўрганиш амалиёт учун ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Банк рисклари тўғрисида иқтисодчи олимларнинг фикрлари хилма-хил бўлиб, улар бу тушунчанинг моҳиятини турлича талқин қиласидирлар. Бунинг сабаби шундаки, риск кенг маъноли, фаолиятнинг, жараёнларнинг турли босқичларида учраб турувчи кўп қиррали тушунчадир. Банкнинг молиявий барқарорлиги рискка боғлиқ бўлгани учун унинг моҳиятини чукур ўрганиш талаб этилади. «Риск»нинг иқтисодий моҳияти тўғрисида маҳсус адабиётларда, амалиётда мавжуд бўлган баъзи бир фикр ва мулоҳазаларни биз тадқиқотимизнинг биринчи бобида кўриб ўтган эдик. Бу параграфимизда биз олдинги бобда келтирилган фикримизни давом эттирган ҳолда «банк риски»нинг моҳиятини кўриб чиқиши ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Банк рискининг моҳиятига кўпгина маҳаллий иқтисодчилар томонидан банк таваккалчилиги, кредит хавф-хатари банк хатари деб кўрилади Банк фойда кўриши учун бу «хатар»ни камайтириш шартлиги таъкидланади.

Банк амалиётида риск ҳар доим ҳам кутилмаган ходиса эмас. Банк фаолиятининг барча тури риск билан боғлиқ. Банк шу фаолият

тури ёки операция рискли эканлигини билиб туриб, шу операцияни амалга оширишга қарор қиласы да ёки амалга оширади ва у барча ҳолларда шу операция натижасыда юқори даромад олишни режалаштиради.

Банк риски иқтисодий рискларнинг бир қисмини ташкил қилиб, банк билан жисмоний ва ҳуқуқий шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга таянади. Биз олдинги параграфимизда рискнинг юзага келиши объектив, субъектив сабабларга боғлиқ бўлиши тўғрисида таъкидлаган эдик. Банк рискларининг моҳиятини татбиқ қила туриб, биз банк фаолиятида юзага келувчи рискларнинг эса субъектив-объектив табиати мавжуд деган фикрни билдиromoқчимиз.

Маблағларнинг кредитлаш тамойилига риоя қилинган ҳолда мижозларга берилиши, банкларнинг иши улар фаолиятининг турлари риск билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бу хол банк рискининг объективлигини ифодаласа, банк фаолиятига бошқа омилларнинг таъсири, уларнинг натижасини ҳисоблаш имкониятининг мавжудлиги ва бир турдаги рискнинг турли шароитда бўлиши, уни турлича қабул қилиш ва ҳисоблай олиш унинг юзага келишининг субъектив сабаблари ҳисобланади.

Банк фаолиятида ҳам рискнинг юзага келиши баъзи-бир салмоғи, таъсири, шакли жиҳатдан турлича бўлган ноаниқликлар билан боғлиқ бўлади. Чунки банк фаолияти ташқи муҳитга боғлиқ бўлиб, унга объектив иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ва улардаги бўладиган ўзгаришлар таъсир кўрсатади.

Банк фаолиятида рисклар юзага келишининг қуйидаги сабаблари мавжуд:

- бозорни яхши ўрганмаслик;
- ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш соҳасида маълумотларнинг етарли эмаслиги;
- кредитланадиган лойиҳа, объект ва мижозлар тўғрисида, уларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумот ва ахборотларнинг тўлиқ эмаслиги;
- тармоқлар фаолияти хусусиятининг инобатга олинмаслиги;
- субъектлар ёки мижозларнинг онги, савияси маблағлардан фойдаланиш бўйича билим ва мақсадларининг турлилиги ва бошқалар ҳисобланади. Шу сабабли банк рискларининг иқтисодий тоифа сифатида таърифи унинг объектив ва субъектив сабаб ва оқибатларини ўзида ифода қилмоғи лозим.

Юқорида келтирилганларга асосланиб биз, банк риски банк фаолиятини амалга ошириш жараённида банк маблағларининг бир қисмини йўқотиш, ёки даромад ололмаслик шароитида ижобий натижага умид қилиб, банк операцияларини (депозит, кредит, инвестиция, валюта) ўтказишидир деган таърифни келтирмокчимиз. Бу таърифимизда биз, биринчидан, ҳақиқатда банкларнинг турли операциялари хоҳ у ресурслар жалб қилиш билан боғлиқ операция бўлсин, хоҳ у маблағларни инвестиция қилиш ёки кредит бериш, юқори даромад олиш мақсадида хавфли валюта операцияларини ўтказиш бўлсин - банкнинг барча операциялари унинг маълум бир йўқотишлар билан боғлиқ шароитда эканлигини тъкидламоқчимиз. Иккинчидан, банк доимо ҳар бир операцияси унга ижобий натижа (даромад) келтиришга умид қилган ҳолда бир турдаги операцияни амалга оширади деган фикрни илгари сурмоқчимиз.

Банклар фаолиятининг риск билан боғлиқ бўлиши харажатлар, зарарлар ва йўқотишлиар каби категорияларнинг доимий учраб туришини ва улар банк амалиётининг қунлик мониторингида бўлишини тақозо қиласди. Банкларда харажатларнинг бўлиши, зарар ёки йўқотишлиар булар ўз-ўзидан риск ҳисобланмайди. Бу тушунчаларнинг ҳар бири ўзининг моҳиятига эга.

Банкнинг депозитлар, жамғармалар ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича фоиз тўлаш, бошга молия-кредит институтларидан жалб қилинган маблағлар учун фоизлар тўлаш, банк ходимлари учун иш ҳақи тўлаш ва бошқа операцион харажатлари билан боғлиқ рисклари қўйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин: бозор иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар ахоли жамғармалари бўйича тўланадиган фоиз ставкаларини оширишда, кредит ресурсларининг етарли эмаслиги, кредит ресурсларини сотиб олиш қийматининг ошиши, банк ходимларининг иш ҳақи билан боғлиқ харажатларни ошириш кабиларда ўз ифодасини топади. Банк харажатларининг меъёрдан ошиши, даромад ола олмаслиги банкка зарар олиб келади.

Банкнинг зарар кўриши, банк фаолиятида учрайдиган рискларнинг олдини ололмаслик, ундан қоча олмаслик натижасида юзага келади. Банк фаолиятида рисклар келажакда амалга ошириладиган операцияларни олдиндан тўлиқ таҳлил қилмаслик, ҳолатни яхши ўрганмаслик, маблағларни самарали жойлаштирмаслик, бозор имкониятларига тўғри баҳо бермаслик, банк фаолияти учун салбий натижаларга олиб келиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларни олдиндан сеза олмаслик туфайли юзага келиши

мумкин. Заарларнинг юқори бўлиши банкларда йўқотишлар бўлишига олиб келади.

Йўқотишлар банк фойдасини камайтирувчи омил ҳисобланиб, у банк фаолиятининг рисклилик даражасига боғлиқ бўлади.

Рискнинг ҳажми банк амалга оширадиган операцияларнинг рисклилик даражасига, банкнинг риск соҳасидаги стратегияси сифатига боғлиқ бўлади.

Банк раҳбариятининг фойдани кўпайтиришга интилиши эҳтимолий заарларни имкон қадар камайтириш билан бирга кечади. Ушбу икки мақсад бир-бирига муайян даражада зид бўлиб, бу банк маъмурияти ва унинг омонатчилари манфаатларининг қарама-қаршилиги билан боғлиқдир. Банк маъмурияти фойдани кўпайтиришга интилади ва қўшимча фойда олиш учун риск қилишга тайёр туради. Омонатчи учун эса маблағларнинг сақланиши ва банкка ишонч масаласи муҳимроқдир. Даромадлилик ва риск ўртасидаги мақбул нисбатни сақлаб туриш банкни бошқаришнинг энг асосий ва мураккаб муаммоларидан биридир. Банкларни баъзан «риск сотиб оловчи ва сотувчилар» деб аташлари бежиз эмас. Зиммага олинадиган риск ва банк фаолиятидан кўзланган даромад ўртасида муайян алоқа мавжуд: катта рискка кўпроқ даромад олиш эҳтимоли хосдир. Деярли рисксиз, кам кафолатланган даромад олишдан фарқли равища, даромад қанча катта бўлса, унга эришиш эҳтимоли ҳам шунча кам бўлади.

Банк рискларини бошқаришни самарали ташкил этиш уларни муайян белгилари бўйича аниқ гурухларга бўлиш билан боғлиқ. Рискларнинг илмий асосланган таснифи уларни ҳар бирининг

умумий тизимдаги ўрнини белгилаш, уларни бошқаришнинг самарали усулларини қўллаш имконини беради.

Махсус адабиётларда рискларнинг, жумладан, банк рискларининг турли хил таснифларини учратиш мумкин. Биз шу параграфда банк рискларининг илмий асосланган таснифини келтиришни мақсад қилиб қўйғанмиз. Риск турлари бир-бири билан боғлиқ бўлиб, улар банклар фаолиятига турли даражада таъсир кўрсатади. Бу ҳолат рискларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва рискнинг аниқ бир турларини таҳлил қилиш, уларнинг юзага келиши сабабларини аниқлашни қийинлаштиради.

Шу боис банк рискларини таснифлашни қўйидаги асосий тамойиллар асосида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз:

- пайдо бўлиш сабаблари ва таъсир қилиш характерии бўйича;
- намоён бўлиш шакллари бўйича;
- бошқариш имкониятига қараб рискларни бўлиб чиқиши;
- ҳисоблаш усулига қараб рискларни ажратиш;
- юзага келиш ва таъсир вақтига қараб рискларни ажратиш;
- юзага келиш соҳасига қараб рискларни таснифлаш ва х.к.

Мамлакат риски, халқаро банк амалиётида ва банк ташкилотлари, қўшма банклар фаолиятида пул оқими, кредит ва ҳисоб операциялари соҳасида бўлган рисклар билан бевосита боғлиқ. Бу рискларнинг бўлиши ва уларнинг даражаси эса импортчи ёки экспортчи давлатлар ёки контрагент мамлакатлардаги сиёсий-иқтисодий барқарорликка боғлиқ. Ҳар бир мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорликка асосланиб, шу мамлакатдаги риск даражасини баҳолай олиш чет эл

капитали иштирокида ташкил топган қўшма банклар ва бош лицензияга эга бўлган банк ташкилотлари учун долзарбдир. Банк амалиётида унинг раҳбарияти чет эл контрагентларининг молиявий барқарорлигига нотўғри баҳо бериш натижасида анча хатоларга йўл қўядилар. Шунинг учун бирор давлат билан узвий иқтисодий алоқани ўрнатишда, айниқса кредит ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ муносабатларни олиб боришида, ундаги иқтисодий-сиёсий барқарорликни таҳлил қилиб риск даражасини аниқлаш лозим.

Мамлакат рискини конвертланган рисклар, трансферт рисклари ёки маратория тўловлари бўйича рискларга туркумлаш мумкин. Уни ҳисоблашда Германиянинг BERI фирмаси томонидан ишлаб чиқиладиган BERI индексидан фойдаланиш мумкин.

Мамлакат рискини баҳолашда асосий кўрсаткичлар сифатида қўйидаги кўрсаткичларни таҳлил қилиш лозим:

- иқтисодиётнинг самарадорлиги (бунда давлат бўйича ялпи миллий маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши ҳисобланади);
- сиёсий риск даражаси;
- жаҳон банки маълумотларига асосан олинган кредитлар миқдори, улар бўйича қарздорлик даражаси, кредитни қайта тўлаш жараёнининг амалга оширилиш сифати, экспорт ҳажми, ташқи қарзлар, ташқи савдо айланмаси ва бошқалар; банк кредитларини олиш имконияти; қисқа муддатли кредитлаш имконияти; узоқ муддатли кредитлаш имконияти;
- форс-можор ҳолатларининг юзага келиши; мамлакатнинг кредитга лаёқатлилик даражаси; ташқи қарзлар бўйича тўланмаган мажбуриятлар ва бошқалар.

Рискнинг асосий турлари бир-бири билан боғлиқ ва амалиётда уларни ажратиш кўпинча мураккабдир. Ўз навбатида сиёсий ва иқтисодий ризк ҳам ички, ҳам ташқи бўлиши мумкин.

Алоҳида олинган банк фаолиятига сезиларли таъсир қилувчи рисклар ички рисклардир. Банклар ички рискларига банкнинг ўз фаолияти, унинг мижоз (қарздор)лари ёки унинг муайян контрагентлари билан бўлган фаолиятига боғлиқ рисклар киради. Банкнинг ўз раҳбариятининг тадбиркорлик фаоллиги, самарали маркетинг стратегияси сиёсати ва тактикасини танлаш ҳамда бошқа омиллар ички ризк даражасига таъсир кўрсатади.

Ички рисклар банк операцияларининг хусусияти, банк мижозларининг таркиби ва тижорат банкларининг турлари бўйича гурухларга бўлинади.

Банк операциялари хусусиятига кўра рисклар:

- баланс операциялари риски;
- балансдан ташқари операциялар риски;

- молиявий хизматларни амалга ошириш билан боғлиқ рискларга бўлинади.

Ўз навбатида баланс операциялари рисклари банкнинг актив операциялари риски, банкнинг пассив операциялари риски, активлар ва пассивларни бошқариш сифати билан боғлиқ рискка бўлинади. Биз банк рисклари таснифини янада аниқлаштиromoқчимиз. Актив операциялар рискига кредит, ҳисоб-китоб, касса, бозор, валюта, лизинг, факторинг рисклари, молиялаш ва инвестициялар билан боғлиқ рисклар киради. Кредит риски мижоз томонидан асосий қарз

суммасини ва кредит бўйича фоизларни тўлай олмаслик эҳтимоли бўлганда юзага келади.

### ***Банк рисклари таснифи***

1. Таъсир қилиш даражаси бўйича:

- а) паст;
- б) ўртача;
- в) юқори.

2. Намоён бўлиш шакли бўйича:

- а) тизимли;
- б) тизимсиз.

3. Юзага келиш сабаблари бўйича:

- а) алоҳида риск;
- б) йифилган риск.

4. Таъсир вақти бўйича:

- а) ретроспектив;
- б) жорий;
- в) истиқболли.

5. Бошқариш имконияти бўйича:

- а) очик;
- б) ёпик.

6. Ҳисоблаш усули бўйича:

- а) алоҳида риск;
- б) тўлиқ риск.

Бундан ташқари банк рискларининг қуидаги таснифи ҳам мавжуд. Банк фаолиятида рисклар юзага келишининг асосий сабаблари:

- бозорни яхши ўрганмаслик;
- ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш соҳасида маълумотларни етарли эмаслиги;
- кредитланадиган соҳа, объект ва мижозлар тўғрисида, уларнинг молиявий ахволи тўғрисидаги маълумот ва ахборотларни тўлиқ эмаслиги;
- тармоқлар фаолияти хусусиятининг инобатга олинмаслиги;
- субъектар ёки мижозларнинг онги савияси, маблағлардан фойдаланиш бўйича билим ва мақсадларнинг турли хиллиги ва бошқалар ҳисобланади. Банк фаолияти рисклар харажатлар, зарар ва йўқотишлар каби тушунчалар билан бир қаторда турди. Банк харажатларига депозитлар, жамғармалар, бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича фоиз тўлаш, бошқа молия-кредит институтларидан жалб қилинган маблағлар учун фоиз тўлаш банк ходимлари учун иш ҳақи тўлаш, бошқа операцион харажатлар киради.

Банкнинг зарар қўриши банк фаолиятида учрайдиган рискларни олдини ололмаслик ундан қоча олмаслик натижасида юзага келади. Заарларнинг юқори бўлиши банкларда йўқотишларга олиб келади.

Йўқотишлар банк фойдасини камайтирувчи омил ҳисобланиб у банк фаолиятининг рисклилик даражасига боғлиқ бўлади. Банк маъмурияти ва банк омонатчилари мақсади қарама-қарши бўлганлиги учун бу ҳолат риск даражаси ва миқдорига таъсир этади. Мақсадлар қарама-қаршилигини қуидагича изоҳлаймиз. Банк маъмурияти

фойдали кўпайтиришга интилади ва қўшимча фойда олиш учун риск келишга тайёр туради. Омонатчи учун эса маблағларнинг сақланиши ва банкка ишонч масаласи муҳимроқдир. Даромадлилик ва риск ўртасидаги мақбул нисбатни сақлаб туриш банкни бошқаришнинг энг асосий ва мураккаб муаммоларидан бири. Банкларни баъзан «риск сотиб оловчи ва риск сотувчилар» деб аташлари бежиз эмас. Зиммага олинадиган риск ва банк фаолиятидан қўзланган даромад ўртасида тўғридан-тўғри боғланиш мавжуд.

### **Назорат учун саволлар**

1. Қайси омиллар риск даражасига таъсир этади?
2. Рискларни таснифлашда қўлланиладиган асосий усуслар қайсилар?
3. Рисклар таснифи қай тарзда олиб борилади?
4. Ташқи рисклар тушунчаси ва уларнинг таснифи.
5. Мамлакат риски тушунчаси ва унинг аҳамияти қандай?
6. Бозор риски тушунчаси ва унинг аҳамияти.
7. Мулкий риск тушунчаси ва уларнинг таснифи.
8. Форс-мажор шароитдаги рисклар ва уларнинг аҳамияти қандай?
9. Ички риск тушунчаси ва таснифи.
10. Банк сиёсати турлари ва уларни қўллаш шароитлари.

## **2- боб. БАНКЛАРДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАРИ**

### **2.1. Тижорат банкларида риск-менежментни ташкил этиш ва унинг иқтисодий-хуқуқиий асослари**

**Таянч иборалар.** Бир қарз оловчи, бир-бирига дахлдор қарз оловчилар, захира, очиқ валюта позицияси, ётиқ валюта позицияси, капитал етарлилиги, қарорлар қабул қилиши, Базель 1, Базель 2, Базель 3.

Маълумки, тижорат банкларида риск-менежментни ташкил этиш Марказий банк томонидан қўйилган талаблар, шунингдек, ҳар бир тижорат банкининг Кенгаши томонидан белгиланган риск сиёсати асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг (1995 йил 21 декабрь) 52-моддасига мувофик, Марказий банк томонидан турли рискларни чегаралаш мақсадида банклар учун мажбурий бўлган нормативлар белгиланади<sup>7</sup>. Хусусан, Марказий банк:

- бир қарз оловчи ёки бир-бирига дахлдор қарз оловчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;
- йирик кредит таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини;
- активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни,

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи қонунлар тўплами.– Т.: Ўзбекистон, 2011. –25 6.

шунингдек бундай таснифлар асосида банкнинг операцион харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз қарзларга қарши ташкил этиладиган заҳираларни шакллантириши;

– қарзларга доир фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва уларни банк даромадлари ҳисобварағига киритишга доир талабларни белгилайди.

Бундан ташқари, республикамизда тижорат банклари фаолиятидаги рискларни бошқаришга нисбатан минимал талаблар Марказий банк Башқаруви томонидан 2011 йил 7 майда 14/2 – сонли қарор билан тасдиқланган –Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомда ифодаланган.

Ушбу низомга мувофиқ, банк рискларини бошқариш банк ўз фаолиятини юритиши ва банк операцияларини ўтказишида пайдо бўлиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш, камайтириш ва кўрилиши мумкин бўлган заарларни бошқа молиявий воситалар орқали қоплаш бўйича банк томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуйи сифатида эътироф этилган.

Банк фаолиятидаги рискларни бошқариш қўйидаги асосий мақсадларни кўзда тутиши зарур:

–банк омонатчилари ва кредиторлари, акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилиш;

– банк рискларини камайтириш, бартараф этиш ва олдини олиш;

–банк фаолиятининг етарли даражадаги барқарорлигини таъминлаш.

Айни пайтда, банк рискларини бошқаришда тижорат банкларидан қуидагилар талаб этилади:

- банк фаолияти ва унинг атрофидаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, аниқ ифодаланган ва ҳужжатлаштирилган рискларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш;
- банк рискларини бошқариш вазифалари юкланган таркибий бўлинмани ташкил этиш;
- банк рискларини бошқариш бўлинмасини тажрибали ва малакали мутахассислар билан таъминлаш;
- банк янги хизматларни жорий қилишда, йирик битимларни тузишда, хорижий молия институтлари билан алоқалар ўрнатишда, инвестициялар киритишда, хорижий валютадаги маблағларни активларга жойлаштиришда, янги ходимларни ишга қабул қилишда банк рискларини бошқариш бўлинмаси билан келишувни амалга ошириш.

Бундан ташқари, банк рискларини бошқариш бўлинма қуидаги вазифаларни бажариши зарур:

- банк фаолиятида учраши мумкин бўлган барча рисклар рўйхатини юритиши, уларнинг юзага келиш омилларини ўрганиш ва мониторинг қилиш ҳамда рискларни бошқариш бўйича барча чораларни кўриш;
- банк рискларини баҳолаш;
- банк фаолиятида банк рискларини бошқариш борасида қабул қилиниши лозим бўлган чоралар, талаблар ва меъёрларни банк Бошқаруви органи мухокамасига киритиши;
- норматив-ҳукукий ҳужжатлар талабларига асосан банк

рискларини қоплаш учун захираларни шакллантириш юзасидан чоралар кўриш;

- банк хизматлари ва операцияларини амалга ошириш бўйича банкнинг ички хужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишида ва банк ходимларининг лавозим мажбуриятларини белгилашда қатнашиш;
- жорий қилинаётган янги банк хизматлари ва операциялари, битимлар юзасидан таклифлар тайёрлаш;
- банк хизматларини кўрсатиш ва операцияларини амалга ошириш тартибларини такомиллаштириш;
- банк кредит (инвестиция) портфелини кредит (инвестиция) тури, қарздор (эмитент)нинг иқтисодиёт тармоғи, худуди, кредит таъминоти, мақсади, фоизи ва ундириш муддатлари бўйича алоҳида алоҳида мониторинг ўрнатиш ва уларни таҳлил қилиш;
- муаммоли кредитларни, уларнинг иқтисодиётнинг қайси соҳасига тегишлилигини, муаммога айланганлик сабабини, ушбу кредитларни ажратиш ва мониторинг қилиш жараёнларини ўрганиш натижасида тегишли хуносалар қилиш ва таклифлар тайёрлаш;
- кредит рискини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида кредит олган шахслар бўйича маълумотларни умумлаштириш ва тегишли хуносалар қилиш;
- банк ахборотлари базасига рухсатсиз киришдан ишончли ҳимоялашни таъминловчи дастурларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иштирок этиш;
- банк ходимлари томонидан банк хизматларини кўрсатишда ва банк операцияларини амалга оширишда ўз лавозим мажбуриятлари ва вазифаларига ҳамда норматив-хукукий ҳужжатларга қатъий амал

қилинишини таъминлаш юзасидан чоралар кўриш;

– банкнинг молиявий ҳолатини, ликвидлилигини стресс-тестдан ўтказиш ва мижозларни скоринг таҳлил қилиш услубларини ишлаб чиқиш ва уларнинг қўлланилишини таъминлаш;

– банкда амалга оширилиши мумкин бўлган барча хизмат (омонат ва кредит) турлари ва операциялар рўйхатини юритиш;

– жаҳондаги молия ва иқтисодий соҳаларда, шу жумладан миллий иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларни ўрганиш, кузатиш ва лозим бўлса таклифлар тайёrlаш;

– банк менежменти ва технологиялари, шу жумладан банк рискларини бошқариш бўйича халқаро ва хорижий банклар тажрибаларини ва бу борада янгиликларни ўрганиш ва таклифлар тайёrlаш;

– ҳар ярим йилда, банк Бошқаруви ва банк Кенгашининг рискларни назорат қилиш Қўмитаси йигилишларида муҳокама қилиш учун банк рискларини бошқариш борасида олиб борилаётган ишлар натижалари бўйича ҳисоботлар бериш.

Бундан кўриш мумкинки, юқоридаги Низомда банкларда риск-менежментни ташкил қилиш бўйича умумий талаб ва вазифалар келтирилган.

Энди тижорат банклари фаолиятидаги алоҳида риск турлари бўйича норматив талабларни кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 2 ноябрда тасдиқланган 421-сонли „Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришга

нисбатан минимал талаблар белгиланган. Таъкидлаш жоизки, банкларда етарли ликвидлиликни таъминлаш зарурати фойда олишга бўлган интилишни мувозанатда сақлаб туриши ва тижорат банки ҳеч қачон даромадлилик ҳисобига ликвидлиликни суиистеъмол қилмаслиги зарур.

Мазкур Низомга биноан, тижорат банклари жорий ликвидлик коэффициентининг талаб қилинган даражасини таъминлаши зарур. Бунда жорий ликвидлик коэффициенти ликвидли активлар ва сўндириш муддати 30 кунгacha бўлган бошқа активларнинг талаб қилиб олингунча ва сўндириш муддати 30 кунгacha бўлган мажбуриятларга нисбати кўринишида аниқланади. Ушбу коэффициентнинг минимал даражаси 30 фоизни ташкил этади.

Айни пайтда, тижорат банклари юқоридаги низом асосида ликвидлиликни самарали бошқариш сиёсатини ишлаб чиқади ва бунда белгиланган меъёрларга риоя қиласи.

Тижорат банклари ликвидлиликни бошқариш бўйича қарорларни қабул қилишда жорий ликвидлилик ҳолати, ресурсларга бўлган талаб ўзгариб туришидаги мавсумий хусусиятлар, ресурсларга бўлган талабнинг кутилаётган ўзгаришлари, ресурс манбалари ва уларнинг қиймати, активлар сифати, банкнинг умумий молиявий ҳолати, балансдан ташқари мажбуриятлар ва шартномалар, жумладан, ишлатилмаётган кредит линиялари, аккредитивлар, қимматли қофзлар ва валютани сотиб олиш бўйича тузилган шартномалар каби омиллар чуқур таҳлил қилиниши зарур.

Ўзбекистонда ваколатли банклар очиқ валюта позицияси лимити доирасида бир-бири билан ўзаро, мижозлари билан, шунингдек,

халқаро бозорларда хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш, шунингдек, ҳосилавий молия воситалари бўйича операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Тижорат банкларида валюта рискини бошқаришга нисбатан талаблар Марказий банкнинг –Очиқ валюта позициясини юритиш қоидалари”да белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг очик валюта позицияларига нисбатан 2005 йилнинг 31 августидан бошлаб қуидаги чекловлар ўрнатилди:

- тижорат банкининг битта валютадаги очик валюта позициясининг миқдори унинг регулятив капиталининг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим;
- тижорат банкининг барча валюталардаги очик валюта позициясининг миқдори унинг регулятив капиталининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Тижорат банкларининг очик валюта позициялари лимитдан ошган ҳолларда зарурй мувозанатлаштирувчи битимлар ёрдамида ўрнатилган лимит таъминланиши зарур. Айни пайтда, тижорат банклари ўз филиаллари учун мустақил равища очик валюта позицияси лимитларини ўрнатишлари мумкин.

Тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискларини бошқаришни самарали ташкил қилишда Марказий банк Бошқарувининг 2000 йил 22 февралдаги 429-сон қарори билан тасдиқланган –Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом алоҳида аҳамиятга эга. Унга кўра, банкнинг кредит сиёсати кредитлаш жараённида юзага келувчи

рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи хужжат ҳисобланади. Бундан ташқари, кредит сиёсати тижорат банкининг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши зарур. Ушбу хужжатнинг нақадар муҳимлигини унинг алоҳида хужжат сифатида ишлаб чиқилиши ва банк Кенгаши томонидан тасдиқланиши билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги 557-сонли «Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида”ги Низомида тижорат банкларининг қарз олувчилар билан боғлиқ операциялардаги риск даражаси бўйича чекловлар ифодаланганди. Унга мувофиқ, бир қарздорга ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига берилган кредит миқдорига қуйидаги суммалар киритилиши лозим: а) кредитнинг асосий суммаси ҳамда «кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобваракларида акс эттирилган мажбуриятлар ва ҳисобланган фоизлар; б) молиялаштиришга доир барча юридик жиҳатдан боғлиқ мажбуриятлар; в) овердрафтлар; г) балансдан чиқариб ташланган барча суммалар (қарздорнинг тўлаш мажбурияти у банкрот деб эълон қилинганлиги натижасида юридик жиҳатдан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно).

Ушбу низомга мувофиқ, I даражали банк регулятив капиталининг 10 фоиздан ошган кредит йирик кредит сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, тижорат банклари ҳар ойда бир

маротаба кредитларга доир юзага келиши мумкин бўлган барча йирик зарарлар тўғрисидаги маълумотни Марказий банкка тақдим этиши зарур.

Марказий банкнинг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сон –Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Низоми тижорат банкларининг кредит қўйилмалари таснифлаш ва улар бўйича кредит рискининг амалга ошишидан юзага келадиган зарарларни қоплаш бўйича маҳсус захираларни шакллантириш талабларини белгилаб беради.

Шунингдек, тартибга кўра тижорат банклари кредитлари стандарт, субстандарт, қониқарсиз, шубҳали ва умидсиз кредитларга ажратилади. Шунга мос равишда мазкур кредитлар бўйича захиралар кредит миқдорининг 1, 10, 25, 50 ва 100 фоизи миқдорида шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сонли –Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Низоми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган ва шундан бошлаб кучга кирди.

Ушбу Низомга кўра сифати «стандарт» деб таснифланган активлар қайтарилишида муаммолар кузатилмайди. Бунда асосий

қарз суммасининг ва фоизларининг ҳеч қандай қисми муддати ўтган ёки шартлари қайта кўриб чиқилмаган бўлиши лозим. Асосий қарз суммаси ёки фоизлардан муддати ўтган ва шартлари қайта кўрилган активлар сифати «стандарт» деб таснифланиши мумкин эмас.

Тижорат банки захира капитали таркибида сифати «стандарт» деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилимаган асосий қарз (қолдиқ) суммасининг **бир** фоизи миқдорида стандарт активларга яратиладиган захира шакллантириши лозим.

Стандарт активларга яратиладиган захиралар тижорат банклари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг қолган соғ фойда ҳисобидан мазкур Низом кучга кирган қундан кейин ажратилиб, ҳисбот санасига сифати «стандарт» деб таснифланган активлар қолдиғидан келиб чиқсан ҳолда ташкил қилинади.

Қарздорнинг молиявий ҳолати барқарор ҳисобланган, лекин айрим салбий ҳолатлар ёки тенденциялар мавжуд бўлиб, агар улар бартараф этилмаса, молиялаштирилган лойиханинг амалга ошишига ёки қарздорнинг активни ўз вақтида тўлаш қобилиятига нисбатан шубҳа пайдо бўлиши мумкин бўлган активлар сифати «субстандарт» деб таснифланади. Бунда молиявий ҳолати ёки таъминотни назорат қилиш борасида бир мунча шубҳалар бўлган, кредит хужжатлари етарлича ахборот бўлмаган ёки таъминот бўйича ҳужжатлари бўлмаган «стандарт» деб таснифланган активларнинг сифати ҳам «субстандарт» деб таснифланиши лозим.

Тижорат банки сифати «субстандарт» деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилимаган асосий қарз (қолдиқ)

суммасининг ўн фоизи миқдорида маҳсус захира шакллантириши лозим.

Куйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлса, активларнинг сифати «қониқарсиз» деб таснифланади:

асосий тўлов манбалари қарз тўлаш учун етарли бўлмаса, таъминотга қўйилган мулкни ва қарз олувчининг бошқа асосий воситаларини сотиш, тўланиши лозим бўлган қарзларни узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча тўлов манбаларини топиш талаб этиладиган бўлса;

қарз олувчининг жорий молиявий ҳолати ёки унинг пул маблағларининг мўлжалланаётган оқими мажбуриятларни қоплаш учун етарли бўлмаса;

қарз олувчининг капитали етарли даражада бўлмаса;

ушбу соҳага нисбатан тенденция ва истиқболлар барқарор бўлмаса;

таъминот қиймати асосий қарз суммасидан ошмаган, ҳеч бўлмаганда асосий қарзниң тўланмаган суммасига teng бўлса;

асосий қарз ва фоизлар бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлиб, унинг муддати 90 кундан ошмаган бўлса.

Тижорат банки сифати «қониқарсиз» деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилимаган асосий қарз (қолдик) суммасининг **йигирма беш** фоизи миқдорида маҳсус захира шакллантириши лозим.

Сифати «қониқарсиз» деб таснифланган активларга хос барча хусусиятларга эга бўлиб, мавжуд шароитда активларнинг тўлиқ қайтарилишини шубҳа остига ва кам ишончли қилиб қўядиган

активлар сифати «шубҳали» деб таснифланади. Бунда йўқотишлар кўриш эҳтимоли юқори бўлган, лекин айрим ижобий омиллари мавжуд бўлган активлар сифати шароит ойдинлашгунча «умидсиз» деб таснифланмайди.

Куйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлса, активларнинг сифати «шубҳали» деб таснифланади:

«қониқарсиз» активларнинг ҳеч бўлмаганда бирорта кўрсаткичи, шунингдек айрим бошқа салбий тавсифлари мавжуд бўлса (бозорда осон сотиладиган таъминотнинг мавжуд эмаслиги ёки таъминланмаган активларнинг мавжудлиги ёхуд қарз олувчининг банкрот деб эълон қилиниши);

яқин келажакда активнинг қисман тўланиш эҳтимоли мавжуд бўлса;

асосий қарз ва фоизлар бўйича 90 кундан ортиқ лекин, 180 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.

Тижорат банки сифати «шубҳали» деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилимаган асосий қарз (қолдик) суммасининг **эллик** фоизи миқдорида маҳсус захира шакллантириши лозим.

Шартномада белгиланган муддатда қайтарилимаган ёки қайтмаслигидан далолат берувчи омиллар ёки аломатлар мавжуд бўлган ҳамда қайтмайдиган ёки қиймати жуда пастлиги туфайли ҳисобини балансда актив сифатида юритилиши мақсадга мувофиқ эмас деб баҳоланадиган активлар сифати «умидсиз» деб таснифланади. Бундай таснифлаш активларда умуман ҳеч қандай тутатиладиган қиймат мавжуд эмаслигини билдирамайди. Бироқ, тижорат банклари ўз балансларида бундай активларнинг ҳисобини юритишни давом эттиришлари мақсадга мувофиқ эмас. Тижорат

банки томонидан таъминотга олинган мулкни сотиш орқали бундай қарздорликни бартараф этиш ёки уни қайтариш чоралари қўллаши лозим.

Куйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмагандан биттаси мавжуд бўлса, активларнинг сифати «умидсиз» деб таснифланади:

активларни ундирилиши суд жараёнида бўлса;

қарздор ва лизинг олувчидан ундирилган, гаровга қўйилган молмulkка бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш йўли билан тижорат банки томонидан балансга қабул қилинган кундан бошлаб уч ой муддатда сотилмаган ва банк фаолиятини кенгайтириш учун сотиб олинган бинодан икки йил мобайнида фойдаланилмаган ҳамда банк фаолияти учун ортиқ фойдаланилмай қўйилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида сотилмаган бўлса;

активларнинг тўлаш муддати узайтирилган бўлса;

асосий қарз ва фоизлар бўйича 180 кундан ортиқ кунга муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.

Тижорат банки сифати «умидсиз» деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдик) суммасининг **юз** фоизи миқдорида маҳсус захира шакллантириши лозим.

Агар тижорат банклари юқорида келтирилган талабларига амал қилмаган тақдирда, Марказий банк мажбурий захира депозитига ўтказилиши лозим бўлган маблағларни банкнинг Марказий банқдаги вакиллик ҳисобварағидан ундириб олади ва банкка нисбатан Ўзбекистон Республикасининг –Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунининг 53-моддасига мувофиқ тегишли чора ва санкцияларни қўллайди.

Умуман олганда, Марказий банкнинг тижорат банкларида рискларни тартибга солиш ва бошқаришга нисбатан талаблари ва

меъёларини 2.1.-жадвал орқали ифодалаш мумкин.

## 2.1.-жадвал


### **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг иқтисодий меъёллари<sup>8</sup>**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткич</b>	<b>Меъёрий даражаси</b>
1.	Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гурухига берилган кредит (таъминланган)	Кредит суммаси / I даражали капитал < 25 %
2.	Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гурухига берилган кредит (таъминланмаган)	Кредит суммаси / I даражали капитал < 5 %
3.	Жами йирик кредитлар	Барча йирик кредитларининг умумий ҳажми/ I даражали капитал < 800 %
4.	Жами лизинг операциялари	Жами лизинг суммаси / I даражали капитал < 25 %
5.	Жами дахлдор шахсларга берилган кредитлар	Жами кредитлар суммаси / I даражали капитал < 100 %
6.	Битта эмитентнинг қимматли қоғозларига инвестицияларнинг максимал миқдори	Битта эмитентнинг қимматли қоғозларига инвестициялар / I даражали капитал < 15 %
7.	Олди-сотди мақсадларида қимматли қоғозларга инвестиция-ларнинг умумий миқдори	Олди-сотди мақсадларида қимматли қоғозларга инвестициялар / I даражали капитал < 25 %
8.	Банк томонидан муомалага чиқариладиган облигациялар	Банк томонидан муомалага чиқариладиган облигацияларнинг умумий миқдори $\leq$ банк устав капитали
9.	Жорий ликвидлилик коэффициенти	мин. 0,30
10.	Очиқ валюта позициясига лимитлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>– битта хорижий валютадаги очиқ позиция миқдори / регулятив капитал &lt; 10%;</li> <li>– жами хорижий валютадаги очиқ позиция миқдори / регулятив капитал &lt; 20%</li> </ul>
11.	Капитал етарлилигига талаблар	<ul style="list-style-type: none"> <li>– Регулятив капитал / Рискка тортилган активлар <math>\geq</math> 10%</li> <li>– I даражали капитал / Регулятив капитал <math>\geq</math> 50%</li> <li>– I даражали капитал / (умумий активларномоддий активлар) <math>\geq</math> 6%</li> </ul>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелда қабул қилинган –Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 сонли Фармони республикамиз тижорат банклари корпоратив бошқарувига нисбатан талабларни белгилаб берувчи

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий хужжатлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда тижорат банклари бошқарувида акциядорлар ва банк бошқарувининг роли, банк кенгашининг умумий мажбуриятлари белгиланган.



## 2.1-расм. Тижорат банкларининг корпоратив тузилмаси<sup>9</sup>

Айни пайтда, банк фаолиятини назорат қилиш вазифаларини

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси конунчиллик ҳужжатлари ва Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

бажариш учун банк Кенгаши қуйидаги қўмиталарни ташкил этади (2.1-расмга қаранг).

Ушбу Фармонга кўра, корпоратив бошқарув тижорат банки фаолиятини бошқаришда Кенгаш аъзолари ва бошқа раҳбар ходимлар томонидан амалга ошириладиган асосий фаолият ҳамда қоидалар мажмуасини ифодалайди. Шу билан бирга, корпоратив бошқарув концепциясида бизнес юритиш этикасининг андозалари ва акциядорларга бўлган муносабатларда масъулият ҳисси ҳамда банк фаолият кўрсатаётган жамият талабларини эътиборга олиниши кўрсатилган.

Банк Бошқаруви банкнинг жорий фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширади. Банк Кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини бажариш Бошқарув раиси вазифасига киради. Банк Кенгаши камида уч аъзодан иборат бўлган Бошқарув аъзолари таркибини белгилайди. Бошқарув аъзолари таркибига Раис ва унинг ўринbosарлари ҳамда банк бош бухгалтери киради.

Банк Бошқаруви раиси ўз лавозимига Марказий банк билан келишилган ҳолда банк Кенгаши қарори ва акциядорлар умумий йиғилишининг тасдиги билан тайинланади. Бошқарув аъзолари банк Кенгаши томонидан тайинланади.

Банк Кенгаши раиси унинг аъзолари сафидан кўпчилик овоз билан сайланади. Акциядорлар умумий йиғилишининг навбатдаги мажлисида Кенгаш аъзолари томонидан сайланган Кенгаш раиси номзодини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилади. Банк Кенгаши раиси Кенгаш фаолиятини ташкил қиласи, Кенгаш йиғилишини чақиради, унда раислик қиласи, йиғилиш баённомасининг юритилишини

таъминлайди ҳамда акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

Банк Кенгashi раиси банк фаолиятини юритишда ишончли шахслар олдида биринчи даражали масъулиятни ўз зиммасига олади. Банк Кенгashi ўз мажбуриятлари доираси қуйидагиларни бажариши шарт: малакали банк бошқаруви аъзоларини ишга ёллаш ва уларни тасдиқлаш; бошқарув билан маслаҳатлашган ҳолда банкнинг узоқ ва қисқа муддатли бизнес-режасини ишлаб чиқиш; банк мақсадларига эришиш ҳамда қонуний, хавфсиз ва самарали банк фаолиятини юритиш учун етарли сиёсатларни белгилаш; Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва банк сиёсатларига мувофиқ юритиладиган операциялар устидан етарли назоратни амалга ошириш; банкнинг жорий фаолиятини кузатиш.

1. Аудит қўмитаси. Аудит қўмитасининг функциялари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: мустақил аудиторлар номзодини Кенгаш муҳокамасига тақдим этиш; мустақил аудиторлар билан боғланиш учун масъул тузилма бўлиб хизмат қилиш; аудиторлик текшируви ҳисботларини қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш; аудиторлардан олинган маълумотлар бўйича Кенгашга ҳисбот бериш. Аудит қўмитаси ташкил этилган банкларда банкнинг ички аудит бошқармаси тўғридан-тўғри Аудит қўмитасига бўйсунади.

2. Кредит қўмитаси. Кредит қўмитасининг функциялари бўлиб янги ссудаларни тақдим этиш ёки мавжуд ссудалар шартларини ўзгартириш жараёнини қўриб чиқиш ва тасдиқлаш ҳисобланади. Қўмита лозим бўлса мажлис ўтказиши керак.

3. Инвестиция қўмитаси. Инвестиция қўмитасининг функциялари

бўлиб банкни инвестиция сиёсатига риоя қилишини таъминлаш ҳисобланади. Инвестициялар кутилаётган даромадни келтириши лозим.

4. Актив ва пассивларни бошқариш қўмитаси. Актив ва пассивларни бошқариш қўмитасининг функциялари бўлиб банк ликвидлилигининг мақбул даражасини сақлаб туриш мақсадида баланс, фойда ва зарар ҳисботларини синчиклаб кузатиш ҳисобланади.

5. Банк рискларини назорат қилиш қўмитаси. Қўмитанинг функциялари бўлиб банкнинг молиявий ҳолатига рискларнинг, шу жумладан, банк фаолиятида юзага келадиган кредит, валюта, фоиз, бозор, операцион ва бошқа рискларнинг таъсир этиш даражасини кузатиш, ушбу рискларни бартараф этиш, ҳисобга олиш ва чоралар қўллаш ҳисобланади.

Ҳар бир қўмита мустақил равишда мажлислар ўтказиши, лекин Кенгаш йиғилишида банк Кенгашига ўзининг фаолияти тўғрисида ҳисбот бериши лозим. Агар қўмита банкнинг молиявий позициясига салбий таъсир кўрсатадиган вазиятни аниқласа, Кенгашга тўлиқ таркибда Кенгаш йиғилишини чақириш бўйича мурожаат қилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли –2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш,

хусусан, рискларни баҳолаш ва бошқариши таомиллаштириш бўйича қатор устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Жумладан:

- тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари иштирокини янада кенгайтириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш ва хатарни баҳолаш тизимини таомиллаштириш, кредитлар бўйича муаммоли қарзларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик борасида олдини олиш чораларини кўриш йўли билан тижорат банкларининг кредит портфели муттасил ўсиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлаш;
- тижорат банклари капитали таркибида уларнинг инқироз ҳолатлари таъсирига барқарорлигини таъминлайдиган барқарорлаштириш захираларини яратиш;
- капитал етарлилигига қўйилган талабларни таомиллаштириш, эҳтимолий заарларни қоплашга захираларни шакллантиришни кўзда тутган Базель қўмитасининг янги таклифларини банк назорати тизимиға жорий қилиш;
- банкларда йирик битимларни (умумий капиталнинг 15 фоизи ва ундан юқори микдордаги) тузиш ва уларнинг муддатини узайтириш бўйича белгиланган меъёrlарни мажбурий тартибда банк Кенгаши томонидан маъқулланишини жорий этиш;
- тижорат банкларининг корпоратив бошқаруви таркибида банк Кенгашига бевосита бўйсунувчи “Рискларни назорат қилиш” қўмитасини мажбурий тарзда жорий қилиш;
- банк Кенгашининг чораклик йиғилишларида бошқарув раиси ва

унинг аъзолари, ички аудит бошқармаси бошлигининг активлар ҳолати, кредит ва инвестицион портфель тўғрисидаги, банк капиталининг ўсишини таъминланиши, фойдалилик ва ликвидлилик кўрсаткичлари, шунингдек банк тизимида белгиланган бошқа устувор вазифаларни бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларини қўриб чиқиш;

– банк рискларини бошқаришнинг чукур омилли таҳлилини амалга оширишнинг аниқ механизмини, захираларни шакллантиришни, кредит портфелини диверсификация қилишни шунингдек муаммоли қарздорликнинг юзага келмаслиги бўйича чора-тадбирларни қабул қилишни ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларининг активлар сифатини мониторингини такомиллаштириш;

– банк операцияларини амалга оширишда операцион ва бозор рискларини аниқлаш бўйича меъёрий ва услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– жаҳоннинг барқарор банклари тажрибасини ўрганган ҳолда тижорат банклари мижозларини кредитга лаёқатлилигининг скоринг-таҳлилини замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

– тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотлари ва уларнинг филиалларида ички назорат тизимини ташкил этиш, унга амал қилиниши бўйича тартиб-қоидаларни такомиллаштириш;

– тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотларининг ички назорат тизимидаи шубҳали операцияларни аниқлаш тартибида, банк мижозлари ҳақидаги ахборотларнинг хавфсизлиги ва маҳфийлигини таъминлашда янги технологиялар, дастурий таъминотлардан фойдаланишни амалиётга жорий этиш ва уларни

замон талабларига мос равища доимий такомиллаштириш;

- маҳфий ахборотлар ҳимоясини таъминловчи ва маълумотлар базасига кириш имкониятига эга бўлган шахсларнинг фирибгарлик ҳаракатларидан ҳимояловчи янги дастурларни ишлаб чиқиш;
- видео назорат воситаларини ўрнатиш ва орган ходимлари билан боғланган огоҳлантирувчи тизимни кучайтириш йўли билан тижорат банкларининг барча бўлинмалари (филиал, мини-банк, жамғарма ва маҳсус кассалари) ва банкдан ташқаридағи ускуналарнинг (банкомат, терминаллар ва б.) хавфсизлик тизимини такомиллаштириш.

Таъкидлаш лозимки, мазкур қарор асосида тасдиқланган чоратадбирлар дастурлари республикамиз банк тизимининг 2011-2015 йиллардаги ривожланиш стратегиясини ўзида ифода этади. Ўз навбатида, ушбу ҳужжатда банкларнинг риск-менежмент тизимини такомиллаштириш йўналишлари ҳам аниқ белгилаб берилган.

Республикамиз банк тизимида рискларни бошқаришга қўйилган талаблар, меъёrlар ва уларнинг муттасил такомиллаштирилиши мамлакатимизда банк тизимини барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.

## **2.2. Банк фаолиятида рискларни баҳолаш ва бошқариш бўйича халқаро талаблар ва уларни Ўзбекистонда қўллаш шартшароитлари**

Маълумки, банк фаолиятидаги рискларни баҳолаш ва бошқариш бўйича халқаро талаблар –Базель-II” ҳужжатида белгиланган. Унга мувофиқ, банк капитали етарлилигининг белгиланган меъёрини бажаришга бўлган қўшимча талабларнинг зарурлиги, кредит

ташкилотлари томонидан рисклар назорати ва ички назорат тизимларини такомиллаштириш ва маълумотларни очиш соҳасида тавсияномалар қўлланилиши билан юзага келган.

Иккала масала ҳам банк ҳамжамияти учун янги эмас, лекин –Базель-II” да биринчи марта банклар назорат жараёни ва ҳисобдорлигини ташкил қилиш ва тўлдиришга бўлган асосий тамойиллар ва ёндашувлар қўллаш учун бир бутун қилиб тўпланган, умумлаштирилган ва тақдим қилинган.

Базель-II нинг иккинчи компонентини умумий қилиб тавсифлаганда, биринчи навбатда, ҳужжатни ишлаб чиқувчилар томонидан қўйилган асосий муаммоларда тўхталиб ўтишни истар эдик. Шартли равища ушбу бўлимни иккита ўзаро боғланган қисмларга бўлиш мумкин: биринчиси – назорат идоралари томонидан кредит ташкилотлари устидан назорат функцияларини амалга ошириш, иккинчиси – рискларни бошқариш (шу жумладан, ҳисобдорликнинг ойдинлик масалалари), ҳамда банк (носавдо) портфели, стресс-тестлаш қисмидаги кредит риски, қарздор дефолтини, операцион рискни, секьюритизациялашни аниқлашнинг молиявий воситаларига нисбатан фоизли рискни изоҳлашга тааллуқли бўлган тавсиялар. Бошқа сўз билан айтганда, кредит ташкилоти томонидан рискларни бошқариш қисмида иккинчи компонент (таркибий қисм) –Базель-II” нинг биринчи компонентида тўхталиб ўтмаган масалаларни ўз ичига олади.<sup>10</sup>

Иккинчи компонентда баён этилмаган муаммолар рўйхатининг ўзи, назорат жараёнининг фақат банкларда рискларни қоплаш учун ўз

---

<sup>10</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

маблағлари (капитали) етарлигининг мавжудлигини кафолатлаш учун эмас, балки кредит ташкилотларини рисклар мониторинги ва бошқаришнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқишига ва қўллашга рағбатлантириш учун муҳимлигидан далолат беради. Унинг устига, назорат кредит ташкилотлари раҳбариятининг, ўз маблағлари (капитали) ни баҳолашнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиши ва жорий қилиш, ҳамда унинг рискининг у ёки бу турини ўзида сақлайдиган банк операциялари хусусияти ва ҳажми билан умумий ўлчовли даражасини аниқлаш учун жавобгарлигини киритишни назарда тутади.

Назорат идорасининг бевосита функцияси – банкларнинг рискларини қоплаш учун ўз маблағлари (капитали)га бўлган талабларни мувофиқ равишда аниқлаш, ва зарур бўлганда мазкур жараёнга араласиши қобилиятини баҳолашдир. «Базель-II» нинг усулларига мувофиқ, бенуқсон модель бўлиб, назорат идораларининг кредит ташкилотлари билан мазкур соҳада фаол музокараларини қўллаб-қувватлаш мақсадидаги мустаҳкам алоқалари ҳисобланади. Бундай иш, камчиликлар аниқланганда тезкор ҳаракат қилиш ва рискларни камайтириш ёки ўз маблағлари (капитали) ни кўпайтириш зарур бўлган ҳолда фаол чоралар қабул қилишига имконият беради.

Банклар, ўз фаолиятининг у ёки бу турларига хос бўлган рисклар хусусиятини ҳисобга олиб, ўз маблағлари (капитали) етарлигини баҳолаш тадбирларини, ҳамда рискларни қоплаш учун зарур бўлган даражада қўллаб-қувватлаш стратегиясини ишлаб чиқишилари лозим.

«Базель-II» га мувофиқ, қуйидаги ташкил этувчи ҳолатларга таяниб, рискларни бошқариш жараёнини барпо этишни бажариш

тавсия этилади:

- директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) томонидан назорат;
- ўз маблағлари (капитали) зарур қийматининг баҳоланишини асослаш;
- рискларнинг ҳар томонлама баҳоси;
- мониторинг ва ҳисобдорлик;
- ички назорат тизимини барпо этиш ва такомиллаштириш.

Кредит ташкилотида рискларни бошқаришнинг самарали тизимини ташкил қилиш, маъқул бўлган даражада, яъни кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигига ҳамда унинг кредиторлари ва омонатчиларига хавф солмайдиган рискларни чеклашга имкон беради, ва бу билан, кредит ташкилотининг барқарорлиги ва ишончлилигига кўмаклашади.

Одатда, кредит ташкилоти директорлар кенгаши (кузатув кенгаши)нинг ваколатларига қўйидаги масалалар киради:

- ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилигини баҳолаш соҳасида стратегия ва сиёсатни тасдиқлаш;
- у ёки бу турдаги рискни бошқариш стратегияси ва сиёсатини тасдиқлаш, шу жумладан (одатда, бир йилда камида бир марта) тасдиқланган стратегия ва сиёсатни тафтиш қилиш. Стратегияни қайта қўриб чиқиш суръати, бозор, молиявий ва(ёки) бошқа омиллари сезиларли ўзгаришларининг вужудга келиш суръатига ва кредит ташкилоти фаолиятининг шартларига боғлиқ;

- кредит ташкилотида рисклар самарали бошқарилишини таъминлайдиган бўлинмани ташкил қилиш, шунингдек, рисклар

бошқарилишини амалга оширувчи тузилмали бўлинмалар ва масъул шахсларнинг ваколатлари ва жавобгарлигини белгилаш, ҳамда хисоботларни тузиш ва уларни директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) га тақдим қилиш тизимини тасдиқлаш;

- бутун кредит ташкилоти учун рисклари бўлган молиявий воситалар билан ўтказиладиган барча операциялар бўйича аниқланадиган рискларнинг умумий чегаравий рухсат этилган миқдори (лимити) ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Назорат идораси кредит ташкилотлари томонидан ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилигини аниқлашнинг мувофиқлигини, мазкур соҳадаги стратегияни текшириш ва баҳолаш, ҳамда кредит ташкилотининг ўз маблағлари (капитали)нинг белгиланган меъёрига риоя қилинишини таъминлаш ва мониторингини амалга ошириш қобилиятини баҳолашни ўтказишга мажбур. Банк назоратининг идоралари кредит ташкилотининг мазкур фаолият соҳасини текширишнинг қониқарсиз натижалари олинганда, зарур бўлган чораларни кўришлари шарт.<sup>11</sup>

«Базель-II» нинг иккинчи тамойилига катта эътибор берилади, текширишларни (дистанцион ёки жойларда) назорат жараёнининг асоси сифатида, банк билан музокарани кўриб чиқиш шартларида.

«Базель-II»га мувофиқ, назорат идораларига мунтазам асосда текширишларни ўтказиш тавсия қилинади, банкнинг ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилиги даражаси, унинг «еифати», унинг етарлилик даражасига таъсир қилувчи рискларни ўзига олган операциялар ҳажми, ушбу рискларнинг бутун диапазонини қамраб

<sup>11</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

олиб, баҳолаган ҳолда.

Тахмин бўйича, назорат идоралари банк томонидан ўтказиладиган таъсирчанлик ва стресс-тестлар натижаларини кўриб чиқадилар ва уларнинг, банк учун зарур бўлган ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилиги даражасини сақлаб туришга таъсирини аникладилар.

Бу ҳолда текширувлар қўйида санаб ўтилган ҳаракатларнинг ҳар қайсисини қўшиб ишлатишлари мумкин:

- жойлардаги текширув;
- дистанцион (масофадаги) текширув;
- кундалик муаммоларни банк раҳбарияти билан биргаликда муҳокама қилиш;
- ташқи аудитор хулосасини текшириш;
- даврий ҳисобдорликни таҳлил қилиш.

Банклар томонидан иккинчи тамойил талабларига риоя қилиш учун, капиталга ва рисклар даражасига бўлган талабларни ҳисоблаш учун қўлланиладиган ички услубиятларнинг хусусиятлари очилиши керак.

Иккинчи компонентда баён этилган ўзаро боғлиқ хусусият, ўтказилган текширувларнинг қониқарсиз тавсифи 3 ва 4 тамойилларда таклиф қилинган чоралар қабул қилинишига сабаб бўлишини тақозо этади.

Кредит ташкилотлари банклардан ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилиги даражасини белгиланган меъёрлардан ортиқ миқдорда қувватлашлари, банкларнинг назорат идоралари эса буни банклардан

талаб қилиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Мазкур тамойилнинг талаблари, кредит ташкилотнинг ўз маблағлари (капитали)нинг миқдори, „Базель-II” нинг биринчи компоненти негизидаги ҳисоблаш алгоритмига мувофиқ, унинг энг кам миқдоргача пасайиши имкониятини назарда тутишлари зарурлигига асосланган.

Шу билан бирга, рискларни бошқаришнинг ички тизимлари қониқарсиз аҳволда бўлган банкларга нисбатан, „Базель-II” назорат идораси учун ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилиги коэффициентининг минимал даражасини ошириш хуқуқини, ёки хужжатнинг атамаларига асосланган ҳолда, баъзи бир буфер захираси барпо этилишини назарда тутади. Бу ҳолда назорат идоралари ўз ихтиёрларида банкнинг ўз маблағлари (капитали) етарлилигини бошқаришнинг турли хил усулларига эга бўлади. Улар орасида, банкнинг капиталлаштириш даражасини энг кам ўрнатилган даражадан юқори бўлишини таъминлайдиган, етарлиликнинг якка тартибдаги коэффициентларини ўрнатиш сингари чорадан фойдаланишга рухсат берилади.

Банк назоратининг идоралари, ўз маблағлари (капитали)нинг белгиланган меъеридан камайиб кетиш хавфи вужудга келган кредит ташкилотининг фаолиятига аралашувни амалга оширишлари ва аҳволни тузатиш бўйича тезкор чораларни қабул қилишга мажбурлар.

Кўриб чиқилаётган вазиятда назорат идорасига бир қатор чораларни кўриш лозим, шу жумладан:

- кредит ташкилоти устидан назоратни кучайтириш;

- акциядорларга дивидендлар тұланишини чеклаш;
- ўз маблағлари (капитали)нинг миқдорини тиклаш бүйича тадбирларни тайғерлаш ва амалга ошириш тұғрисида банкка талаб қўйиш.

–Базель-II” га мувофиқ, назорат идоралари, кредит ташкилотларининг ўз маблағлари (капитали) етарлигининг ички банк баҳоларини текширишда қўллашни мўлжаллаётган мезонлар хусусида ошкоралик тамойилидан фойдаланиб, ўз мажбуриятларини очиқ ва ҳисбот топширган ҳолда бажаришга интилишлари зарур. Мазкур ҳолат, ўз маблағлари (капитали) етарлиги коэффициентини мақсадли оширишда (минимал ўрнатилган миқдордан ошадиган, унинг якка тартибдаги қийматларини аниқлашда) ҳисобга олинадиган омиллар жамоатчиликка ошкора этилиши лозимлигини белгилайдиган вазиятни мустаҳкамлаши шарт. Назорат идораси, банкка нисбатан бошқаришнинг маҳсус усуслари қўлланилиш зарурлигини чақирган сабабларни тушунтиришга мажбур.

Кўпгина эксперtlар капитал тұғрисидаги Базель битимини, ёки –Базель-II’ни – банк иши ва назоратини янгича ташкил қилиниши ва унинг ривожланиши янги босқичи билан таққосламоқдалар. Ҳужжат чуқур ўзгаришларни, рискларни сифатини бошқаришга таъсир қўрсатиш қобилиятини ва шунга мувофиқ равишда молиявий тизим барқарорлигини мустаҳкамлашга қодирлигини ўз ичига олади. Шунга қарамасдан, Базель қўмитаси тан оладики, ушбу ҳужжат маҳаллий ва тизимли банк инқирозлари учун даво бўла олмайди. Ҳужжат, кузатув, банкларни юқори маҳорат билан бошқариш ва бозор интизоми билан

биргаликда асосланган, банк тизимининг барқарор фаолият кўрсатиши концепциясини акс эттиради. Бунда асосий эътибор банк фаолияти рискларини баҳолаш тартибини назорат қилишга қаратилган. Назорат ролининг ва унинг фаолияти хусусиятининг ўзгариши: қатъий маъмурий бошқаришдан, рискка қаратилган банк назоратигача бўлади. Битим банк назорати идораларига қаратилган бўлиб, рискларни баҳолаш услугияти ва билимларни бошқаришнинг моҳиятини англаши керак. «Базель-II» ни амалиётга жорий этиш учун Базель қўмитаси муайян мамлакатда «Базель-II» киритиш заруриятини аниқлаши зарур, Халқаро валюта фонди ёрдамида варианtlар танлашда ва муддатларни аниқлашда миллий назорат идораларига кўплаб ҳукуқ ва ваколатлар берилади.

«Базель-II» ни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва таваккалчиликларга қарамасдан, ушбу ҳужжатнинг талаблари – меъёрий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш, кредит муассасалари орасида рақобатни оширишни таъминлайди. Бундан ташқари, банклар ва назорат идораларига мазкур ҳужжат банк секторининг юқори барқарорлиги ва самарадорлиги қандай таъминланлаш йўлларини кўрсатади.<sup>12</sup>

Бу ҳолат Базель –I талабларидаги ИХТГа аъзо мамлакатлар ҳукумати ва банкларига нисбатан талабларнинг юқори рискка тортилишига олиб келди.

Эътибор талаб қиласидиган яна бир муҳим жиҳат шундаки, Базель-II талабларига кўра қўйидаги талаблар 100 фоиздан юқори рискка тортиладиган бўлди (2.2-жадвал).

<sup>12</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

## 2.2-жадвал

### **Базель қўмитаси талаблари асосида банк активларининг рискка тортилиши<sup>13</sup>**

Кредит рейтинги	AAA дан AA- гача	A+ дан A- гача	BBB+ дан BBB- гача	BB+ дан B- гача	B- дан паст	Рейтингга эга бўлмаган
<b>Мамлакатлар ва уларнинг марказий банклариiga нисбатан талаблар</b>						
Риск даражаси	0%	20%	50%	100%	150%	100%
<b>Банкларга нисбатан талабларни рискка тортиш даражаси</b>						
<b>I-вариант</b>						
1-вариант бўйича риск даражаси	20%	50%	100%	100%	150%	100%
<b>II-вариант</b>						
2-вариант бўйича риск даражаси	20%	50%	50%	100%	150%	50%
2-вариант бўйича қисқа муддатли талаблар <sup>14</sup> нинг риск даражаси	20%	20%	20%	50%	150%	20%

Таъкидлаш лозимки, Базель қўмитаси талаблариiga кўра, тижорат банкларининг мамлакатлар ҳукумати ва марказий банклари, шунингдек, бошқа банкларга нисбатан талаблари 6-жадвалга мувофиқ рискка тортилади.

- АҚШ да регулятив капиталнинг сезиларли камайиши – 17-6 фоиз;
- ЕИ-15 да регулятив капиталнинг 5 фоизга қисқариши ва унинг таркибини кенгайиши. Энг юқори даражадаги банклар учун капиталга бўлган талабларнинг камайиши Буюк Британия, Испания, Португалия, Бельгия, Дания ва Франция учун сезиларлидир. Бошқа тарафдан, Греция ва Австриядаги банклар ўзларининг капиталига нисбатан талабларнинг ошишини назарда тутадилар. Европадаги асосий банклар чакана кредитлашнинг юқори концентрацияси ва

<sup>13</sup> Базель қўмитаси талаблари асосида тузилди.

<sup>14</sup> Бу ерда қисқа муддатли талаблар деганда дастлабки сўндириш муддати уч ойгача бўлган талаблар кўзда тутилган.

портфеллар рискларининг нисбатан паст даражаси туфайли Шимолий мамлакатлар томон ҳаракат бўлади, бунга –Базель-II” кўмаклашади. Буюк Британия, Ирландия ва Швейцариянинг банклари ҳам капиталга бўлган эҳтиёжларининг қисқариши билан дуч келади, ҳамда Францияда капитал етарлилик коэффициенти деярли ўзгармайди. Италия ва Германия банклари капиталига бўлган талаблар эса ўртачадир.

–Базель-II” таъсирининг асосий тадқиқотлари қўйидагиларни кўрсатади<sup>15</sup>:

Жаҳондаги ривожланаётган бозорларда капитални ошириш, етакчи банклар капиталдаги баъзи пасайишлар билан дуч келса ҳам, ривожланаётган мамлакатларда майда банклар стандартлаштирилган ёндашишларга боғлиқ равиша 30 фоизгача ва IRB га ёндашишга боғлиқ равиша 70-80 фоизгача капитални оширишлари мумкин.

## 2.3-жадвал

### Базель-II талабларига кўра энг юқори рискка тортиладиган активлар<sup>16</sup>

№	Активлар	Рискка тортиш даражаси
1.	В-дан паст рейтингга эга бўлган мамлакатлар, давлат муассасалари, банклар, шунингдек, қимматли қоғозлар билан шуғулланувчи фирмаларга нисбатан талаблар	150 %
2.	В-дан паст рейтингга эга бўлган юридик шахсларга нисбатан талаблар	150 %
3.	Махсус захиралари сўндирилмаган кредит қисмининг 20 фоизидан кам бўлган муаммоли кредитлар	150 %
4.	Миллий назорат органлари рискли капитал қўйилмалари ва хусусий капиталга инвестициялар	150 %
5.	BB+ дан BB- гача рейтингга эга бўлган секьюритизация траншлари	350 %

<sup>15</sup> Европа комиссияси учун PricewaterhouseCoopers тадқиқотлари

<sup>16</sup> Базель-II талаблари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Марказий ва Шарқий Европа минтақаларида капиталнинг сезиларли ошиши. «Базель-II» натижасида ўртача бошқарилувчи капиталда сезиларли ошиш кузатилади – 10 фоиздан (Польша, Венгрия ва Словения) 30 фоизгача (Чехия Республикаси). Руминияда капиталнинг жуда сезиларли даражага ортади. Бу кўрсаткич қарийб 50 фоизни ташкил этади. Марказий ва Шарқий Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам натижа шунга ўхшаш бўлади – 10 дан 50 фоизгача қўпаяди. Бироқ, бу натижалар баъзи сабабларга кўра, ноаниқликнинг нисбатан юқори даражаси билан тавсифланади.

Биринчидан, банклар ўз маълумотлар базасини ва «Базель-II»ни жорий қилиш пайтига, моделларини яхшилайдилар.

Иккинчидан, бу рискларни яхшироқ бошқариш мақсадида банкларнинг янги тизимга тез ўтишига, янада мураккаброқ усуллардан фойдаланишга рағбат берган ҳолда натижаларга боғлиқ. Баъзи банклар ҳозирги пайтда стандартлаштирилган ёндашишлар қўлланилишини, IRBни киритишга тайёр эканликларини билдирганлар. Бу – уларнинг активлар портфелига боғлиқ равишда – уларнинг самарадорлигини ошириши мумкин.

Учинчидан, банклар фаолиятида «Базель-II» ни кутиш чоғида баъзи бир ўзгаришлар кузатилмоқда – улар меъёрий капиталга талаблар паст бўлган секторларга (масалан, улгуржи муомалаларда ўтказилади) ургу берган ҳолда, портфелларга ўзгартиришлар киритмоқда.

Банк секторида – капиталнинг етарлилик даражасини юқорилиги, яъни кўпчилик банкларнинг капиталнинг етарлилик даражасини

8 фоиз минимал ставкасидан ошиши ёки минимал миллий ставкасидан юқори бўлиши банк капиталига доир буфер назарияси хисобига меъёрий капиталнинг ошишини кўрсатади.

Глобал банк секторида ортиқча капитал. Ҳозирги кунда дунёниг аксарият банкларида Базель талабига нисбатан капитали кўпроқ бўлиб, капитал етарлилигига қўйилган минимал талаб 8 фоизни ташкил этмоқда (ёки миллий даражада қўйилган талаблардан юқоридир).

Банкларнинг ортиқча капиталга эга бўлишини қуидаги учта асосий сабабларини келтириш мумкин:

- банк мутахассислари фикрига кўра, рискка тортилган активларга нисбатан минимал капитални 8 фоиз этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ. Чунки, ҳар қандай ҳолатда ҳам барча рискларни бартараф этишнинг иложи йўқ, шунингдек капиталнинг етарлилигига қўйилган ушбу минимал ставканинг олдингиларига нисбатан ортиши банкнинг инқироз шароитида мустаҳкамлигини оширади. Меъёрдаги портфел ёндашуви IRB стандартли ёндашувларга қараганда яхши натижаларни беради.

- 8 фоиз капитал етарлилигининг меъёри, дефолт эҳтимоллиги мезони билан солиштирганда, ВВВ кредит рейтингига киритилган, яъни у инвестицион даражадан пастроқ, хусусан, банклар ушбу кўрсаткични оширишни истайдилар. Масалан, йирик халқаро банк, АА рейтингига мувофиқ бўлган капитал миқдорларига интилади.

- бундан ташқари, капитал бутун бизнес-цикл учун етарли бўлиши лозим, шу жумладан, капитал ҳажми пасайган даврда, яъни инқироз пайтида ҳам. Мазкур буфер капитали банкнинг капитал

етарлилигини таъминлашга ёрдам беради.

Тижорат банклари томонидан капитал таркибини –Базель-II” талабларига мослаштиришда қуидаги учта асосий жиҳатга эътибор қаратиш талаб қилинади. Хусусан, банк назоратининг ваколати, бозорлар (рейтинг агентликлари орқали) ва акциядорлар. –Базель-II” нинг ижобий таъсири ҳисобига банкнинг капитали кескин камаядиган бўлса, назорат идоралари, –Базель-II” ни қўллашда эҳтиёткорлик билан ёнадашув чораларини кўришади. Шунингдек, улар бу борада –Базель-II” нинг биринчи таркибий қисмга қўра ҳисобланган капиталнинг ҳар қандай қисқаришларини ўрнини қоплаш учун иккинчи таркибий қисмига меъёрий капиталга қўшимча талабларни ўрнатишлари мумкин. Бозор ҳолатини ўрганган ҳолда, турли халқаро рейтинг агентлиги ўзларининг рейтинг талабларини замонавий шартлар асосида такомиллаштириб борадилар. Хусусан, банкларга –Базель-II” нинг қўлланилиши туфайли уларнинг капитал етарлилик кўрсаткичини камайиши, унинг халқаро рейтингини ҳам пасайишига олиб келади. Бу эса, –Базель-II” қоидаларида акциядорлар томонидан капитални қисқартиришга рухсат берилган бўлса ҳам, уни амалга оширмаслик чораларини белгилашга ундейди.

Бошқа томондан, агар ҳисоб-китоблар –Базель-II”га мувофиқ амалга оширилса, меъёрий капитални ошириш зарурияти қўринади, банклар эса ўз барқарорлигини сақлаб қолиш учун бу талабларни бажаришга мажбур бўладилар. Шунингдек, банклар капитал буферига эга бўлсалар ҳам, сезиларли равишда улар регулятив капитални кўпайтиришга интиладилар. Бу эса, –Базель-II” талабларини банк барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

эканлигини кўрсатади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳеч бўлмаганда, бошланғич босқичда, «Базель-II» талаблари натижасида ўз капитали камайишидан, тартибга солувчилар ёки бозор ўзгаришларининг салбий таъсиридан хавотирланган банклар «Базель-II» талабларини жорий қилинишини истамасада, «Базель-II»нинг ҳақиқий капиталга умумий таъсири унинг ошишига олиб келади. Вақт ўтиши билан, бу стандартлар муваффақиятли иқтисодий циклда синовдан ўтсалар, бозорлар ва рейтинг агентликлари рискларни самарали бошқаришнинг афзалликларини тан олишлари ва капитал етарлилиги даражаси камайиши мумкин<sup>17</sup>.

Марказий ва Шарқий Европада, оширилган регулятив капиталнинг аксарияти капитални де-факто ошириш мақсадида ўтказилади, фақат унинг кичик қисми мавжуд буфер таркибига киритилади. Капиталга бўлган талаб қондирилмасдан туриб, банклар ўз мавкеининг пасайтирадиган рискли фаолиятни амалга оширишни истамайдилар.

Албатта, банк риск-менежменти қанчалик «Базель-II» стандартларини ўрганишга ва татбиқ этишга боғлиқ бўлмасин, бўлиб ўтган жаҳон молиявий инқирозидан сўнг Базель қўмитаси томонидан белгиланган, талабларга ўзгартиришлар киритиш ва янги стратегия танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга бўлди ва янги «Базель-III» талаблари ишлаб чиқилди. Айни пайтда мамлакатимиз банклари учун «Базель-III» талабларни ўрганиб, унинг энг муҳим ҳолатларини миллий банк тизимига жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилди (2.4.-жадвалга қаранг).

<sup>17</sup> Базель II га қаранг: Эволюция не революция для банков (Эволюция банклар учун революция эмас)

## 2.4-жадвал

### Банк капитали бўйича “Базель-III” талабларини жорий этиш муддатлари (ҳар бир йилнинг 1 январь ҳолатига)<sup>18</sup>

	Йиллар						
	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Оддий акцияларга минимал талаб (Minimum Common Equity Capital Ratio)	3,5%	4,0%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%
Махсус захира капитали (Capital Conservation Buffer)				0,625%	1,25%	1,875%	2,50%
Оддий акцияларга минимал талаб + Махсус захира капитали	3,5%	4,0%	4,5%	5,125%	5,75%	6,375%	7,0%
I даражали капиталга минимал талаб (Minimum Tier I Capital)	4,5%	5,5%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%
Умумий капиталга минимал талаб (Minimum Total Capital)	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%
Умумий капиталга минимал талаб + Махсус захира капитали	8,0%	8,0%	8,0%	8,625%	9,25%	9,875%	10,5%

Акциядорлик капиталининг зарур бўлган энг кам ҳажми (Common Equity) активлар миқдорига нисбатан 4,5 фоиз бўлиши лозим (ҳозир – 2 фоиз)<sup>19</sup>.

Биринчи даражали капиталнинг зарур бўлган энг кам ҳажми (Tier 1 Capital) активлар миқдорига нисбатан 6 фоиз бўлиши белгиланган (ҳозир – 4,5 фоиз). Асосий капиталнинг тузилмасига бўлган талаблар кучайтирилган – у фақат оддий акциялар ва тақсимланмаган фойдадан иборат бўлиши керак. Асосий (Tier 1 Capital) ва қўшимча (Tier 2 Capital) капиталнинг умумий ҳажми активлар миқдорининг камида 8 фоизини ташкил қилиши лозим. Активларнинг 2,5 фоиз

<sup>18</sup> Манба: Basel Committee on Banking Supervision ([www.bis.org](http://www.bis.org)).

<sup>19</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

миқдорида захира капиталини (Capital Conservation Buffer) ташкил қилиш бўйича қўшимча талаб киритилади.

Умумий капиталнинг активларга нисбати, захира пайдо бўлиши ҳисобига, шу кундаги 8 фоиз ўрнига 10,5 фоиз қилиб белгиланган (Capital Conservation Buffer). Активларнинг 0 дан 25 фоизигача миқдорида –контрциклик капитал”ни шакллантириш назарда тутилади. Уни шакллантиришга бўлган талаблар иқтисодий ўсиш даврида бошқарувчилар томонидан киритилади.

Бир қатор активлар – хусусан, кечиктирилган солиқ активлари, ипотека кредитларига хизмат кўрсатиш бўйича ҳуқуқлар, молиявий компанияларга инвестициялар киритиш – ёки тўлиқлигича капитал ҳисоб-китобидан чиқарилади, ёки уларнинг улуши 10 фоиз билан чекланади.

Базель-II капитал етарлигининг белгиланган меъёрини 8 фоиз миқдорида ўрнатади, россиялик миллий стандартлар – 10 фоизни, –Базель-III”нинг охирги талабарида - 10,5 фоиз, банк тизими бўйича ўртacha капитал етарлиги 19 фоизни ташкил қиласди. –Базель” тузатишларини киритиш эса ушбу кўрсаткичнинг тахминан 0,7 п.п. га пасайишига олиб келди.

Дарҳақиқат, капитал етарлигининг юқори даражаси, инқирознинг кредит портфелини сиқилишга мажбур қилгани билан тушунтирилади. Охирги иккита Базель қўмитасининг миқдорий эмас, мазмунли талабларига келсак, улар анча мураккаброқ. –Базель-II” 2012 йилга келиб барча компонентлари бўйича жорий этилиши керак, лекин бу сана шартлидир, ва Марказий банк вакиллари, банк тизимининг ҳақиқий тайёрлигига қарашларини

тўғридан-тўғри айтмоқдалар. Яқин орада МБ банкларни танлов асосида, рискларни баҳолашда улар томонидан ички рейтингларни ишлатиши (IRB) мазмунида ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларини эълон қилдилар. Банклар шунга интилсалар ҳам, бироқ умуман олганда, –қўпчилик –еинов” банклари томонидан намойиш этилган корпоратив бошқариш даражаси (айниқса, ички назорат қисмида), минимал IRB-талабларга мувофиқ бўлишдан узокдир”.

Тижорат банклари учун маҳсус захира фондини шакллантириш қийин бўлмайди. Лекин ташкил қилинаётган захираларнинг фоизлари ва ҳажмлари эмас, балки бу захираларнинг қандай активлар билан ифодалангани муҳимдир. Акс ҳолда улар банкда балансдаги расмий ёзувлар билан ифодаланади. Глобал молиявий инқироз кўрсатганидай, банк барқарорлигини таърифлайдиган рақамлар, капитал йўқотишлари тўғрисида хулоса чиқариш зарур бўлганда, ҳар доим ҳам холис бўлмайди. Муаммоли кредит ташкилотларини таҳлил қилиш тажрибаси шуни тасдиқлайдики, банкда банкротликни эълон қилиш санасигача банкда капитал етарлилигининг белгиланган меъёри бажарилган, банкротлик ҳақида эълон қилгандан кейин эса, Марказий банк томонидан ўрнатилган мезонларни қондирмаган. Бу ўз навбатида, фақат янги усулларни эгаллашни эмас, дунёқараш ва манфаатлар йўналиши ўзгаришларини талаб қиласи – жамият ва бошқарувчилар олдидаги рискларни очиқ тан олишга тайёргарлик керак.

Республикамизда Базель қўмитасининг замонавий талабларини жорий этиш учун қўйидаги шарт-шароитларни таъминлаш керак:

- банк капитали таркибини Базель талабларига кўра

мослаштириш;

- мамлакат ташқи суверен кредит рейтингини олиш;
- ички кредит рейтинг хизматлари бозорини ривожлантириш;
- кредит ахбороти базасини такомиллаштириш;
- банкнинг капиталига нисбатан минимал талабларни белгилашда бозор ва операцион рискни ҳам ҳисобга олиш;
- банк капитали таркибида рискка тортилган активларнинг 2,5 фоизи микдорида махсус захира капиталини ташкил этиш ва уни босқичма-босқич ошириб бориш.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Тижорат банкларида рискларни бошқариш бўйича қандай меъёрий хужжатлар мавжуд?
2. Банк фаолиятида рискларни баҳолаш механизми, бошқариш бўйича халқаро талаблар моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Базель-1, Базель-2 ва Базель-3 тавсиялари, уларнинг фарқлари нималардан иборат?
4. Халқаро талабларни Ўзбекистонда қўллаш шарт-шароитлари ва имкониятлари қандай?
5. Базель-3 тавсияларининг аҳамиятини айтинг?

## **З боб. КРЕДИТ РИСКЛАРИ ВА УЛАРНИ СУГУРТАЛАШ УСУЛЛАРИ**

### **3.1. Кредит риски (таваккалчилиги) тушунчаси ва унинг даражасига таъсир этувчи омиллар**

**Таянч сўзлар:** Меморандум, меъёрий ҳужжат, кредит муддати, кредит миқдори, мақсадлик, таъминот, фоиз, гаров, чеклаш.

Банкнинг кредит фаолияти, уни бошқа банк бўлмаган ташкилотлардан фарқловчи асосий мезонлардан биридир. Жаҳон амалиётida айнан кредитлаш билан банк фойдасининг талайгина қисми боғлиқ. Шу билан бир вақтда, кредитларнинг, асосан, йирик кредитларнинг қайтарилмаслиги, банкнинг синишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Банклар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, уларда мавжуд рискларни минималлаштириш масалаларидан бири кредит рисклари, уларнинг сифати ва даражасини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Кредит риски деб, қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартларининг бажарилмаслиги, яъни кредит суммасининг (қисман ёки тўлик) ва у бўйича фоизларнинг шартномада кўрсатилган муддатларда тўланмаслиги тушунилади. Шунинг учун кредит рискларини аниқлаш ва бошқариш ҳар қандай тижорат банкининг ривожланиш ва тараққий этиш мақсадига эришиш учун ишлатиладиган кураш усулларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Кредит рискларининг банклар учун долзарб муаммолиги шундаки, кредит риски мавжуд бўлган ҳолда кредитор(банк)да қарз

олувчи томонидан кредит шартномасининг шартларини, унинг ўз мажбуриятларини белгиланган вақтда бажара олиш имкониятига ишончсизлик ҳосил бўлади. Маълумки, банк амалиётида фойда асосан берилган кредитлар бўйича олинадиган фоизлардан ташкил топади. Қарз оловчи томонидан олинган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг ёки кредитнинг асосий суммасининг ўз вақтида тўланмаслиги ёки умуман тўланмаслиги оқибатида банк фойдасининг камайиши банкнинг келажакдаги маблағлари салмоғининг тушиб кетишига олиб келади. Шунинг учун кредиторлар улар берган маблағларнинг қайтиши билан боғлиқ рискларни камайтиришга ҳаракат қиласидилар.

Қарз оловчи фаолиятида мавжуд рисклар даражасини кредитор кредит бергунга қадар, кейинчалик кредит бергандан кейин, ундан фойдаланиш давомида аниқлаш мумкин. Рискни минималлаштириш мақсадида кредитор кредит беришдан олдин рискни аниқлашга ҳаракат қиласидилар.

Кредит рискининг юзага келишига қуйидаги ҳоллар сабаб бўлиши мумкин:

- а) турли хил макро ва микроиктисодий омиллар, иқтисодий қонунчилик ва меъёллардаги ўзгаришлар;
- б) қарз оловчи фаолиятида бўладиган иқтисодий ва сиёсий муҳитдаги ўзгаришлар, салбий ҳоллар туфайли олинган кредитни тўлашга мос пул оқимини ташкил қила олмаслик;
- в) кредитнинг таъминланганлиги учун олинган гаровнинг қиймати ва сифати бўйича тўлиқ ишончнинг йўқлиги;

г) юқори билимга эга бўлган банк ходимлари ва мижозларнинг етишмаслиги;

д) қарз олувчи субъектнинг маҳаллий ёки давлат миқёсида обрўси тушиб кетиши, унинг ишчанлик фаолиятида юзага келган ўзгаришлар ва б.

Кредит муносабатларида кредиторлар кредитга ёки қарзга берилган сумманинг ўз вақтида қайтиб тўланишини ва мўлжалланган фоиз ставкаларини белгиланган вақтда олишни кутадилар. Улар рисқдан қочадилар, кредит беришгача у билан боғлиқ рисқ даражаси билан қизиқадилар, уни аниқлайдилар ва ўзлари учун рисқ даражаси минимал бўлган ҳолларда кредит ажратиш тўғрисида ижобий хулоса қабул қиласидилар. Лекин кредитор томонидан кутиладиган натижа ҳар доим ҳам у ўйлаганидек бўлмаслиги мумкин.

Банклар ва банкирлар бошқа кредиторларга нисбатан рисқдан кўп ҳимояланувчи ёки қочувчи бўлишлари керак. Бунинг сабаби шундаки, банк бошқа кредиторларга нисбатан ўз маблағ билан эмас, балки жалб қилинган маблағлар, яъни жисмоний, хукукий шахсларнинг вақтинча банкда турган маблағлари билан ишлайдилар. Банкнинг кредит бериш имкони у жалб қилинган ресурсларга боғлиқ бўлади. Банк ўз навбатида бу жалб қилинган маблағларни талаб қилинган вақтда мижозга қайтариб бериш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу имконият эса банк фаолиятида мавжуд рискларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиши тақозо этади.

Тижорат банкининг кредитлаш жараёнининг схемасини олиб қарайдиган бўлсак, мижознинг кредитга лаёқатлиигини аниқлаш

босқичида бериладиган кредит бўйича риск даражасини хомчўт қилиш мумкин.

Кредитлаш жараёнининг ҳар бир босқичларида кредит рисклари ва улар даражасини аниқлаш мумкин. Мижознинг кредитга лаёқатлиги билан боғлиқ риск даражаси кредитлашнинг бошланғич босқичларида бўлмаслиги ёки кам бўлса-да, унинг фаолияти давомида кутилмаган молиявий қийинчиликларнинг пайдо бўлиши кредит рискининг юзага келишига асос бўлиши мумкин.

Кредит рискининг вужудга келиши икки асосий параметр кредит берувчи ва қарз оловчи ўз вазифаларини қай даражада бажаришига боғлиқ. Қарз оловчи томонидан тайёрланган кредит пакетини таҳлил қилиш ва кредит бериш бўйича лойиҳа тайёрлаш кредитловчи банк учун риск ва унинг турларини аниқлаб олиш имкониятини беради. Бу босқичда кредит берувчи:

1. Қарз оловчининг иқтисодий, молиявий аҳволи, унинг ишchanлик, маънавий қиёфаси, ишлаб чиқариш имкониятлари, маркетинги, молиявий бошқаруви ва бошқаларни;

2. Кредитга бўлган талабнинг қай даражада тўғри асосланганлиги ва бу асос корхонанинг чинакам иқтисодий ҳолатидан келиб чиққанлиги.

Кредитнинг мақсади банк манфаати учун ҳам тўғри келиши каби саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб олиши лозим. Масалан, бозор иқтисодиётининг ҳозирги босқичларида янги корхона, фирмалар ташкил топаётган ва улар тўғрисида аниқ ахборот мавжуд эмаслиги шароитида **биринчи саволга** жавоб бериш жуда муҳим.

**Иккинчи саволни** кредит оловчи томон тўлдириши, унинг

молиявий ахволи, ундаги ҳисоб-китоблар ҳолати, аудиторлик текширувлари бўйича ҳисоботлар ва хулосалар, корхона баланси, пул оқими тўғрисида ҳисобот, даромадлар тўғрисида билдиришнома ва бошқа маълумотлар банк учун зарур ҳамда бу ҳужжатларнинг мавжудлиги корхонанинг ўз молиявий ресурсларини мувафаққиятли бошқараётганлигидан далолат бериши мумкин.

**Учинчи саволда** эса банк у бераётган кредит унинг кредит портфелига мос келадими ёки йўқми шуни аниқлаши лозим. Агар бу бериладиган кредит банкнинг кредит портфели янада кўпроқ диверсификацияланишига олиб келса, бу банкнинг кредит портфели рискини камайтиради. Агар бу кредит бир тармоққа кредитларнинг берилишини кучайтирадиган, тўлаш муддати бир вақтда тўғри келадиган бўлса, кредит портфелининг риски ошиши мумкин. Бунда банк ходимлари кредит бериш, кредитни баҳолаш соҳасида етарли билимга эгами, улар бозор қабул қиласада, у кредитни баҳолаш жараёнинга жавобгар ҳисобланиши лозим.

1. Кредит олиш учун ариза.
2. Мижознинг кредитга лаёқатлилиги ва кредитнинг самарадорлигини баҳолаш.
3. Кредит шартнома, гаров, кафолат шартнома, кредитни суғурталаш.
4. Кредит бериш.
5. Кредитдан фойдаланишни мониторинг қилиш.
6. Кредит ва у бўйича фоизлар ўз вақтида тўланади.
7. Кредит ва фоизларни тўлашда қийинчиликлар юзага келади.

Тижорат банкнинг кредит рискларини бошқариш жараёнида бир нечта умумий босқичларни ажратиш мумкин. Булар: банкнинг кредит сиёсатининг мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш; маъмурий ечимларни қабул қилиш тизимини ва кредит рискини бошқариш маъмурий таркибини ташкил этиш; қарздорнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш; қарздорнинг кредитлаш тарихини, унинг алоқаларини аниқлаш; кредит шартномасини ишлаб чиқиш ва имзолаш; кредитларнинг қайтарилимаслик рискини таҳлил қилиш; барча ссудалар портфели бўйича қарздорнинг кредит мониторингини йўлга қўйиш ва узлуклаштириш; муддати ўтган ва шубҳали кредитларни қайтариш ва гаровни сотиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар.

Кредит рискини бошқариш учун банк ходими ссудалар портфелининг сифатли таркиби ва тузилиши устидан доимо назорат олиб бориши керак. «Фойдалилик-риск» мунозараси доирасида банк ходими ўзини ортиқча рисклардан сақлаган ҳолда фойда меъёрини чеклашга мажбур. У рискни бўлиб-бўлиб қўйиш сиёсатини олиб бориш, ҳамда кредитларни бир нечта йирик қарздорларда тўпланишига йўл қўймаслиги керак. Акс ҳолда, қарздорлардан бирининг кредитни тўлай олмаслиги банкнинг молиявий ахволини қийинлаштириши мумкин.

Кредит риски ликвидлилик рискига ва банкнинг тўловга қобилсизлиги рискига, шунингдек банкнинг маъмурий-хўжалик харажатларини қоплай олмаслиги билан боғлиқ рискларга олиб келиши мумкин, фоиз ставкаси риски ўзича мустақил бўлса-да, у

кредит риски ва бошқа барча рисклар занжирини чуқурлаштириб бориши мумкин.

Тижорат банкларнинг долзарб муаммоларидан бири баланс маълумотлари ва кредит портфелининг таҳлили асосида кредит рискларини бошқариш ҳисобланади. Кредитларни риск синфларига гуруҳлаш, уларни таҳлил қилиш, уларни минималлаштириш ва банк манфаатини ҳимоя қилиш усулларини ишлаб чиқиш кредит рискларини камайтиради. Ишлаб чиқаришида пасайиш бўлаётган корхона ва тармоқларда кредитнинг тўпланишидан воз кечиш, шунингдек, «ҳамма тухумни бир саватга солмаслик керак», деган донишмандларнинг нақлига амал қилган ҳолда бир қарз олувчига тўғри келувчи рискнинг максимал миқдорига риоя қилиш кредит рискини енгиллаштиришга имкон беради.

Кредитларни риск синфлари бўйича гуруҳларга бўлиш бу банк барча кредит қўйилмаларининг 1/5 қисми (20,66%) дан юқори ёки меъёрий риск зонасида эканлиги тўғрисида хulosа чиқаришга имкон беради. Бу алоҳида олинган банк учун салмоқли катталиқдаги кўрсаткич. Бу сумма унинг асосий қисми муддати ўтган ссудалар мавжудлиги туфайли юзага келган. Келтирилган тасниф шунинг билан фойдалики, у рискли зонада бўлган кредитлар ҳажмини аниқлаб беради ва шу тариқа банк ходимларини айнан шу кредитга алоҳида эътибор қаратишига, кредит рискини минималлаштиришга ундейди.

Кредитнинг таъминланганлиги учун олинган мулк - бу кредитни қайтариб олишнинг охирги манбаидир.

Кредит рискининг даражасини аниqlашдаги мухим

кўрсаткичлардан бири бу корхонанинг молиявий жиҳатдан мустақиллигини ифодаловчи коефициентдир.

Хозирги кунда республикамизнинг аксарият тижорат банклари томонидан кредитлар беришда шу кредитнинг баҳоси қанча эканлиги банклар томонидан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмайди. Тижорат банклари томонидан кредитлар учун қўйиладиган баҳо - хозирги кунда қўйдаги элементлардан ташкил топади: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига асосланган ҳолда қўшимча ҳисоб-китобларсиз банклар кредитнинг баҳосини белгилайдилар.

Бозор иқтисодиёти юксак ривожланган давлатларда кредитнинг баҳосини белгилашда кредитнинг бозор баҳоси асос қилиб олинади. Кредитнинг мижозга бериладиган баҳосини ҳисоблаш бир неча босқичлардан иборат бўлади ва тижорат банклари томонидан бу кўрсаткич чуқур таҳлил қилиб "чиқилади. Кредитнинг баҳосини аниқлашдан асосий мақсад банк томонидан берилган кредитнинг самарадорлигига эришган ҳолда, фойда олиш ва банк ликвидлигини таъминлашга эришишидан иборат. Бу натижа эса банк рискларини олдиндан аниқлаб, уларнинг олдини олишга имкон яратиши мумкин.

Тижорат банкларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва активлар баҳосини белгилашнинг асоси бўлиб унинг баланси ҳисобланади. Баланс асосида тижорат банкларининг фаолиятини таҳлил қилинади.

Тижорат банклари фаолиятининг барқарорлиги ва рақобатбардошлиги уларнинг ресурсларини тўғри ташкил қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Шуни таъкидлаш лозимки, тижорат банкларининг депозит ва кредит портфелини ташкил қилиш,

бошқариш, уни диверсификация қилиш соҳасида қатор ечилмаган муаммолар мавжуд.

### **3.2. Кредит портфели тушунчсаси ва уни таҳлили**

Бозор иқтисодиёти кенг ривожланган мамлакатларда тижорат банкларнинг кредит сиёсатига, уларнинг кредит портфели ва унинг сифатига, ундан фойдаланиш даражасига катта эътибор берилади. Банклар фаолиятида кредит операциялари асосий ўринни эгаллагани учун уларнинг кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкларнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатиши учун имконият яратиб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кредит операцияларини олиб боришда йўл қўйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда уларнинг синиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли банкларнинг кредит портфели ва унинг сифатини назорат қилиб бориш тижорат банкларининг самарали фаолиятининг гаровидир.

Банкларнинг кредит портфели, унинг ҳолати тўғрисида бирон фикр билдиришдан олдин, дастлаб кредит портфелининг иқтисодий моҳиятини тушуниб олишимиз лозим. Банкларнинг кредит портфели тўғрисидаги тушунча бизнинг амалиётимизга ва иқтисодий тушунчаларимиз сафига яқинда келиб қўшилган тушунчалардан ҳисобланади.

Баъзи хорижий давлатлар иқтисодчилари томонидан юқоридаги мавзунинг баъзи томонларини очиб берувчи илмий ишлар чоп этилганлиги инобатга олмаса, Ўзбекистон иқтисодчилари ўртасида

банкларнинг кредит портфели, унинг моҳияти, таркиби, унинг сифати бўйича таҳлили соҳасида илмий ишлар ўтказилиб, чоп қилинган эмас. Шу сабабли банкларнинг кредит портфели ва уни ташкил қилиш масалалари жуда долзарб ва баҳслашувни талаб қилувчи масалалардан бири ҳисобланади. Берилган кредитларнинг ўз вақтида банкларга қайтарилиши кредитлаш жараёнининг қай даражада ташкил қилинишига, кредит бериш ва қайтарилишининг муддатларига риоя қилинишига, ссудалар, айниқса муддати ўтган ёки узайтирилган кредитлар бўйича ҳисоб-китоб операцияларининг тўғри олиб борилишига, ссудалар бўйича заарларни қоплаш резерви миқдорига, банкларро кредит ва марказлаштирилган кредитлар бўйича операцияларнинг қонунийлигига ва кредитларни тўғри туркумлаш бўйича банкларда ўтказиладиган аналитик операцияларнинг сифатлилиги ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Банклар томонидан бажариладиган барча кредит операциялар уларнинг кредит портфелида ўз ифодасини топади, ҳар бир банк кредит портфелининг сифатли бўлишига эришиши зарур. Бу эса кредитларнинг ўз вақтида қайтиб келишига асос бўлиши мумкин.

Тижорат банклари кредит портфелининг моҳияти тўғрисида мукаммал илмий ишлар ёзилмаган бўлсада, баъзи муаллифларнинг тадқиқотларида бу тушунчани ва унинг моҳиятига берилган таърифларни учратиш мумкин. Келтирилган таърифлар моҳияти жиҳатдан хилма хил бўлиб, улар банкларнинг кредит портфели, унинг иқтисодий моҳияти, таркиби, қиёсий таърифи тўғрисида барча томонидан маъқулланган аниқ бир фикрни ифода қилмайди. Турли муаллифлар кредит портфелининг моҳиятини турлича талқин

қилишади. Масалан, америкалик иқтисодчилар Крис Ж. Барлтон, Диана Мак Нотон кредит портфели - бу кредитларни туркумлашни ўз ичига олади, деб таърифлашса, бошқа бир гурух иқтисодчилар кредит портфелини банкнинг актив операцияларининг йифиндиси сифатида таърифлайдилар.

Кредит портфелига банкларнинг актив операцияларининг йифидиси деб қарашиб ҳам бизнинг фикримизча түғри эмас, Банкларнинг актив операциялари деб банкларнинг ўз капитали ва жалб қилган маблағларини даромад олиш мақсадида жойлаштириш билан боғлиқ бўлган барча операцияларга айтилади.

Банкларнинг актив операцияларини қуийдаги тўрт гурухга бўлиш мумкин:

- хўжалик субъектларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган кредит операциялари;
- банкларнинг инвестицион операциялари;
- мижозларга касса ва ҳисоб операциялари;
- зарур инфратузилмани ташкил қилиш билан боғлиқ бошқа актив операциялари;

Банклар амалиётида актив операциялар таркибида кредит операциялари асосий ўринни эгаллайди. Аммо бу деган сўз, барча актив операциялар банкнинг кредит портфелини ташкил қиласди деган сўз эмас.

Яна бир гурух рус олимлари - «Банкларининг кредит портфели узоқ муддатли, қисқа муддатли, вақти ўтган кредитлар бўйича баланс рақамидаги маблағларидир» деб таъриф беришади. Кредит портфелининг моҳиятини очиб беришда қуийдаги омилларни

инобатга олиш зарур. Булар:

- кредитлар бўйича риск даражаси;
- кредит бериш объектлари;
- кредитдан фойдаланиш муддати;
- кредитнинг ҳажми ва таъминланганлиги;
- мижознинг молиявий ҳолати, мулк шакли ва бошқалар.

Шуларни инобатга олган ҳолда бизнинг фикримизча, кредит портфелига қуидагича таъриф бериш мумкин. Банкларнинг кредит портфели - бу турли хил кредит рискларга асосланган муайян меъзонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндисидир.

Мазкур таъриф кредит портфелининг моҳиятини тўғри тушуниш ва таҳлил қилишга ёрдам беради. Чунки унда:

- берилган кредитлар бўйича рисклилик даражасини ифодаловчи мезонлар;
- банкнинг барча берган кредитлари бўйича талаблари йиғиндисини ҳисобга олиш зарурлиги;
- кредитларнинг асосий меъзонлари бўйича туркумлаш лозимлиги ва бошқалар ўз аксини топган.

Кредит портфели факат нормал кредитларни эмас, балки муддати ўтган кредитларни ҳам ўз ичига олади. Бу омилларни эътиборга олиш тижорат банкларининг кредит портфелини шакллантиришда, уларнинг фаолиятини тўғри ташкил қилишда катта аҳамиятга эга. Кредит рискларининг даражаси хорижий банклар ва бизнинг банкларимиз амалётида ҳам банкларнинг кредит портфелини ифодаловчи меъзонлардан асосийси ҳисобланади. Айнан шу

кўрсаткичнинг даражасига қараб, кредит портфелининг сифати аниқланади. Банкларнинг кредит портфелини баҳолаш ва таҳлил қилиш банк менежерларига ссуда операцияларини самарали бошқаришга имкон беради.

Хулоса қилиш айтганда тижорат банклари фаолияти, айниқса кредитлаш жараёни аксарият ҳолларда риск билан боғлиқ. Шу сабабли банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлашда банк рискларини оқилона бошқариш муҳим ўрин тутади.

### **3.3. Кредит сиёсати кредит рискини олдини олиш ва суғурталаш усули сифатида**

Кредит сиёсати банк стратегиясининг бир бўлаги сифатида кредит бозорида банкнинг ҳаракат қилишидан кўзлаган мақсадини, тамойилларини ва йўналишларини ўз ичига олади, тактик жиҳатдан эса молиявий ёки бошқа инструментларни, кредит битимларни амалга оширишдан банкнинг мақсадларига эришиш йўналишларини ва қоидаларини, ҳамда кредит жараёнини ташкил этиш тартибларини ишлаб чиқиши ўз ичига олади.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида хулоса қилиб айтганда, кредит сиёсати кредит рискларни камайтириш орқали банкнинг хавфсизлиги, ликвидлилиги ва рентабеллигини таъминлаш мақсадида кредитлаш бўйича олдиндан белгиланган қоида ва ечимлар мажмуаси асосида ташкил қилинган кредит портфелини бошқариш соҳасидаги банкнинг стратегия ва тактикасидир. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда мустақил ўзининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва олиб бориши

мумкин.

Одатда, ссуда операциялари банк фойдасининг асосий қисмини ташкил қиласди. Шуни инобатга олган ҳолда банклар ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқишида ва олиб боришида ссуда операцияларидан келадиган даромад ва уларнинг самарали олиб борилишига катта эътибор беришлари лозим. Банкнинг кредит операцияларини олиб бориш ва уларнинг самарадорлиги учун жавоб бериш банкнинг директорлар кенгаси зиммасига юклатилади. Директорлар кенгаси кредитларни бериш билан боғлиқ вазифаларни бошқарувнинг қуйи табақаларига юклайди. Кредит сиёсати ҳайъати кредитни қайси соҳаларга бериш, кредит беришнинг умумий тамойиллари, уни беришдаги чекланишлар ва бошқаларни ишлаб чиқади ҳамда шуларнинг амалга оширилишини назорат қилиб бориши лозим.

Хорижий давлатларнинг йирик банкларида ёзма равишда банкнинг кредит сиёсати тўғрисида меморандум ишлаб чиқилади ва барча банк ходимлари ўз фаолиятини шу меморондум асосида олиб боришлиари зарур. Меморандумнинг таркиби ҳар бир банкнинг фаолият хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил бўлсада, у банк фаолиятининг асосий йўналишларини қай тариқада олиб боришни ўз ичига олади. Меморандумда олиб бориладиган сиёсатнинг асосий, масалан кўпроқ ишончли ва фойда келтирувчи кредитлар бериш, кредитлар беришда мавжуд кредит ресурсларни ҳисобга олиш, бериладиган кредитларнинг рисклилик даражасини ҳисобга олиш, кредит беришнинг охирги чегарасини белгилаб бериш ва бошқалар кўрсатилади.

Хужжатда қайси кредитларни бериш банк учун фойдали ва қайси

кредитларни беришдан банк сақланиши лозимлиги, банк ходимлариға кредитлар бериш, кредитларнинг сифатини назорат қилиш шакллари ва бошқалар қўрсатилади.

Бунинг учун қўйидагилар аниқланади:

- банк учун масъул бўлган кредитлар турлари;
- қандай кредитлар, беришдан банк ўзини тутиши;
- кўнгилдагидай бўлган қарзларнинг таркиби;
- кўнгилсиз қарзларнинг таркиби;
- банкнинг кредитлаш билан боғлиқ фаолияти доираси;
- банкнинг ўз ходимлариға кредит бериш доирасидаги сиёсати;
- қарздорликнинг ҳар хил даражалариға кўра кредитларнинг ҳажмини қисқартириш;
- кредит рискини бошқариш, текширув ва назорат доирасидаги банкнинг сиёсати.

Йирик бир Америка банкларининг меморандуми схемаси 5 бўлимни, яъни умумий қоидалар, кредитлар категорияси, кредит сиёсатининг ҳар ҳил масалалари, кредит портфели сифати устидан назорат ҳамда банк қўмиталарини ўз ичига олади .

Кредит сиёсати бўйича меморандум умумий тавсия ва йўлланмаларини ўз ичига олади ва у банк ходимларининг амалий ишбилиармонлигини чеклаб қўймасликни таъминлайди.

Хозирги кунда тижорат банклари мустақил равишда ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқадилар. Лекин амалиёт шуни қўрсатадики, баъзи банклар фаолиятида бу сиёсатни ишлаб чиқишида маълум камчиликларни кўриш мумкин. Биринчидан, кредит сиёсатини ишлаб чиқишида кўпроқ бош банклар актив роль ўйнаб улар ҳар доим ҳам

банкнинг қуий бўғинларининг кредит ишларини инобатга олмайдиган ҳолатларни учратиш мумкин.

Иккинчидан, банк салмоғи катта-кичиклигидан қатъий назар ҳар бир банк ходими банкнинг кредит сиёсатининг ҳеч бўлмагандага мақсади, умумий йўналишлари билан таниш бўлиши, уларнинг бажарилиши бўйича фаолият олиб бориш лозим.

Кўпгина тижорат банкларининг кредит сиёсатида асосий эътибор кредитлар бериши бўйича эркинлик, кредит турлари, кредитларни тўлаш, фоиз ставкалари, кредит бўйича гаров қиймати ва унинг баҳоси, мижоз тўғрисида молиявий ахборот, ўз вақтида тўланмаган ва муддати кечиктирилган кредитлар, банк кенгаши ва бошқарувчига бериладиган ҳисботлар, кредитларнинг концентрацияси, алоқадор шахсларнинг ишлаш тамойиллари, рискни баҳолаш, кредит портфелини аудит қилиш каби йўналишларни ўз ичига олиши кўзда тутилган бўлсада, уларнинг моҳиятини очиб беришда баъзи бир ноаниқликлар мавжуд эди. Масалан, кредитларни концентрация қилиш тўғрисидаги йўналишида кредитларнинг тури, худудий жойланиши ва бошқа белгилари бўйича концентрация қилиш лозим дейилса, яна шундай кредитлар концентрацияси банкларини катта зарарларга қўйиши мумкинлиги таъкидланади, ёки мижозларнинг молиявий аҳволини ифодаловчи кредитга лаेқатлилик кўрсаткичлари тўғрисида маълумотларни ифодаловчи кредитнинг баҳоси ва самарадорлигини кўрсатувчи йўналишлар келтирилмаган. Тижорат банклари кредит сиёсатини ишлаб чиқишида иш йўналишлар бўйича аник маълумот ва хужжатларга эга бўлиши, ва кредит сиёсати сифатида режалаштиришлари, бизнинг фикримизча банкларни катта

рисклардан олдиндан ҳимоя қилиши мумкин. Ундан ташқари юқорида келтирилган кредитни концентрациялаш бўлими ўрнига кредитларни диверсификациялаш ёки қредит портфелини бошқариш бўлими деб киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Банклар томонидан бериладиган кредитлар республикани иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга, инфратузилмани такомиллаштиришга, устувор, экспорт салоҳиятини кенгайтирувчи соҳаларга йўналтирилган бўлиши керак.

Тижорат банкининг кредит сиёсати ва кредит бозорини таҳлил қилиш ва энг кичик кредит рискка эга бўлган мақсадли бозорларни аниқлаш; маблағларни депозитга жалб қилиш; кредитлаш жараёнида юқори самарадорликка эришиш; банкнинг депозит ва кредит портфелини бошқаришни оптималлаштириш; муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш; банкнинг ликвидлилиги ва тўловга лаёқатлилигини таъминлаш каби масалаларни ўз ичига олиши лозим.

Алоҳида олинган тижорат банки банкнинг фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи рискларни инобатга олган ҳолда минтақа, вилоят, тумандаги иқтисодий, сиёсий, социал ҳолатдан келиб чиқиш ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқишлиари керак. Банкнинг аниқ кредит сиёсатига эга эмаслиги банк рискларини оширади. Кредит сиёсатининг аниқ эмаслиги белгилаб қўйилган вазифаларининг тўлиқ бажарилишига ва ундан кўтилган самарага эришишга тўскинлик қилади.

## **Назорат учун саволлар**

1. Кредит сиёсатининг асосий мазмуни.
2. Кредит сиёсатининг моҳияти.
3. Кредит мониторинги тушунчаси.
4. Кредитлаш жараёнини ташкил қилишнинг умумий меъёрлари;
5. Кредитнинг турлари.
6. Банкнинг кредит портфелининг умумий суммасининг чекланганлиги.
7. Кредитларни тармоқлар бўйича диверсификациялаш.

## **4 -боб. ФОИЗ РИСКИ ВА УНИ СУГУРТАЛАШ УСУЛЛАРИ**

### **4.1. Фоизли риск түгрисида тушунча ва унинг таркибий таҳлили**

**Таянч иборалар.** Фоиз ставка турлари, оддий ва мураккаб фоизлар, фоизли маржас, дисбаланс, соф активлар, фоиз рисклар таснифи, фоизли позиция, фоизли позиция турлари, реал фоиз ставкаси, наминал фоиз ставкаси, GEP тушунчаси.

Банк фаолиятида учрайдиган энг мураккаб рисклардан бири-фозли рискдир. Фозли риск банк фоизларини салбий ўзгариш натижасида фоизли маржани камайишидир. Фоизли маржа-бу фоизли даромадлар ва фоизли харажатлар орасидаги фарқ ҳисобланади.

Банк фоизли риски ҳам кредитор ҳам қарз оловчи сифатида хали дучор бўлади. Кредитор сифатида банк учун фоизли стаквкаларини ўсиши (ресурслар) бўйича банк амалга оширган операцияда оладиган фойдасини камайишига олиб келади.

Худди шундай ўзгариш, яъни жалб қилинган ресурслар бўйича фоиз ставкасини ўсиши банк учун бу маблағларнинг қимматлашувига олиб келади ва банк зарар кўради.

Фоизли рискни ўрганишда уни таркибий қисмларга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Базавий риск. Бу риск фоизни маржасини камайиши жараёнида пайдо бўлади. Одатда, бу ҳолат депозит учун тўланадиган фоиз

ставкани кредит учун оладиган фоиз ставкалари бир-бирига нисбатан ўзгарса пайдо бўлади.

2. Қайта баҳолаш риски. Бунинг асосий сабаби активлар ва пассивлар бўйича муддатларнинг бир-бирини тўғри келмаслиги.

Фоиз ставкаларининг ўзгариши узоқ келажагида айрим эфектларни олиб келиши миқдор ҳам ўзгаради. Асосий эфектлар турига қуидагилар киради.

1. Фойдалилиги ўзгариши. Бу ўзгаришни асосий эътибор бериладир, чунки бу иши асосий таъсири банкнинг молиявий кўрсаткичларида ўз аксини топади.

2. Банкнинг иқтисодий қийматининг ўзгариши. Банкнинг итисодий қиймати-бу баланс ва балансдан ташқари мажбуриятлари бўйича соф пул оқилларнинг жорий қиймати. Фоизли риск эса бевосита пул кутилаётган пул оқимлар қийматига яъни банкнинг иқтисодий қийматига таъсир этади.

Бошқа банк рисклари нисбатан фоизли риск жуда кам ўрганилади. Бунинг асосий сабаблари унинг жуда мураккаблиги. Фоизли риски ҳам ўлчаш, ҳам назорат қилиш учун иқтисодий математик модели солиш жуда қийин.

Охирги 20 йил давомида жаҳон иқтисодиётида фоиз ставкаларининг жуда юқори беқарорлиги кузатиляпти. Шунинг учун фоизли рискни назорат қилиш ва бошқариш банк фаолиятининг кредит риски билан бир қаторда энг муҳим вазифаларига киради.

Банк фоизини назорат қилишда ва бошқаришда банк актив ва пассивларини муддат бўйича солиштириш, фоизли позицияси тушунчасига эга бўлиш жуда муҳим. Фоизли позицияни миқдорий

жиҳатдан ўлчаш - уни ёки мутлақ кўрсаткичларда (пул суммаси) ёки нисбат кўрсаткичларда (капитал ёки активлар эса нисбатан) кўрсатиш мумкин.

Манбаи нуқтаи назардан фоизли позиция қўйидаги турларга бўлиниб ўрганилади.

1. Стратегик позиция. Бу ҳолат одатда банкнинг кредитлаш ва депозитларни жалб этиш жараёнида пайдо бўлади.

2. Тактик позиция. Бу ҳолат одатда банкнинг пул бозорида маблағларни жалб этиш ва жойлаштириш жараёнида пайдо бўлади.

3 Савдо позицияси. Бу ҳолат одатда банк чайқовчилик мақсадида пул бозорида юқори ликвидлик қисқа муддатли молиявий инструментлари билан жуда қисқа муддат ичида (бир неча соатлардан то 1-2 суткагача) операциялар ўтказиш натижасида пайдо бўлади. Бундай операциялар жуда юқори рискли бўлганлиги учун улар бўйича назорат жуда кучли бўлиши ва иш куни охирида улар бўйича позициялар эчилиши шарт.

Фоизли рискни миқдорий жиҳатдан баҳолаш учун қўйидаги формулаларни қўллаш мумкин.

$$D=S/(0)+[1+R(t_1)]*[1+F_1(t_2-t_1)k\ 0.a]*t/360-CF0*[1+R^1(t_1)][1+F_1(t_2-t_1)]*t/360$$

D-фоиз ставкани 0,1 га ўзгариши натижасида банкнинг иқтисодий натижаси (фойда, зарар) ўзгариши.

S/O-бошланғич пул оқимини миқдори;

$F_1 (t_2 - t_1) / (t_2 - t_1)$  муддат давомида активлар бўйича фоиз ставкасининг ўзгариши;

$R^1(t_1)$  -  $t_1$  муддатли активлар бўйича фоиз ставкасининг даражаси;

$t_1$  - операциянинг бошланиш санаси;

$t_2$  - операциянинг тугаш санаси.

Бу формулани балансга қилиб ҳам ифодалаш мумкин.

$$D = 0,01 * S / (0) * [1 + R_2(t_1)] * (t_2 - t_1) / 360$$

Демак фоизли риск банк фаолиятидаги энг муҳим ва мураккаб рисклардан биридир.

Шунинг учун фоиз ставкаларининг ўзгариши башорат этиш ва бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Фоизли ставкалар ўзгаришини башорат этишда қуйидаги тенденцияларга эътибор бериш зарур:

- пул массаси ўсиш суръатлари ўсганда фоиз ставкалар даражаси пасаяди;
- инфляция шароитида фоиз ставкалар ўсади.
- дарамодликни эгри чизиқнинг ўзгариши қисқа муддатли фоиз ставкаларининг ўсиши ёки пасайишидан далолат беради.

Фоизли ставкани таркиби ва фоизли риск формуласи «Фишер модели» деб аталади ва инфляцияни ўзгариш тенденцияларни аниқлашга имкон беради.

Бозор фоиз ставкаси = Реал фоиз ставкаси + Кутилаётган инфляция даражаси + Риск миқдори

Бундан ташқари кутилаётган даромадлик даражасини топиш учун «Шарп модели» ҳам қўлланилади.

$$i^o = i_b + (i^o_r - i_b) * B$$

$i_b$ -рисксиз фоиз ставка (LIROR-2-3 % йиллик)

$i^o_r$ -рисксиз ставка ва риск пермент тенг бўлган бозор даромадлик ставкаси (2-3 %)

B-бозор рискини ҳисобга олган коэффициент.

## **4.2. Фоиз рискини бошқариш муаммолари**

Фоиз рискларининг бошқарилиши актив ва пассивларни бошқарилишидан ташкил топади. Фоиз рискларни бошқаришнинг бир неча тамойиллари мавжуд. Булар қуйидагилар:

1. Банкнинг фоиз маржаси қанча юқори бўлса, фоиз риск даражаси шунча паст бўлади.

2. "Spred" тамойили. Бунда олинган активлар бўйича ўртacha тортилган ставка ва тўланган мажбуриятлар бўйича ўртacha тортилган ставка ўртасидаги фарқ таҳлил қилинади. Таҳлил учун маълумотлар одатда банкнинг статистик ҳисботидан олинади.

3. Банкнинг ўзгармас ва сузиб юрувчи фоиз ставкалари билан балансдан ташқари актив ва пассивларни таҳлил қилишдан иборат.

Фоиз рискларининг даражаси қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- активлар тузилишидаги ўзгариш, шу жумладан кредит ва инвестицияларнинг ҳажми, активларнинг қайд қилинган ва сузиб юрувчи ставкаларда, уларнинг бозордаги нархининг динамикаси;

- пассивлар тузилишидаги ўзгариш, яъни шахсий ва заём маблағларининг мутаносиблиги, муддатли ва жамгарма депозитлар;

- фоиз ставкаси динамикаси.

Фоиз рисклари даражасини бошқариш ва назорат қилиш учун банк фаолиятининг аниқ бир ҳолатига фоизли рискни асосий муаммоларидан бири-унга баҳо бериш ва бошқариш. Фоизли риск банк актив ва пассивларни фоиз ставкалари ўзгаришига мойиллигига ва банк портфелида актив ва пассивларни баланслашганлиги билан боғлиқ.

Фоиз рискини бошқариш усулларига қуидагилар киради:

- бозор фоиз ставкаси ўзгаришга қараб шартномада қўрсатилган кредит бўйича фоиз ставкасини ўзгариши;
- активлар ва пассивлар бўйича муддатлари келишуви ва фоиз ставкаларини ўрнатиш усуллари;
- актив ва пассивларни фоиз ставкани ўзгаришга мойилиги бўйича таснифлаш;
- актив ва пассивлар орасидаги оралиқни (GEP ни) баҳолаш.

Пассивлар бўйича мойиллик коэффициенти куидагича ҳисобланади:

Ўз маблағлари (соф)

$$K_{PChP} = \frac{\text{Биринчи талаб}}{\text{Муддатли}} + \frac{\text{Узоқ муддатли}}{\text{бўйича қайтариб} + \text{депозитлар} + \text{мажбуриятлар}}$$

бериладиган пассивлар

Фоиз рискининг ўзгариши фоиз ставкаси ўзгаришига мойил активлар ва пассивлар фоизидаги оралиқ қўрсаткичидан ҳам ҳисобланади;

$$GEPk = AChP - PChP;$$

бу ерда

GEP<sub>k</sub> - фоиз ставкаси ўзгаришига мойил актив ва пассивлар оралиғи;

AChPk - фоиз ставкаси ўзгаришига мойил активлар;

PChPk - фоиз ставкаси ўзгаришига мойил пассивлар.

GEP нинг нисбат күрсаткичи (%да):

$$GEP (\%) = \frac{AChP}{ChP} * 100\%$$

ChP

Фоиз рискини ўрганишда SPRED деган күрсаткич ҳам ҳисобланади.

$$SPRED = i_A - i_P;$$

бу ерда:

$i_A$  - даромад келтирувчи активлар бўйича фоиз ставкасининг ўртача даражаси;

$i_P$  - банк мажбуриятлари бўйича тўланган ўртача фоиз.

SPRED ни статистик усулда ҳисоблаш эса

$$\frac{\Delta AChP * i_a}{\Delta ChP}$$

$$SPRED = \frac{\Delta AChP * i_a}{\Delta ChP}$$

Фоиз рискини минималлаштириш учун банкнинг актив ва пассив операциялари бўйича фоизли сиёсат бир-бирига боғлик бўлиши зарур. Бу боғланишни қуидаги коэффициент ёрдамида ҳисоблаш мумкин.

Соф SPRED [кредит учун олинган фоизлар -Фоизли харажат

кредитнинг ўртача суммаси Депозитларнинг ўртача суммаси]

SPRED = Кўрсаткичининг тўлароқ коэффициенти қўйидагича ҳисобланади.

$$\text{SPRED} = \frac{\text{Фоизли даромад}}{\text{Даромад келтирувчи активлар}} - \frac{\text{Фоизли харажат}}{\text{Фоиз тўланадиган активлар}}$$

Бу кўрсаткичининг норматив даражаси 2,5-3,7%.

Демак моливий рисклар ичидаги энг муҳим ва мураккаб рисклардан бири бу фоизли риск.

Фоизли рискни бошқариш учун ҳар хил усуслар қўлланилади, лекин унинг мураккаб бўлганлиги учун уни тўлиқ назорат қилиш учун иқтисодий моделлни тузиш ва форматлаштириш анча меҳнат талаб этади.

Банк актив ва пассивларини бошқариш аввало қисқа муддатни кўзлайди ва банкнинг ҳар қунлик фаолияти билан боғлиқ. Актив ва пассивларни бошқаришдан асосий мақсади.

- даромадлиликни максималлаш;
- рискларни минималлаштириш.

Активлар ва пассивларни бошқариш молиявий рисклар билан бевосита боғлиқ. Ҳам актив ҳам пассив операциялари тегишли рисқливидлик риски. Актив операцияларда бу ликвид активларни сотиш, пассив операцияларда эса қисқа муддатда маблағларни манбасини топишидир.

### **4.3. Фоизли рискни сұғурталаш усуллари**

Банк фаолиятидаги асосий рисклардан бири - бу фоизли риски хисобланади. Фоизли рискни бошқаришда асосий усуллар-дисбаланс усули, GEP ва SPRED усуллари.

Банкнинг актив ва пассивларни бошқаришда асосий муаммо - бу фоизли рискни олдини олиш ёки уни камайтириш. Бунинг учун дисбаланс яъни соф қиймат усули қўлланилади.

Дисбаланс усулининг асосий мазмуни-фоизли ставкалар ўзгаришига мойил активлардан фоизли ставкалар ўзгаришига мойил пассивларни айириб ташлаймиз, яъни  $S+k = AChP - PChP$ ;

бу ерда:  $S+$ - соф қиймат

$AChP$  - фоизли ставкалар ўзгаришига мойил активлар:

$PChP$  - фоизлар ўзгаришига мойил пассивлар.

Масалан:

#### **4.1-жадвал**

#### **$AChP$ ва $PChP$ бўйича банк операциялари<sup>20</sup>**

<b><math>AChP</math> бўйича операциялари</b>	<b><math>PChP</math> бўйича операциялари</b>
Берилган кредитлар банк томонидан сотиб олинган кимматли қофозлар ва мажбуриятлар	Жалб этилган депозитлар кимматли қофозлар ва мажбуриятлар эмиссияси жалб этилган банклараро кредитлар
Берилган банклараро кредитлар	Сотилган хосилавий мажбуриятлар
Сотиб олинган хосилавий активлар	

Фоизли рискни бошқариш нуқтаи назардан уч хил ҳолат бўлиши мумкин.

1.  $AChP-PChP = 0$ , яъни муддати бўйича тенг ва фоизлар

<sup>20</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

ўзгаришига мойил пассивлар қиймати худди шундай активларга нисбатан кўпроқ.

## 2. AChP-PChP 0.

Бу ҳолатда муддати бўйича тенг ва фоизлар ўзгаришига мойил активлар шундай пассивларга нисбатан кўпроқ.

Бу ҳолатда фоиз ставкалар кўтарилиса фоизли даромад кўпаяди, аксинча фоиз ставкалари пасайса, фоизли даромад пасаяди.

## 3. AChP-PChPq0.

Бу ҳолатда активлар пассивларга тенг ва фоиз ставкаларининг ўзгариши фоизни даромади таъсир этмайди.

Дисбаланс кўрсаткичи бошқачасига GEP деб аталади. Ҳар бир ҳолатни қай натижалари олиб бориш учун яъни бир нечта кўрсаткичларни киритамиз.

## 4.2-жадвал

### Фоиз ставкалари ўсишидаги ҳолатлар<sup>21</sup>

Ҳолат параметрлари	Ҳолат характеристи
GEP=0 KACHP = KPCHP	ликвидлик риски
GEP=0 KACHP>UPCHP	Фойда ва ликвидлик риски
GEP=0 UACHP= KPCHP	Фоизли ва ликвидлик риски
GEP=0 KACHP> KPCHP	оптимал ҳолат
GEP=0 UACHP = UPCHP	ликвидлик риски
GEP >0 KACHP>UPCHP	фойданинг ўсиши
GEP >0 UACHP> KPCHP	ликвидлик риски
GEP >0 UACHP > UPCHP	оптимал ҳолат
GEP =0 KACHP + KPCHP	нейтрал ҳолат
GEP =0 KACHP + UPCHP	фойданинг ўсиши
GEP =0 UACHP + KPCHP	ликвидлик риски
GEP =0 UACHP + UPCHP	нейтрал ҳолат

KACHP- қисқа муддатли AChP;

UACHP- узоқ муддатли AChP;

<sup>21</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

KPChP- қисқа муддатли PChP;

UPChP- узок муддатли PChP;

Энди фоиз ставкалар ўсганда ва фоиз ставкалар пасайганда қандай ҳолат юз беради.

Демак фоизлар ўсишида GEP нинг ва актив ва пассивлар муддатига қараб, ҳар хил ҳолатлар ва риск турлари пайдо бўлади.

#### 4.3-жадвал

#### Фоиз ставкалари пасайишидаги ҳолатлар<sup>22</sup>

Ҳолат параметрлари	Ҳолат характеристи
ГЕР $\leq$ 0 KAChP $\leq$ KPChP	ликвидлик риски
ГЕР $\leq$ 0 KAChP $\leq$ UPChP	Фойда риски
ГЕР $\leq$ 0 UAChP $\leq$ KPChP	Фоизли риски
ГЕР $\leq$ 0 KAChP $\leq$ KPChP	оптимал ҳолат
ГЕР $>$ 0 KAChP $>$ UPChP	фойданинг расайиши
ГЕР $>$ 0 KAChP $>$ UPChP	Фоизли риски
ГЕР $>$ 0 UAChP $>$ UPChP	оптимал ҳолат
ГЕР $>$ 0 KAChP $>$ KPChP	нейтрал ҳолат
ГЕР $=$ 0 KAChP + KPChP	нейтрал ҳолат
ГЕР $=$ 0 KAChP + UPChP	фоизлиши
ГЕР $=$ 0 UAChP + KPChP	оптимал ҳолат
ГЕР $=$ 0 UAChP + UPChP	нейтрал ҳолат

Демак фоиз ставкалари пасайиши натижасида GEP ва актив ва пассивлар орасидаги нисбатан банк фаолиятида керакли қарорларни қабул қилиш ва рисклар олдини олиш яъни уларни пасайтириш йўлларини танлашга жалб этади.

Активлар ва пассивларни бошқаришда қўлланиладиган дисбаланс усули АТ банки маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.

<sup>22</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

#### 4.4-жадвал

#### Банк баланси мълумотлари (01.01.2017 йил)<sup>23</sup>

Жами актив ва пассивлар	30 кунгача	31 кунгача 90 кунгача	90 кунгача 360 кунгача	Ортиқ	жами
A	I	2	3	4	5
Активлар касса	100	-	-	-	100
қимматли қоғозлар	250	80	110	450	900
Кредитлар	1660	360	370	510	2900
Бино ва ускуналар	-	-	-	200	200
Жами активлар	2010	440	480	1170	4100
Пассивлар жорий депозитлар	900	-	-	-	900
Жамғарма депозитлар	100	-	-	-	100
Пул бозори депозитлари	700	-	-	-	700
Узок муддатли депозитлар	300	450	150	300	1200
қисқа муддатли заёмлар	400	-	-	-	400
Бошқа мажбурият	-	-	-	100	100
Капитал	-	-	-	700	700
Жами пассивлар	2400	450	150	1100	4100
Дисбаланс	-390	-10	к330	к70	0
Жамғарилган дисбаланс	-390	-400	-70	0	
<u>APCh *100%</u> <u>PChP</u>	89,8	97,7	320	106,4	

Биринчи ва иккинчи муддатлар бўйича фоиз ўзгаришига пассивлар мойил, учинчи ва тўртинчи муддатлар бўйича эса фоизни ўзгаришга активлар мойил.

Энди AChP бўйича олинадиган фоизлар 10 % ни, ўзгармас активлар бўйича фоизлар 11 %, PChP бўйича фоизлар 8 % ни, ўзгармас пассивлар бўйича фоизлар - 9 % га ўзгарса дисбаланс ва

<sup>23</sup> Муалиф томонидан тузилди.

банкнинг соф фоизли маржаси орасида қандай боғланиш мавжуд.

#### 4.5-жадвал

#### Дисбаланс ва соф фоизли маржа орасидаги боғланиш<sup>24</sup>

A	1	2	3	4
Умумий фоизли даромад	430,9	446,6	446,2	439,7
Умумий фоизли харажат	345,0	364,5	367,5	358,0
Соф фоизли даромад	86,0	82,1	78,7	81,3

Энди фоиз ўзгаришга мойил активлар бўйича фоиз ставкалари 2 %, фоиз ўзгаришига мойил пассивлар бўйича эса фоиз ставкалари ҳам 2% га ўсган бўлса, яъни 12 % ва 10 %, у ҳолатда банкнинг фоизли даромади қайси томонга ўзгаради.

#### 4.6-жадвал

#### Фоизлар ўсиши натижасида дисбаланс ва фоизли даромадлар ўртасидаги боғланиш<sup>25</sup>

A	1	2	3	4
Дисбаланс	-390	-10	к330	к70
Умумий фоизли даромад	471,1	455,4	455,8	462,7
Умумий фоизли харажат	393,0	373,5	370,5	380,0
Соф фоизли даромад	78,1	81,9	85,3	82,7
Даромад пасаяди	фоиз ставкаси ўсса	фоиз ставкаси ўсса	фоиз ставкаси пасайса	фоиз ставкаси пасайса

Демак дисбаланснинг ишораси ва фоиз ставкалари орасида қўйидаги боғланиш мавжуд. Дисбаланс, яъни  $GEP < 0$ , фоиз ставкалари ошса банкнинг фоизли даромад пасаяди; аксинча  $GEP > 0$ , фоиз ставкаларининг ўсиши банкнинг фоизли даромадини ўсишига

<sup>24</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

<sup>25</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

олиб келади.

Яъни актив ва пассивларни бошқаришда уларни муддати бўйича оралигини ўзгартириб фоизли рискни олдини олиш мумкин.

Бунинг учун банк қуидаги принципларга амал қилиши лозим.

- доимий мониторнинг, рискларни баҳолаш ва назорат этиш, ишончи маълумот тизимиға эга бўлиш;
- ўз вақтида (ҳар куни) банк раҳбариятини бозордаги аҳволдан ҳабардор этиш.
- ҳисоботларни доимий назорат этиш.

### **Назорат учун саволлар**

1. Фоизли риск тушунчаси ва уни ҳозирги аҳамияти.
2. Фоизли даромадлар турлари ва уларнинг таснифи.
3. Фоизли харажатлар турлари ва уларнинг таснифи.
4. Фоизли рискни таҳлил этиш босқичлари.
5. Фоизли рискни бошқариш муаммолари.
6. Фоизли рискига бошқариш усуллари.
7. Фоизли рискни баҳолашда кулланиладиган кўрсаткичлар.
8. Дисбаланс тушунчаси
9. Соф активлар тушунчаси
10. Фоизли йил тушунчаси ва уни қўллаш шароитлари.

## **5- боб. ВАЛЮТА РИСКИ ВА УНИ СҮГУРТАЛАШ УСУЛЛАРИ**

### **5.1. Валюта операциялари турлари ва улардаги рисклар**

*Таянч иборалар. Валюта катеровлари, валюта маржаси, валюта позицияси, химоя келишиувлари, форвард курси, форвард операциялари, фьючерс битимлари, опцион битимлари, SWOP операциялари, PUT опцион, CALL опционлари.*

Тижорат банкларининг кредит-депозит валюта операциялари – бу эркин пул маблағларини жойлаштириш, шунингдек турли муддатларда муайян фоиз асосида хорижий валюталарда етишмайдиган маблағларни жалб қилиш бўйича қисқа муддатли (1 кундан 1 йилгача) операцияларнинг йифиндисидир. Мазкур операциялар банклар ва компанияларнинг қисқа муддали ликвидлигини таъминлайди ва даромад олиш мақсадига хизмат қиласди.

Инглиз тилида бундай операциялар бир атама билан пул бозори операциялари (Money Market Operations, ёки қисқача MM) деб номланади.

Халқаро атамашунослик бўйича пул бозорларининг капитал бозоридан фарқи шундаки, пул бозоридаги операциялар 1 йилгача бўлган муддатда амалга оширилади, капиталлар ҳаракати эса 1 йилдан ортиқ муддатга эгадир (Россияда 180 кундан ортиқ).

Хозирги кунда дунёда ягона халқаро пул бозори фаолият юритади, у ерда асосий конвертиранадиган валюталар – АҚШ доллари, Евро, фунт стерлинг, япон иенаси, Швейцария франки ва б.

валюталар савдоси амалга оширилади. Бироқ халқаро пул бозорларидағи 90 % кредит операциялари асосий валюта АҚШ долларыда үтказилади.

Ислоҳотларнинг жадаллашуви ва Ўзбекистон иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг яхшиланиб бориши муносабати билан ғарб банклари ишонч қозонган банкларга валюта депозитларни тобора жадал суръатларда жойлаштирумокдалар.

Пул бозорининг депозитлари кўп ҳолларда 12 ойга (1 йилга) жойлаштирилади. Депозитларни жойлаштиришнинг асосий муддатлари келтирилган. Бунда ҳафтага каррали муддатлар учун депозитнинг тугаш санасини аниқлашда тугаш санаси валюталаш санасидан кейинги аниқ ҳафталар сонига сурилади, яъни айнан ўша ҳафта кунига тўғри келади. Ойга каррали муддатлар учун депозитнинг тугаш санаси моҳияти жиҳатидан валюталаш санасига тўғри келади (масалан, валюталаш санаси 6 сентябрь бўлган бир ойлик депозитнинг тугаш санаси 6 октябрга тўғри келади). Амалиётда депозит муддатини спот санасидан ҳисоблаш қабул қилинган, бироқ баъзида «эртага» (from tomorrow), ёки ҳаттоқи «буғун» (from today) валюталаш санаси шарти асосида жойлаштириладиган депозитлар ҳам учрайди, масалан: эртадан бир ҳафталик депозит «tom-week» (t/w).

Форвард шартномалари бўйича стандарт ҳисоб-китоб саналари 1, 2, 3, 6, 9, 12 ой ҳисобланади. Кўпчилик фонд ва валюта бозорларида келгусидаги контрактлар 30, 60, 120 ва шу каби кунларга, ҳамма вақт кейинги форвард санасигача 30 кун қўшилиши билан, тўғри келади, яъни календар ой тизими қабул қилинган. Аммо, шартномадаги

иккала тарафнинг манфаатдорлиги ҳолатида шартномаларни тузилиши турли бошқа муддатларда ҳам амалга ошиши мумкин.

Шундай қилиб, турли мамлакатлар ўртасида шартномалар амалга оширилганда, ой оҳиридаги спот санаси форвард ойларининг кунларида бир қанча англашмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Шундай қилиб жаҳон валюта бозорида амалга ошадиган операцияларни барчасини 100 % деб олсак, уларнинг 70 % дан зиёди спот номли операцияларга тўғри келади.

Спот операциялари бу бир зумда амалга ошадиган валюта операцияси бўлиб, сотувчи сотган валютасини сотиб олувчига 2 банк иш куни давомида, шартнома тузилган кун курси бўйича, етказиши лозим. Замонавий шароитда, мазкур валюта операцияларини амалга ошиши ва валютани етказилиши 2 банк иш кунини талаб этмайди.

Валюта позицияси – дилерни талаб ва мажбуриятларини нисбатидир. У икки қисмдан иборат, яъни –узун” ва –қисқа” позициядан.

–Узун” позицияда – диллерни талаблари акс этади. Талаблар эса, дилер томонидан валюта сотиб олинганда хосил бўлади.

–Қисқа” позицияда – дилерни мажбуриятлари акс этади. Мажбуриятлар эса, дилер томонидан валюта сотилганда хосил бўлади.

Агар, дилер талаблари мажбуриятларидан кўп бўлса, унда валюта позицияси –узун” позиция бўйича очиқ ҳисобланади. Агар, диллернинг мажбуриятлари талабларидан кўп бўлса, унда валюта позицияси –қисқа” позиция бўйича очиқ ҳисобланади. Дилерни

талаб ва мажбуриятлари ўзаро тенг бўлса, унда валюта позицияси ёпик ҳисобланади.

Муддатли валюта операциялари деб, валюталарни келгусида етказиб бериш ва улар бўйича ҳисоб-китоб қилиш шарти билан, шартнома тузиш куни курси асосида, сотиб олиш ёки сотиш тушунилади. Улар одатда, валюта курси ўзгаришидан сугурта қилишда ёки чайқов фойдасини олишда ишлатилади.

Банклараро муддатли валюта операциялари «форвард» операциялари деб аталади. Форвард операциялари – биржадан ташқари муддатли валюта операциялари бўлиб, келишув асосида, телефон ёки телекс орқали банклар ва савдо-саноат компаниялари томонидан амалга оширилади. 1984-йилдан бошлаб кредит (молия) инструментлари билан операциялар – яъни –желгусида етказиб бериш тўғрисида келишув” (forward rate agreements), ўтказиш амалиёти қўлланилади. Улар, бир йилгача депозитлар бўйича фоизлар ўзгариши оқибатидаги кўрилган заарларни ўзаро қоплаш бўйича банклараро муддатли келишувлардан иборат бўлиб, одатда 1 млн.-50 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги суммаларга тузилади.

Муддатли операцияларга форвард, фючерс ва опцион шартномалари киради.

Муддатли операцияларни амалга оширишни ижобий томонларидан бири шундаки, улар манёвр учун катта имконият беради, айниқса форвард операцияси ўзига хос (spetsifik) актив ва пассивларга қарши қаратилмаган бўлса, спот операциялари зудлик билан амалга оширилиши ёки қолдирилиши лозим, оддий форвард контрактлари эса назоратни амалга ошириш ва корректировкаларни

қилиш учун вақт қолдирадилар.

Мукофот ёки дисконт қуйидаги формула асосида ҳисобланиси мүмкін:

$$\text{P/D} = \frac{(\text{SPDv} \times \text{KS} - \text{SPDa} \times \text{PKF}) \times \text{SR}}{100\% \times 360} \quad (1)$$

бу ерда:

P/D – мукофот ёки дисконт;

SPDv – –в” валютасидаги депозит бўйича фоиз ставкаси, –в”-котировка қилаётган валюта;

SPDa – –а” валютасидаги депозит бўйича фоиз ставкаси, –а”-котировка қилинаётган валюта;

KS – спот курс;

PKF – тахминий форвард курси, у қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\text{PKF} = \frac{(\text{SPDv} - \text{SPDa}) \times \text{KS} \times \text{SR}}{100\% \times 360}, \quad (2)$$

бу ерда

SP – форвард шартномасининг муддати.

Валютани форвардли курси - бу, валютани келгусида маълум санада етказиб бериш шарти билан, сотиб олиниши (сотилиши) мүмкін бўлган курси.

Экспортчи ва импортчилар ўз миллий валютасида шартнома тузишга ҳаракат қиласидилар, чунки бунда улар валюта курси ўзгариши рискидан ҳимояланган бўладилар. Агар, валюта шартномасини

иштирокчиси хорижий валютани ишлатишга мажбур бўлиб қолса, у албатта ушбу валюта курсини динамикасини ҳисобга олади. Бунда, импортчи учун курси пасайиш тенденциясига эга валютадан, экспортчи учун эса курси кўтарилиш тенденцияга эга валютадан фойдаланиш қулай.

Валюта курслари динамикаси ва муддатли шартномадаги мувакқат фарқни тўғри прогнози валюта операцияларидаги тарафларга курс фойдасини олиш имконини беради.

Халқаро савдо форвард ёки муддатли валюта шартномалардан фойдаланишни зарур қилиб қўяди, чунки улар валюта рискларидан химояланиш имконини берадилар. Субъектлар ташки савдо контрактлари билан биргаликда валюта олди-соттиси бўйича шартнома ҳам тузадилар.

Шу билан биргаликда, хорижий валюталар билан муддатли шартномаларни зарурлиги турли молиявий операцияларни хеджинглаш билан ҳам асосланади:

- пул бозорларидаги депозитларга пул қўйиш; қимматли қофозларга инвестициялар; хорижда филиалларга тақдим этилган заёмлар; хорижий валютада амалга оширилган тўғрида-тўғри инвестициялар ва бошқа шу кабилар. Булар валюта активлари ҳисобланиб, таалуқли валюталарни муддатга сотиш йўли орқали хеджингланиши керак;

- хорижда, хорижий валютада, капиталлар бозорида олинган заёмлар. Булар хорижий валютадаги пассивларни ташкил этади ва бу ҳолатда валюта рискини суғурта қилиш таалуқли валюталарни муддатга сотиб олиш орқали амалга оширилади.

Муддатли валюта операциялари конверсион, сугурта ва чайқов турларига, шартли равища, бўлиниши мумкин. Келтирилган операцияни хар бир турида чайқов элементи мавжуд.

Контракт тузилаётган пайтда, хорижий ва миллий валюталарни, тўлов валютасини валюта курсини эҳтимолли ўзгариши ҳисобга олинади. Бошқача қилиб айтганда, валюта рисклари ҳисобга олинади.

Агарда тўлов валютасининг курси кўтарилса, экспортчи учун хорижий валютада тўлов муддати кечикирилган счётни бериш манфаатли бўлади. Чунки тушумни миллий валютага конверсия қилишда курс нихоятда қулай бўлади.

Агарда экспортчи товарни тўлови кечикирилган ҳолда сотиб, тўлов валютаси курсини пасайишидан хавотирда бўлса, у қўрилиши эҳтимолли бўлган зарарни хорижий валюта билан муддатли шартнома тузиш орқали суғурта қиласи. Бу ҳолда экспортчи хорижий валютани форвард шартлари асосида, импортчидан тушумни олиш муддатига етказиб бериш шарти билан сотади. Бунда, хорижий валютани миллий валютага конверсияси, валюта шартномасини тузиш кунига, форвард курси асосида амалга ошади.

## **5.2. Валюта рискларини таснифлаш ва ўлчаш услублари**

Рисклар қаторига кирувчи валюта риски ёки курс ўзгариши натижасида пайдо бўладиган риск. Ўз навбатида банк операцияларининг халқоролашуви билан боғлиқ. Бу риск банклар билан бир қаторда чет эл валютасида шартномаларни амалга ошираётган иқтисодий субъектларининг барчасига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. 1970- йиллардан кейин қатъий валюта курсининг

бекор килиниши ва унинг ўрнига сузуб юрувчи курс ўрнатилгандан бошлаб валюта рискини бошқариш бўйича ҳаракатлар бошланган.

Валюта риски ўз навбатида иккига бўлиниади:

1. Тижорий - қарздор ўз мажбуриятлари бўйича тўловни амалга ошира олмаслиги билан боғлиқ рисклар.
2. Конверсион - аниқ операциялар бўйича олинадиган валюта зарарлари риски.

Бу рискни олдини олиш бўйича қўлланиладиган энг кўп тарқалган усул бу –жеджерлаш” ва –евол” операцияларидир.

Хеджерлаш - ҳар қандай валюта рискига эга бўлган шартномаларни компенсация қилувчи валюта позицияси яратишга қаратилган.

Валюта свопини параллел кредитлашга ўхшатиш мумкин, бунда икки мамлакат ҳудудида жойлашган икки банк ўз мамлакатлари валютасида teng ҳисобларда кредит беради.

Халқаро операцияларни амалга ошираётган банклар валюта рискини бошқариш бўйича уларни диверсификациялашдан фойдаланадилар ва бу мақсадда форвард, фючерс, валюта опционлари каби операциялардан фойдаланадилар.

Умуман олганда банк фаолиятидаги рискларни камайтириш мақсадида рискни диверсификация қилиш мақсадга мувофик ҳисобланади. Диверсификация ҳар хил кўринишида бўлиши мумкин:

- жами кредит хажмини ўзгартирган ҳолда берилаётган кредитлар суммасини майдалаштириш орқали кўпроқ мижозларга бериш.
- катта хажмдаги кредитларни бир нечта банк ўз ичида

тақсимлаган ҳолда бериш. Чет эл банклари амалиётида “еиндикатлаш” дейилади. Кўпинча йирик проектларни кредитлашда жами рисклар бир неча банк ўртасида тарқатилади:


- жамғармаларни майдалаштирган ҳолда кўпроқ мижозлардан жалб қилиш ва банкга тегишли қимматбаҳо қофозларни кичик суммаларда сотиш.
- берилган кредитлар бўйича етарли даражада таъминот олиш.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар банкларнинг рискларни бошқариш ва уларни режалаштириш учун доимий ишлар олиб боришига мажбур этади.

Банк рискларини бошқариш жараёнининг вазифаларини белгиловчи 4 асосий босқични ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Валюта рискларини таҳлил қилиш ва баҳолаш. Банк ахборот манбаларидан рискларни ва улар ўртасидаги боғлиқликларни ўрганиб чиқиши ҳамда уларни назорат қилинадиган ва бошқариладиган рискларга ажратиши керак.
2. Валюта рискини миқдорини аниқлаш. Рискнинг миқдорий қўрсаткичини аниқлаш эҳтимолий йўқотишлар миқдорини аниқлашга ва актив бошқариш инструментлари воситасида риск даражасини шакллантиришга имконият яратади.
3. Валюта рискларини бошқариш. Бошқариладиган рисклар ва уларнинг миқдори аниқланганидан кейин рискларини бошқариш методологияси ва стратегияси ишлаб чиқилиши зарур. Рискларни бошқариш уларни вужудга келишининг олдини олишга қаратилгани каби, рискларнинг банк ликвидлилиги ва рентабеллигига салбий таъсирига йўл қўйилмаслигига йўналтирилган бўлиши мумкин.

4. Валюта рискларини самарали бошқариш устидан назорат. Рискларни бошқариш бўйича тадбирлар натижалари назорат остида бўлиши лозим. Ушбу назорат вужудга келган риск миқдорининг режалаштирилган кўрсаткичлардан четланишини аниқлашга қаратилган бўлади. Таҳлил қилиш учун банк фаолиятининг натижаларини белгиловчи, риск таркиби, рискларнинг вужудга келиши билан боғлиқ заарлар каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.



## 5.1-чизма. Рисклар таснифланиши<sup>26</sup>

<sup>26</sup>М.Мўминова –Банк операцияларини сұғарталаш” фани бўйича ўқув-услубий мажмua. Маъруза машғулоти учун. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2019 йил, 254 бет.

Банк рискларини бошқариш жараөнининг вазифаларини белгиловчи 4 асосий босқични ажратиб кўрсатиш мумкин:

5. Валюта рискларини таҳлил қилиш ва баҳолаш. Банк ахборот манбаларидан рискларни ва улар ўртасидаги боғлиқликларни ўрганиб чиқиши ҳамда уларни назорат қилинадиган ва бошқариладиган рискларга ажратиши керак.

6. Валюта рискини миқдорини аниқлаш. Рискнинг миқдорий кўрсаткичини аниқлаш эҳтимолий йўқотишлар миқдорини аниқлашга ва актив бошқариш инструментлари воситасида риск даражасини шакллантиришга имконият яратади.

7. Валюта рискларини бошқариш. Бошқариладиган рисклар ва уларнинг миқдори аниқланганидан кейин рискларини бошқариш методологияси ва стратегияси ишлаб чиқилиши зарур. Рискларни бошқариш уларни вужудга келишининг олдини олишга қаратилгани каби, рискларнинг банк ликвидлилиги ва рентабеллигига салбий таъсирига йўл қўйилмаслигига йўналтирилган бўлиши мумкин.

8. Валюта рискларини самарали бошқариш устидан назорат. Рискларни бошқариш бўйича тадбирлар натижалари назорат остида бўлиши лозим. Ушбу назорат вужудга келган риск миқдорининг режалаштирилган кўрсаткичлардан четланишини аниқлашга қаратилган бўлади. Таҳлил қилиш учун банк фаолиятининг натижаларини белгиловчи, риск таркиби, рискларнинг вужудга келиши билан боғлиқ заарлар каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Банклар томонидан кредит ва валюта бериш жараёнида вужудга келадиган рискларни бошқариш ва уларнинг олдини олиш мақсадида лимит тизими ишлаб чиқилиши керак, бу лимит банкнинг ҳар бир

бўлинмасига бир мижоз учун ажратиладиган кредит ва валюта лимити, йирик кредитлар учун лимит, кредит муддати бўйича лимит, барча ажратиладиган кредитларнинг максимал миқдори бўйича лимитлар сифатида белгиланиши керак. Бундан ташқари рискини диверсификациясини ҳисобга олган ҳолда ҳам лимитлар белгиланиши зарур.

Валюта рискларини бошқариш инструментлари банклар томонидан рискларини келиб чиқиши ва улар билан боғлиқ салбий холларнинг олдини олиш мақсадида алоҳида операциялар миқёсида ишлатилиши билан бирга банк активлари портфели миқёсида ҳам ишлатилади.

### **5.3. Валюта рискини суғурталашнинг асосий усуллари**

Ташқи иқтисодий шартнома иштирокчилари учун валюта таваккалчилиги пайдо бўлишини қўйидаги шартларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- очик валюта позициясини мавжудлиги;
- шартнома валютаси сифатида хорижий валютадан фойдаланиш;
- шартнома тузилиши ва у бўйича ҳисоб-китоб орасида вақт узилиш даврини мавжудлиги.

Валюта курслари мувозанатсизлиги қанчалик юқори бўлса, валюта таваккалчилиги шунчалик юқори бўлади. Ҳозиргача, биз валюта таваккалчилиги тушунчасини фақат бир операцияга нисбатан кўриб чиқсан эдик. Агарда, ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчилари бўлмиш тарафлар хорижий валютада ифодаланган

мажбуриятлар ва талабларга эга бўлиб, кўп турдаги операцияларни амалга оширса унда улар барча операциялар бўйича валюта хатарига учрамайдилар, балки фақат очиқ валюта позицияси бўйича.

Очиқ валюта позицияси валюта таваккалчилиги билан боғлиқ бўлиб, банкларни (фирмаларни) қўшимча даромад олиш ёки ортиқча харажат қилишга олиб боради (хатто банкротликга). Шу сабабли, қўпгина мамлакатларда давлат молия органлари очиқ валюта позициялари миқдорларини чегаралайдилар. Масалан, 1974 йилда «Херштадт» банкнинг банкротлигидан сўнг Германияда очиқ валюта позицияси бўйича лимит банк балансининг 30 фоизидан 20 фоизигача пасайтирилган эди (Ўзбекистонда очиқ валюта позицияси бўйича чегаралар алоҳида валюталар бўйича 5,5 фоиз, бир нечта валюталар бўйича эса 20 фоиз).

Одатда, валюта таваккалчилиги муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ фирманинг иши очиқ валюта позицияси миқдорини аниқлашдан бошланади, яъни валюта хатарига тортиладиган хорижий валютадаги суммалар. Очиқ валюта позицияларини ҳосил бўлишини мисолда кўриб чиқамиз. Бу ерда шуни ҳисобга олиш керакли, хорижий валюта сотиб олинганда валюта позициясини узун позицияси кўпаяди ёки шу валютадаги қисқа валюта позицияси камаяди (талаблар ошади ёки мажбуриятларни бир қисми бажарилади), хорижий валюта сотилганда тескариси бўлади, яъни қисқа валюта позицияси кўпаяди икки узун позиция камаяди.

Шундай қилиб, юқорида кўриб чиқилган валюта хатарини пайдо бўлиш шароитларига (шартномаларда хорижий валютани ишлатилиши, шартнома тузилиши ва ижро этилиши орасида вақт

узилишини мавжудлиги) яна бир шароитни, яъни очиқ валюта позициясини мавжудлигини қўшса бўлади.

Юқорида кўриб чиқилган валюта хавф-хатарларини пайдо бўлиш шароитлари, биринчи навбатда, ташқи савдо ва кредит шартномалари билан боғлиқ муайян операцияларга алоқадордир. Улар эса, ўз навбатида ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларини валютада зарар кўришига олиб келиши мумкин. Бундай валюта хавф-хатарларини 1-турдаги валюта хавф-хатарларига, яъни нақд валютада йўқотишлиар таваккалчилигига киритиш мумкин.

Валюта хавф-хатарларини иккинчи тури – бу, бевосита ташқи иқтисодий алоқалар билан боғлиқ бўлмаган, балки баланс актив ва пассив моддаларини қайта баҳолашда пайдо бўладиган ва хорижий валютада ифодаланган хатарлардир (шу жумладан хорижий валютадаги авуарларни ва хорижий филиалларни миллий валютадаги фойдасини қайта баҳоланиши).

Валюта таваккалчилигини икинчи тури ўзининг маъзмуни ва шакли жиҳатидан биринчи туридан тубдан фарқ қиласи. У, ишлатилмаган фойда ёки заардан иборатдир. Фойда ёки зарар олиниши мумкин, агарда, маблағлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган аниқ ташқи савдо ёки кредит шартномаси амалга ошса: валюта авуарлари ишлатилиши, корхонани тугатилиши ва унинг активларини сўнги тақсимланиши, қарзни қопланиши, хорижий филиал фойдасини ўтказилиши ва шу кабилар. Бироқ, бу валюта таваккалчилиги ҳолатлари реал валюта йўқотишиларга олиб келиши мумкин ва улар ўз маъзмуни жиҳатидан 1-чи тоифа таваккалчиликлари қаторига кириб кетади.

Валюта хавф-хатарини сұғурта қилиш масаласида 2-та стратегия мавжуд: чайқов ва бой берилған манфаат хавф-хатари.

Валюта таваккалчилиги сұғуртаси деганда уни бартараф этиш билан боғлиқ чоралар тушунилади. Бундай чораларга, ташқи иқтисодий операциялар натижаларини, хорижий валюталар курсини ўзгаришидан боғлиқлигини йўқотишига қаратилған чоралар киради.

Икки бошқарув ечимидан бирини танлаш оқибатида нисбатан гумон иқтисодий натижалар олиш имконияти (валюта таваккалчилигини сұғурта қилиш ёки сұғурта қилмаслик) бошқа эҳтимоли бор ечимга нисбатан бой берилған манфаат хавф-хатари номини олган. Бу ерда гап шу ҳақида кетяптиki, курснинг ўзгариши корхона учун ёқимли бўлиб чиқиши мумкин, аммо контрактни валюта хавф-хатарларидан сұғурта қилған ҳолда, корхона ёқимли шароит натижасида пайдо бўлған фойдани йўқотиши мумкин.

Бир қатор фирмалар, валюта мувозанатсизлигини замонавий халқаро савдо муаммоларидан бири деб ҳисоблаб, ҳеч қачон валюта хавф-хатарларини сұғурта қилмайдилар. Оқибатда, бундай фирмалар катта зарарлар кўрган ҳолда, уларни сони хозирги кунда анча камайган.

Бошқа корхоналар эса, барча очиқ позицияларини, валюта курслари прогнозларини ҳисобга олмай, қоплайдилар. Бундай сиёсат албатта яхши оқибатларга олиб келмайди.

Бой берилған манфаатлар хавф-хатарини мавжудлиги ва юқорида айтиб ўтилған икки стратегияни имтиёзли томонларини ҳисобга олган ҳолда уларни бирлаштириш, кўпгина банк ва савдо-саноат компаниялари, ташқи иқтисодий операцияларни самарадорлигини

ошириш мақсадида очиқ валюта позицияларини атайлаб ушаган ҳолда, валюта хатарини 100 фоиз суғурта қилишдан ўзини ушашга олиб келди. Компания томонидан очиқ валюта позицияси ҳисобига фойда олиш мақсадида валюта таваккалчилигини суғурта қилишдан атайлаб воз кечилиши валюта чайқови деб аталади.

Валюта таваккалчилиги ва бой берилган манфаатлар хавф-хатари орасида аҳамиятли фарқлар мавжуд. Бой берилган манфаатлар хавф-хатари реал заарларга олиб келмайди. Чунки, ташқи иқтисодий муносабат иштирокчиси валюта рискини суғурта қилган ҳолда, ўзига маълум бир меъерда фойда олишни кафолатлайди. Аксинча, валюта таваккалчилиги эса, айниқса нақдли заарлар қисмида, реал заарларга, хаттоки банклар ва савдо-саноат компанияларни банкротлигига олиб келиши мумкин.

Валюта чайқови бўйича реал заарларни пайдо бўлиши, ташқи иқтисодий муносабатлар иштирокчисининг ҳар бир валюта операциясига баланснинг бошқа тарафида операцияларни қарама қарши туриши билан изоҳланади. Масалан, экспорт шартномаларидан ва берилган кредитлардан келадиган тушумлар ҳажмини режалаштирилган натижаларга нисбатан камайиши, олинган сумма жорий харажатларни ёки жалб қилинган банк маблағлари қийматини қопламаслигига олиб келиши мумкин. Ёмон валюта чайқови мисоли сифатида 1974 йилдаги «Херштадт» номли немис банкини, 1978 йилдаги «Day iti Kange» номли Япон банкини (жами 36,5 млрд. УСД ҳажмида) банкротлигини мисол сифатида келтириш мумкин. Валюта таваккалчилигини суғуртаси ва суғуртасиз шакли билан иқтисодий операцияларни самарадорлиги

операцияларни амалга ошириш даврида валюта курсларини ўзгаришига боғлиқ.

Шартнома иштирокчисининг бошқарув қарорини самарадорлиги – валюта таваккалчилигини суғурта қилиш ёки суғурта қилмаслик – шартнома тузилиши ва уни ижро этилиши даври орасида валюта курсларини истиқбол ҳаракатларини у томондан олдиндан тўғри баҳоланишига боғлиқ. Демак, валюта курслари ўзгаришини башорат қилиш, валюта таваккалчилигини суғурта қилиш ва валюта чайқови орасидаги танловни зарурий шартидир.

Валюта курсларини башорат қилиш деганда, махсус илмий тадқиқот услублари ёрдамида курсларни келгусидаги ўзгариши ҳақида информация олиш тушунилади.

Амалиётга валюталарни эркин сузадиган курслари тизимини кириб келиши билан, уларни тебраниши масштабли, олдиндан билиб бўлмайдиган ва муентазам равишда тебранадиган бўлди. Бу эса, ўз навбатида валюта таваккалчилигини кучайтириб, иштирокчиларга валюта хатари ва валюта чайқови орасида танлашни қийинлаштириб юборди.

Прогноз қилиш маъзмуни ўзгарди: ёрдамчи воситадан профессионал фаолиятни мустақил соҳасига айланди. Прогнозлар, келгусида очиқ валюта позициясини ўзгариш диапазонини аниқлаш мақсадида ишлатилади. Минимум ва максимум кўрсаткичлари, суғурталаш ҳаражатлари билан таққосланадиган эҳтимолли валюта йўқотишларни ҳисоблаш учун ишлатилади (тўла суғурта қилиш, суғурта қилишдан бош тортиш, қисман суғурта қилиш). Агар потенциал валюта йўқотишларни микдори қопланиш бўйича

харажатлар суммасидан катта бўлса, тўла очиқ валюта позициясини ёки унинг бир қисмини суғурталаш тавсия этилади.

Қопланиш қиймати даромадларга ёки заарларга курсни таъсир эҳтимолидан юқори бўлса, фирма суғурта қилмаслиги керак.

Бази мамлакатларда, банкларнинг узун ва қисқа валюта позицияларини миқдори валюта қонунчилиги билан тартибга солинади. Валюта чекланишлари валюта сиёсатининг шаклларидан бири сифатида муентазам равишда ишлатилади. Валюта чекланишлари – бу, резидент ва норезидентларнинг валюта ва бошқа валюта қимматликлари билан операцияларини қонунчилик ёки маъмурий жиҳатдан тақиқлаш, лимитлаш ва чеклашдир.<sup>27</sup> Валюта чекланишлари, резидент ва норезидентлар валюта операцияларини текшириш орқали валюта қонунчилигига риоя этилишини таъминлайдиган валюта назоратининг таркибий қисмидир. Валюта чекланишлари мавжудлигига валюта назорати жараёнида лицензия ва рухсатномаларнинг бор-йўқлиги, резидентлар томонидан миллий валюта бозорида хорижий валюталарни сотилиши билан боғлиқ талабларнинг бажарилиши, хорижий валютадаги тўловларни асосланганлиги, валюта операциялари бўйича ҳисобни юритиш ва ҳисботнинг сифати текширилади. Валюта чекланишлари мавжудлигига валюта назорати функциялари одатда Марказий банкга юклатилади, айрим давлатларда эса бунинг учун маҳсус органлар ташкил этилади.

Валюта сиёсатининг турли-туманлиги сифатидаги валюта чекланишлари қуйидаги мақсадларни кўзлайди: 1) тўлов балансини

---

<sup>27</sup> Красавина Л.Н. «Международные валютно-кредитные и финансовые отношения» Москва «ФиС» 2004г.

бирхиллаштириш; 2) валюта курсини куллаб қувватлаш; 3) жорий стратегик вазифаларни бажариш учун давлат қўлида валюта қимматликларини тўплануви.

Етакчи мамлакатлар бошқа давлатларга тазийқ ўтказиш мақсадида валюта блокадасидан фойдаланадилар. Валюта блокадаси – бу, бошқа давлатга нисбатан бир ёки бир нечта мамлакатларнинг бир томонлама валюта чекловлари шаклидаги иқтисодий жазо чораларидир. Ушбу биртомонлама чекловлар, давлатни валюта-иқтисодий мавқеига путур етказиш ва маълум бир талабларни бажаришга мажбур қилиш мақсадида, унга ўз валюта қимматликларидан фойдаланишга тўсқинлик қиласди. Валюта блокадасининг моҳияти хорижий банкларда сақланаётган ушбу давлат валюта қимматликларини музлатиб қўйиш ва камситувчи валюта чекловлари қўлланилишидан иборатdir.

Валюта чекловлари қўйидагиларни назарда тутади:

- 1) халқаро пул тўловлари ва капитал ўтказмаларини мувофиқлаштириш, экспорт тушуми, фойда, олтин ҳаракати, пул белгилари ва қимматли қофозлар репатриацияси;
- 2) хорижий валюта эркин олди-сотисини тақиқлаш;
- 3) хорижий валюта ва бошқа валюта қимматликларини давлат қўлида тўплануви. Шу жумладан, тўлов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитивлар ва бошқалар), номинали хорижий валютада кўрсатилган қимматли қофозлар, қимматбаҳо металлар.

Пассив тўлов балансида олиб чиқишини ва капитал –жочиб кетишини” чекловчи ҳамда валюта курсини қўллаб-қувватлаш мақсадида капитални оқиб келишини рағбатлантирувчи қўйидаги

чоралар кўлланилади:

- миллий ва хорижий валюта, олтин, қимматли қоғозлар олиб чиқилиши ҳамда кредитлар берилишини лимитлаш;
- кредит ва молия бозорлари фаолияти устидан назорат: операцияларини амалга оширилиши фақат Молия Вазирлиги рухсати билан бўлади ва валюта назорати органларининг олдиндан рухсат берганлиги (хусусан облигацион заёмларни чиқаришга) шарти билан хориждаги берилаётган кредитлар ҳамда тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми, хорижий кредитларни жалб этиш хақидаги маълумот берилаётганда, ушбулар миллий валюта ва ссуда капиталлари бозорларига ҳамда муомалада пул массаси ўсишига таъсир этмаслиги учун;
- хорижий валютада халқаро заёмлар тақдим этилишида миллий банклар иштирокини чеклаш;
- резидентларга тегишли хорижий қимматли қоғозларни муомаладан мажбуран чиқарилиши ва уларни валютага сотилиши.

### **Назорат учун саволлар**

1. Валюта риски тушунчаси ва уни валюта операциялардаги ўрни.
2. Валута курси котировкалари тўғрисидаги тушунча.
3. «SWOP» валюта курси ва валюта риски орасидаги боғланиш.
4. Форвард курси ва валюта риски суғурталаш.
5. Муддатли валюта операциялари ва валюта риски
6. Опцион валюта операциялари ва валюта риски
7. Фьючерс валюта операциялари ва валюта риски.
8. Валюта позицияси турлари.

## ГЛОССАРИЙ

<b>Атаманинг ўзбек тилида номланиши</b>	<b>Атаманинг инглиз тилида номланиши</b>	<b>Атаманинг рус тилида номланиши</b>	<b>Атаманинг маъноси</b>
<b>ваколат ҳуқуқини ошириш</b>	<b>abuses of authority</b>	<b>превышение полномочий</b>	ваколат ҳуқуқини ошириб юбориш
<b>чекларни қабул қилиш</b>	<b>accept checks</b>	<b>принимать чеки</b>	чекларни қабул қилиш
<b>депозитларни қабул қилиш</b>	<b>accept deposits</b>	<b>принимать депозиты</b>	депозитларни қабул қилиш
<b>акцепт</b>	<b>acceptance</b>	<b>акцепт, акцептирование</b>	акцепт, накд пулсиз ҳисобкитобларнинг шаклларидан бири, тўловни амалга ошириш бўйича розилик бериш
<b>банк акцептлари муомалада бўладиган бозор</b>	<b>acceptance market</b>	<b>рынок, на котором обращаются банковские акцепты</b>	банк акцептлари муомалада бўладиган бозор
<b>ўтказиладиган векселни акцептлайдиган шахс</b>	<b>acceptor</b>	<b>акцептант, лицо, акцептирующее переводной вексель</b>	акцептчи, ўтказиладиган (жўнатиладиган) векселни акцептлайдиган шахс
<b>капиталлар бозорига кириш</b>	<b>access to capital market</b>	<b>доступ на рынок капиталов</b>	капиталлар (сармояллар) бозорига кириш
<b>бухгалтер</b>	<b>accountant</b>	<b>Бухгалтер</b>	бухгалтер
<b>банкда бухгалтерия ҳисоби департаменти</b>	<b>accounts department</b>	<b>бухгалтерия, департамент бухгалтерского учета (банка)</b>	бухгалтерия, банкда бухгалтерия ҳисоби департаменти
<b>кредиторлик қарзи</b>	<b>accounts payable</b>	<b>кредиторская задолженность</b>	кредиторлик қарзи
<b>товарлар ва хизматлар буйicha кредиторлик қарзи</b>	<b>accounts payable for goods and services</b>	<b>кредиторская задолженность за товары и услуги</b>	товарлар ва хизматлар буйicha кредиторлик қарзи
<b>дебиторлик қарзи</b>	<b>accounts receivable</b>	<b>дебиторская задолженность</b>	дебиторлик қарзи
<b>товарлар ва хизматлар буйicha дебиторлик қарзи</b>	<b>accounts receivable for goods and services</b>	<b>дебиторская задолженность за товары и услуги</b>	товарлар ва хизматлар буйicha дебиторлик қарзи
<b>дебиторлик ва кредиторлик карзларининг изоҳланиши</b>	<b>accounts receivable and accounts payable breakdown</b>	<b>расшифровка дебиторской и кредиторской задолженностей</b>	дебиторлик ва кредиторлик карзларининг изоҳланиши

<b>аккредитив очиш</b>	<b>accredit</b>	<b>открывать аккредитив</b>	аккредитив очиш
<b>хисобланган, лекин мижозлардан инкассалаштирил маган фоизлар</b>	<b>accrued interest receivable</b>	<b>проценты начисленные, но не инкасированные с клиентов</b>	хисобланган, лекин мижозлардан инкассалаштирилмаган фоизлар
<b>банк сотиб олиш</b>	<b>acquire bank</b>	<b>приобретать банк</b>	банк сотиб олиш
<b>сотиб олинаётган фирма</b>	<b>acquiree</b>	<b>приобретаемая фирма (например, банк)</b>	сотиб олинаётган фирма (масалан, банк)
<b>сотиб оловучи</b>	<b>acquirer</b>	<b>аквизитор, приобретатель (например, банк- приобретатель другого банка)</b>	сотиб оловучи (масалан, бошқа банки сотиб оловучи банк ёки банк- харидор)
<b>молиявий жиҳатдан кучлироқ бўлган субъект томонидан сотиб олиниш</b>	<b>acquisition by a stronger financial institution</b>	<b>приобретение более сильным финансовым институтом</b>	молиявий жиҳатдан кучлироқ бўлган субъект томонидан сотиб олиниш
<b>сотиб олиш услуби</b>	<b>acquisition method</b>	<b>метод приобретения (банка)</b>	(банкни) сотиб олиш услуби (методи)
<b>сотиб олиш билан боғлиқ бўлган устама</b>	<b>acquisition premium</b>	<b>надбавка, связанная с приобретением</b>	сотиб олиш билан боғлиқ бўлган устама
<b>сотиб олиш баҳоси</b>	<b>acquisition price</b>	<b>цена приобретения (одним банком другого банка)</b>	(бир банкни иккинчи банк томонидан) сотиб олиш баҳоси
<b>фаоллилик коэффициентлари</b>	<b>activity ratios</b>	<b>коэффициенты активности</b>	фаоллилик коэффициентлари
<b>банк акцепта</b>	<b>banker's acceptance</b>	<b>банковский акцепт</b>	банк акцепта
<b>банк ассоциацияси</b>	<b>banking association</b>	<b>банковская ассоциация</b>	банк ассоциацияси
<b>банк корхонаси</b>	<b>banking enterprise</b>	<b>банковское предприятие</b>	банк корхонаси
<b>банклар экспансияси</b>	<b>banking expansion</b>	<b>экспансия банков</b>	банклар экспансияси
<b>банк операциялари</b>	<b>banking facilities</b>	<b>банковские операции</b>	банк операциялари
<b>банк қонунчилиги</b>	<b>banking law</b>	<b>банковское законодательство</b>	банк қонунчилиги
<b>банк қонунчилиги</b>	<b>banking legislation</b>	<b>банковское законодательство</b>	банк қонунчилиги
<b>(банк) бошқарувининг раиси</b>	<b>chairman of the board</b>	<b>председатель правления (в банке)</b>	(банк) бошқарувининг раиси
<b>ундирмоқ ҳисоб</b>	<b>charge</b>	<b>взыскивать,</b>	ундирмоқ ҳисоб варагига

<b>варагига ўтказмоқ</b>		<b>относить на счет</b>	<b>ўтказмоқ</b>
учун тўловни ундиrmоқ	<b>charge a fee for</b>	взыскивать плату за...	учун тўловни ундиrmоқ
харажатларга ўтказмоқ	<b>charge to expenses</b>	относить на издержки	харажатларга ўтказмоқ,
чекга ишлов берганлик ҳақ	<b>charge for check processed</b>	плата за обработку чека	чекга ишлов берганлик (учун) ҳақи (ҳақ)
келишилган чегарадан юқори олинган пул маблағлари	<b>charge for excess withdrawal</b>	плата за снятие денежных средств сверх оговоренного предела	келишилган чегарадан юқори олинган пул маблағлари
хисобдан чиқарилган ссуда	<b>charge-off</b>	ссуда или иной вид активов, которые банк считает безвозвратно утерянными и списывает в качестве кредитных (или иных) потерь	банк томонидан қайтмас деб саналган ва хисобдан чиқарилган ссуда ва бошқа турдаги активлар
харажатлар	<b>charges</b>	расходы, сборы	харажатлар, йифимлар
лицензия	<b>charter</b>	документ, дающий право банкам на ведение банковской деятельности	банкларга банк фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи хужжат (лицензия)
лицензия (рухсатнома) бериш жараёни	<b>chartering</b>	процесс выдачи лицензий на ведение банковских операций	банк операцияларини юргизишга (амалга оширишга) лицензия (рухсатнома) бериш жараёни
чек	<b>check</b>	чек	чек
бош иқтисодчи	<b>chief economist</b>	главный экономист	бош иқтисодчи
банк қонунчилигини айланиб ўтиш	<b>circumvent banking law</b>	обходить банковское законодательство	банк қонунчилигини айланиб ўтиш
банкга талабнома	<b>claims on bank</b>	требования на банк	банкга талабнома
активлар туркумланиши	<b>classification of assets</b>	классификация активов	активлар классификациям (туркумланиши)
муаммоли ссудаларни туркумлаш	<b>classification of problem loans</b>	классификация проблемных ссуд	муаммоли ссудаларни классификациялаш (туркумлаш)
чеклар клирингини амалга оширмоқ	<b>clear checks</b>	осуществлять клиринг чеков	чеклар клирингини амалга оширмоқ
банклараро хисоб-китоблар тизимиға киритилган банк	<b>clearing bank</b>	банк, включенный в межбанковскую систему расчетов	банклараро хисоб-китоблар тизимиға киритилган банк

<b>хисоб-китоб палатасининг чеки</b>	<b>clearing house check</b>	<b>чек расчетной палаты</b>	хисоб-китоб палатасининг чеки
<b>мижоз</b>	<b>client</b>	<b>клиент</b>	мижоз
<b>тижорат банки</b>	<b>commercial bank</b>	<b>коммерческий банк</b>	тижорат банки
<b>тижорат хуқуқ</b>	<b>commercial law</b>	<b>коммерческое право</b>	тижорат хуқуқ
<b>оддий акция</b>	<b>common stock</b>	<b>обычная акция</b>	оддий акция
<b>фирма доирасидаги риск</b>	<b>company risk</b>	<b>Внутрифирменный риск</b>	фирма доирасидаги (ички) риск
<b>назорат риски</b>	<b>control risk</b>	<b>риск, состоящий в том, что внутренняя система контроля может пропустить ошибки</b>	назоратнинг ички тизими хатони ўтказиб юборишидан иборат бўлган риск
<b>мамлакат риски</b>	<b>country risk</b>	<b>страновой риск</b>	мамлакат риски
<b>кредит риски</b>	<b>credit risk</b>	<b>кредитный риск (риск невозврата ссуды)</b>	кредит риски (ссуданинг қайтмаслик риски)
<b>кредит рискининг таҳлили бўйича гурӯҳ</b>	<b>credit risk analysis unit</b>	<b>группа (в банке) по анализу кредитного риска</b>	кредит рискининг таҳлили бўйича (банкдаги) гурӯҳ
<b>кредит рискини бошқариш риски бўйича қўмитаси</b>	<b>Credit Risk Committee</b>	<b>комитет по кредитному риску (по управлению кредитным риском)</b>	кредит риски бўйича қўмита (кредит рискини бошқариш бўйича)
<b>кредит рискларини суғурта қилиш</b>	<b>credit risk insurance</b>	<b>страхование кредитных рисков</b>	кредит рискларини суғурта қилиш
<b>молиявий риск</b>	<b>financial risk</b>	<b>финансовый риск, категория финансового риска включает в себя такие виды рисков, как процентный, кредитный, валютный риски, риски по внебалансовым статьям, опционные риски и т.д.</b>	молиявий риск, молиявий риск категорияси рискларнинг қуидаги кўринишларини ўз ичига олади: фоиз, кредит, валюта рисклари, балансдан ташҳаридаги моддалар бўйича рисклар, опционли рисклар ва бошқалар
<b>валюта риски</b>	<b>forex risk (foreign exchange risk)</b>	<b>валютный риск</b>	валюта риски
<b>муттаҳамликдан кўрилган заарлар риски</b>	<b>fraud risk</b>	<b>риск потерь от мошенничества</b>	муттаҳамликдан кўрилган заарлар риски

<b>тармоқ таваккалчилиги</b>	<b>industry risk</b>	<b>отраслевой риск</b>	<b>тармоқ таваккалчилиги</b>
<b>фоиз риски</b>	<b>interest rate risk</b>	<b>фиксированным ставкам за счет привлеченных краткосрочных ресурсов в условиях, если уровень процентных ставок поднимается)</b>	фоиз таваккали. Фоиз ставкаларидаги ўзгаришлар туфайли йўқотишлар (зарарлар) билан боғлик, (масалан, фоиз ставкалари кўтарилаётган шароитда қисқа муддатли жалб этилган ресурслар ҳисобидан қаъий ставкаларда узоқ муддатли ссудалар бериш)
<b>фоизли своп</b>	<b>interest rate swap</b>	<b>процентный своп</b>	фоизли своп
<b>тўлов ҳужжати</b>	<b>payment document</b>	<b>платежный документ</b>	тўлов ҳужжати
<b>дивидентларни тўлаш</b>	<b>payment of dividends</b>	<b>выплата дивидендов</b>	дивидентларни тўлаш
<b>тўлов топшириқномаси</b>	<b>payment order</b>	<b>платежное поручение -</b>	тўлов топшириқномаси
<b>портфел тақсимланиши</b>	<b>portfolio allocation</b>	<b>распределение (ссуд, инвестиций и т.п.) в портфеле</b>	(ссуда, инвестициялар ва шунга ўхшашларнинг) портфелда тақсимланиши
<b>портфел сифати</b>	<b>portfolio quality</b>	<b>качество портфеля (ссуд, инвестиций и т.п.)</b>	(ссуда, инвестициялар ва шунга ўхшашлар) портфелининг сифати
<b>таваккалчиликни баҳолаш</b>	<b>pricing risk</b>	<b>установление цены на риск, оценивание рисков</b>	таваккалчиликка баҳо ўрнатиш, таваккалчиликни баҳолаш
<b>лойиҳа риск</b>	<b>project risk</b>	<b>проектный риск; риск, связанный с подготовкой и реализацией конкретного кредитуемого (финансируемого) проекта</b>	войиҳавий риск (таваккалчилик), кредитлаштирилиши (молиялаштирилиши) лозим бўлган аниқ, лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш билан боғлик, бўлган риск (таваккалчилик)
<b>рискнинг қабул қилиниши мумкин бўлган мезонлари</b>	<b>risk acceptance criteria</b>	<b>критерии приемлемости риска</b>	рискнинг (таваккалчиликнинг) қабул қилиниши, мумкин бўлган мезонлари
<b>рискни баҳолаш жараёни</b>	<b>risk assessment</b>	<b>процесс оценки риска</b>	рискни (таваккалчиликни) баҳолаш жараёни
<b>рискли активлар</b>	<b>risk assets</b>	<b>рискованные активы</b>	рискли (таваккалчилик) активлар
<b>рискли активлар коэффициенти</b>	<b>risk assets ratio</b>	<b>коэффициент рискованных активов</b>	рискли (таваккалчилик) активлар коэффициента
<b>Базель битами томонидан белгиланган рискларни</b>	<b>risk based capital method</b>	<b>метод оценки достаточности капитала, с учетом рисков, установлен-</b>	Базель битами томонидан белгиланган рискларни (таваккалчиликларни) инобатга олган ҳолда сармоянинг

<b>инобатга олган ҳолда сармоянинг етарлигини баҳолаш методи</b>		<b>ных Базельским соглашением</b>	етарлигини баҳолаш методи
<b>рискларни ҳисобга олган ҳолда активларни баҳлаша фойдаланувчи сармоянинг етарлилик кўрсаткичлари</b>	<b>risk based capital ratios</b>	<b>показатели достаточности капитала, использующие оценку активов с учетом рисков</b>	рискларни (таваккалчиликларни) ҳисобга олган ҳолда активларни баҳлаша фойдаланувчи сармоянинг етарлилик кўрсаткичлари
<b>рискка бўлган толерантлилик</b>	<b>risk tolerance</b>	<b>толерантность к риску, рискованность как свойство финансового поведения клиента банка</b>	рискка (таваккалчиликка) бўлган толерантлилик, рисклилик (таваккаллилик) — банк мижози молиявий хулқатворининг хусусияти сифатада
<b>рискдан озод бўлган фоиз ставкаси</b>	<b>risk-free rate</b>	<b>процентная ставка, свободная от риска</b>	рискдан (таваккалчиликдан) озод бўлган фоиз ставкаси
<b>рискдан озод бўлган қимматбаҳо қофоз</b>	<b>risk-free security</b>	<b>ценная бумага, свободная от риска</b>	рискдан (таваккалчиликдан) озод бўлган қимматбаҳо қофоз
<b>рискларни қабул қилиш</b>	<b>risk taking</b>	<b>принятие рисков</b>	рискларни (таваккалчиликларни) қабул қилиш
<b>рисклилик (таваккаллилик)</b>	<b>riskiness</b>	<b>рисковать, рискованность</b>	рискчанлик (таваккалчанлик), рисклилик (таваккаллилик)
<b>риск олиб келмайдиган активлари</b>	<b>risk less assets</b>	<b>активы (банка), не несущие риска</b>	(банкнинг) риск (таваккалчилик) олиб келмайдиган активлари
<b>рискли кредитлаштириш, юкори даражадаги риск асосида кредитлаштириш</b>	<b>risky lending</b>	<b>рискованное кредитование, кредитование с повышенной степенью риска</b>	рискли (таваккалли) кредитлаштириш, юкори даражадаги риск (таваккалчилик) асосида кредитлаштириш
<b>жамғармаларни йўқотиш риски</b>	<b>savings loss risk</b>	<b>риск потери сбережений</b>	жамғармаларни йўқотиш риски
<b>чайқов операциялари риски</b>	<b>speculation risk</b>	<b>риск спекулятивных операций</b>	чайқов операциялари риски

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Ўзбекистон Республикаси қонунлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: –Ўзбекистон”, 2010.

2. Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисидаги» Қонуни 14 апрель 1999й.

3. Ўзбекистон Республикасининг –Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003. - 30-46-б.

4. Ўзбекистон Республикасининг –Валютани тартибга солиш тўғрисида” ги (янги тахрири) Қонуни. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. I-3. - Тошкент, 2004. - 23-47-б.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 6 майидаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги» , ПҚ-2344-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПФ-4848-сонли фармони //

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2016.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2012.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3272-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги «Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2777-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Республикада банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун қулагай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2751-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2412-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асалари.**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон, 2017 й., 33-бет.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент: Ўзбекистон, – 2016 й., 22-бет.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб

халқимиз билан бирга қурамиз. - Toshkent: «O'zbekiston» NMIU, 2017.- 488 б.

4.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Toshkent: «O'zbekiston» NMIU, 2017. – 48 Б.

5. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013., 7-б.

6.Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012., 8-б.

#### **IV.Асосий адабиётлар.**

1. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик.Т.: „Молия” 2005., 510 б.

2.Каримов Н. Ўзбекистон Республикаси инвестицион лойихаларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш йўллари. Т.: Фан ва технология, 2007 й.

3."Международные валютно-кредитные и финансовые отношения". Учебник. /Под ред. Л.Н. Красавинов. Изд. 3-е перераб и допол. - М.: Финансы и статистика, 2006. – 608с.

4. Шапкин А.С."Экономические и финансовые риски". Учебник. - Изд. 3-е. - М.: Дашков и К,2006. – 120с.

5. Грюшинг Х. В., Братонович С. "Анализ банковских рисков. Система оценки корпоративного управления и управления финансовым риском". Пер с англ. Вспут.сл.д.э.н. К.Тагирбекова.- М.: Изд. Вес Мир,2006.-304с.

6. Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 р.

7. Диденко Н. И. Основы внешнеэкономической деятельности в РФ. 2-е Изд. - СПб.: Питер, 2006. – 560с.

8. Абрамов, В. Ю. Страхование: теория и практика. – М.: Волтерс Клювер, 2007. - 512 с.

9. Гаврилова С.С. Страхование. – СПб.: Вектор, 2006. – 256 с.

10. Денисова И.П. Страхование. Издание второе. – Москва: ИКСТ «Март», Ростов н/Д: «Март», 2007. – 240 с.

11. Мусина А.Д. Страхование: учет и налоги.- М.: Вершина, 2008.- 136 с.

12. Страхование: Учебник./под ред. В.В. Шахова и др.- 3-е Изд. - М.: ЮНИТИ, 2009.- 511 с.

13. Чернова Т.В. Страхование: Учебник. /А.Н.Базанов, Л.В. Беменская и др.-М.: Проспект, 2009.- 432 с.
14. Деньги. Кредит. Банки: Учебник. / Е.Ф. Жуков и др. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 783 с.
15. Куликов А.Г. Деньги, Кредит, банки: Учебник. – М.: КНОРУС, 2009. – 656 с.
16. Краливесткая Л.Н. Банковское дело: кредитная деятельность коммерческих банков: учеб. пос. – М.: КНОРУС, 2008. – 280 с.
17. Федяков. М.И. Деньги к деньгам Инвестиционная практика бизнес М.: Бератор паблишинг, 2008.-176 с.
18. Фетисов.Г.Г. Организация деятельности Центрального банка: Учебник. - М. КНОРУС, 2008- 432с.
19. Жарковская. Е.П. Банковское дело: Учеб. - М: ОМЕГА-Л,2008. – 476 с.
20. Банковское дело: Экспресс – курс: Учеб. пособ. /Под ред О.И. Лаврушина М.: Кнорус , 2008 -352с.
- 21.Ермаков С.Л. Основы организаций деятельности коммерческого банка: Учебник. – М.: КНОРУС, 2009 – 656с. 2 экз.
- 22.Банковское дело: Учеб./Под ред. Г. Белоглазовой, Л. Кроливесткой - СПб: Питер, 2008. - 400с.
- 23.О банках и банковской деятельности в Российской Федерации. –М.: ИНФРА-М, 2008. -52с.
24. Финансы. Денежное обращение. Кредит: учеб.пос. /Под ред. Г.Б. Поляка. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 639 с. 2 экз.
25. Абрамов, В. Ю. Страхование: теория и практика. – М.: Волтерс Клювер, 2007. - 512 с.
26. Гаврилова С.С. Страхование. – СПб.: Вектор, 2006. – 256 с.
- 27.Денисова И.П. Страхование. Издание второе. – Москва: ИКСТ «МарТ», Ростов н/Д: «МарТ», 2007. – 240 с.
28. Мусина А.Д. Страхование: учет и налоги.- М.: Вершина, 2008.- 136 с.
29. Страхование: Учебник. /Под ред. В.В. Шахова и др.- 3-е Изд. - М.: ЮНИТИ, 2009.- 511 с.
- 30.Чернова Т.В. Страхование: Учебник. /А.Н. Базанов, Л.В. Беменская и др.-М.: Проспект, 2009.- 432 с.
31. Е.Ф. Жуков и др. Деньги. Кредит. Банки: Учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 783 с.
32. Куликов А.Г. Деньги, Кредит, банки: Учебник. – М.: КНОРУС, 2009. – 656 с.

- 33.Краливесткая Л.Н. Банковское дело: кредитная деятельность коммерческих банков: Учеб. пос. – М.: КНОРУС, 2008. – 280 с.
- 34.Федяков. М.И. Деньги к деньгам Инвестиционная практика бизнес. – М.: Бератор паблишинг, 2008.-176 с.
- 35.Фетисов Г.Г. Организация деятельности Центрального банка: Учебник. - М.: КНОРУС, 2008. - 432с.
- 36.Жарковская. Е.П. Банковское дело: Учеб. – М.: ОМЕГА-Л, 2008. – 476 с.
- 37.Банковское дело: Экспресс – курс: Учеб. пособ. /Под ред О.И. Лаврушина М.: Кнорус , 2008 -352с.
- 38.Ермаков. С.Л. Основы организаций деятельности коммерческого банка. Учебник. – М.: КНОРУС, 2009 – 656с. 2 экз.
- 39.Банковское дело: Учеб. / Под ред. Г. Белоглазовой, Л. Кроливесткой - СПб: Питер, 2008. - 400с.
- 40.О банках и банковской деятельности в Российской Федерации. –М.: ИНФРА-М., 2008. -52с.
- 41.Финансы. Денежное обращение. Кредит: учеб.пос. /Под ред. Г.Б. Поляка. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 639 с. 2 экз.
- 42.Красавина Л.Н. «Международные валютно-кредитные и финансовые отношения» Москва «ФиС» 2004г.
43. Рашидов О`ЙУ. ва бошқалар. Пул мұомаласи, кредит ва молия. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006. -310 б.

## V. Қўшимча адабиёт

1. Altmann.Altmann J. Wirtschaftspolitik : 7. Auflage/ .Altmann. - Stuttgart: CIP-Einheitsaufnahme, 2000. -692 р.
2. Dictionary of Foreign Trade, by F.Henus, Sec.Ed.№4. 1947, p.387
3. Sharp U., Aleksander G., Beyli Dj. INVESTISII: Per. s ang. – М.: INFRA-M, 2006. – XII, S.1.
4. Балабанов А.И., Боровкова Вик. Банки и банковское дело: учебник. 2-е изд. –СПб.: Питер, 2008.-448с.
5. Балдин К.В., Уткин В.Б. Информационное система в экономике: Учебник. – 2-е изд. – М.: «Дашков – Ко», 2007.- 395 с.
6. Банки и небанковские кредитные организации и их операции: для юристов и экономистов / Под редакцией С.В. Симоновича. — СПб.: Питер, 2007. —688 с.

7. Банки и небанковские кредитн<sup>ке</sup>е организасии и их операсии:  
Учебник / Под ред. Е.Ф. Жукова. — М.: Вузовский учебник, 2005. — 491с.

9. Банковские информасионное система: Учебник / Под ред. профессора В.В. Дика. М.: Маркет ДС., 2006. – 816 с.

## **VI. Даврий нашрлар, статистик тўплам ва ҳисоботлар**

- 1.«Бозор, пул ва кредит// №1-12 2018. №1-3, 2019 йил.
2. Банк ахборотномаси, газетаси 2018 йил №1-52.
- 3.Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари
- 4.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботлари
- 5.Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари йиллик ҳисоботлари

## **VII.Интернет сайтлари**

1. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
2. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
3. [www.nbu.uz](http://www.nbu.uz)
4. [www.finanse.uz](http://www.finanse.uz)
5. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
6. <https://www.sciencedirect.com/> The evolution of credit terms: An empirical study of commercial bank lending to developing countries  
*Journal of Development Economics*, Volume 38, Issue 1, January 1992, Pages 79-97 Sule Özler.
- 7 <https://www.sciencedirect.com/> Innovation in rural finance: Indonesia's Badan Kredit Kecamatan program  
*World Development*, Volume 22, Issue 3, March 1994, Pages 301-313 Jeffrey M. Rieding
8. <https://www.sciencedirect.com/> Calculating the probability of failure of the Norwegian banking sector  
*Journal of Multinational Financial Management*, Volume 12, Issue 1, February 2002, Pages 21-40 Andrew Clare, Richard Priestley

М.Б. МҮМИНОВА, Ф.Н. НАСРИДДИНОВ,  
З.Т. МАМАДИЯРОВ

## БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШ

*Ўқув қўлланма*

*“IQTISODIYOT” - 2019*

*Муҳаррир*  
*Мирҳидоятова Д.М.*

*Мусаҳҳих*  
*Матхўжаев А.О.*

Litsenziya raqami: №10-4286 14.02.2019. Bosishga 29.09.2019 da ruxsat etildi.  
Bichimi 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Ofset qog`ozi. Tayms garniturasi. Shartli bosma tabog'i: 8,5.  
Adadi 20 nusxa. Bahosi kelishilgan narxda.

«ZARAFSHON FOTO» XK matbaa bo`limida chop etildi, 100066.  
Toshkent sh. Islom Karimov ko`chasi, 49-uy.